

М.Қ. ПАРДАЕВ, А.Н. ХОЛИҚУЛОВ,  
Т.И. ЯХЎЕВ.

# МОЛИЯВИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА



САМАРҚАНД

**ЎЗБЕКИСТОН РЕЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**М.Қ.Пардаев, А.Н.Холиқулов, Т.И.Яхёев.**

**МОЛИЯВИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ  
ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24 декабр 2021-йил 60-сонли “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирининг 22 август 2022 йил 284-сонли буйруғи ҳамда СамИСИ Кенгашининг 2022 йил 31-октябрдаги 3-сонли мажлис қарорига асосан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

**Самарқанд – 2022**

**УО'К: 336.11(075.8)**

**П 21**

**КВК: 65.26я73**

*Пардаев М.Қ., Холикулов А.Н., Яхёев Т.И. Молиявий ва иқтисодий маълумотлар таҳлили. /Ўқув қўлланма/ – Самарқанд.: “FAN BULOG‘I” нашриёти, СамИСИ, - 2022 й. 146 бет.*

Ўқув қўлланмада молиявий ва иқтисодий маълумотлар таҳлили фанининг назарий ва услубий масалалари қараб чиқилган. Бунда фаннинг мазмуни, предмети, вазифалари, бошқа фанлар билан алоқаси ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, унда молиявий ва иқтисодий маълумотлар таҳлили фанининг асосий йўналишлари ва амалий маълумотларни қўллаган ҳолда таҳлил қилиш йўллари қараб чиқилган.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртлари талабаларга, магистрлар ва профессор-ўқитувчиларга мўлжалланган. Ундан илмий изланувчилар, докторантлар, молиявий ва иқтисодий маълумотлар таҳлили фанига қизиқувчи соҳа мутахассислари ва кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланишлари мумкин.

**И.ф.д., профессор М.Қ. Пардаевнинг умумий таҳрири остида**

**Тақризчилар: К.Б.Уразов – и.ф.д, профессор, (СамИСИ);  
Д.Қ.Усманова – и.ф.н, доцент, (СамДУ).**

**ISBN: 978-9943-8979-1-5**

© М.Қ.Пардаев, А.Н.Холикулов, Т.И.Яхёев, СамИСИ 2022.

© “FAN BULOG‘I” нашриёти, 2022.

## МУНДАРИЖА

	<b>Кириш.....</b>	<b>7</b>
<b>I БОБ</b>	<b>ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АХБОРОТЛАР</b>	
1.1.	Корхонанинг молиявий ҳисоботлари: аниқ ва тўғри бўлишликни тақозо қилади.....	9
1.2.	Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотларнинг ҳисоботдаларда ифодаланиши бўйича гуруҳлари.....	10
1.3.	Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар ошкоралиги нуктаи назаридан гуруҳланиши.....	11
1.4.	Корхона ҳисоботлари ҳар бир шаклининг тегишли тартибда тузилиши.....	12
	Асосий тушунчалар таърифлари.....	13
	Такрорлаш учун саволлар.....	13
	Тест.....	14
<b>II БОБ</b>	<b>МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР ТАРКИБИ</b>	
2.1.	Молиявий ҳисоботлар таркибини шакллантиришда асосланадиган меъёрий ҳужжат.....	16
2.2.	Йиллик ҳисоботларнинг таркибий тузилиши.....	16
2.3.	Корхона раҳбари молиявий ҳисоботларни ўқишда аҳамият бериши лозим бўлган жиҳатлар.....	17
	Асосий тушунчалар таърифлари.....	21
	Такрорлаш учун саволлар.....	21
	Тест.....	21
<b>III БОБ</b>	<b>БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ: ТУРЛАРИ, ТАРКИБИ, ТАВСИФИ</b>	
3.1.	Баланс тушунчаси ва унинг раҳбар учун аҳамияти.....	24
3.2.	Бухгалтерия балансини таснифлаш белгилари ва турлари.....	26
3.3.	Баланснинг тузилиш вақтига кўра таснифи.....	26
3.4.	Баланснинг ахборот ҳажми бўйича таснифланиши.....	27
3.5.	Баланснинг мулкчилик шаклига кўра таснифланиши.....	27
3.6.	Акс эттириш объектига кўра баланснинг турлари.....	27
3.7.	Баланснинг тозалаш усулига кўра турлари.....	28
	Асосий тушунчалар таърифлари.....	28
	Такрорлаш учун саволлар.....	29
	Тест.....	29
<b>IV БОБ</b>	<b>БАЛАНСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР</b>	
4.1.	Баланснинг тўғрилиги.....	32
4.2.	Баланс реаллиги.....	33
4.3.	Баланснинг бирхиллиги.....	33
4.4.	Баланснинг яхлитлиги.....	33
4.5.	Баланснинг давомийлиги.....	34

4.6	Балансинг аниқлиги.....	34
4.7	Балансинг изчиллиги.....	34
4.8	Балансинг тушунарлилиги.....	34
4.9	Балансинг қисмлари.....	35
4.10	Балансактивларининг таркиби.....	35
4.11	Узоқ муддатли активлар.....	35
4.12	Жорий активлар.....	36
4.13	Корхона баланси активларини ўрганиш.....	36
4.14	Корхона баланси пассивларини ўрганиш.....	37
4.15	Баланс активи қисмининг тузулиши.....	37
4.16	Баланс пассив қисмининг тузулиши.....	38
4.17	Баланс активи 1-бўлимининг тавсифи.....	39
4.18	Баланс активи 2-бўлимининг тавсифи.....	40
4.19	Баланс пассивининг таркибий тузилиши.....	40
4.20	Устав сармоясига.....	41
4.21	Қўшилган ва захира сармоясига.....	41
4.22	Тақсимланмаган фойда, мақсадли тушумлар ва келгуси давр даромадлари.....	42
4.23	Корхонанинг мажбуриятлари ҳақида.....	42
	Асосий тушунчалар таърифлари.....	43
	Такрорлаш учун саволлар.....	43
	Тест.....	44
<b>V БОБ</b>	<b>БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ МОДДАЛАРИНИНГ БИР-БИРИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ</b>	
5.1.	Корхона бухгалтерия балансининг муайян санадаги ҳолати.....	46
5.2.	Корхона балансининг ўзаро боғлиқлиги.....	46
5.3.	Ўз маблағларининг тақсимланиши.....	47
5.4	Бухгалтерия баланси моддаларида содир бўладиган ўзгаришлар.....	48
	Асосий тушунчалар таърифлари.....	49
	Такрорлаш учун саволлар.....	49
	Тест.....	49
<b>VI БОБ</b>	<b>БАЛАНСНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ БОШҚА ШАКЛЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ</b>	
6.1.	Балансининг «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» маълумотлари билан боғлиқлиги.....	53
6.2.	Балансининг «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома» ахборотлари билан боғлиқлиги.....	53
6.3	Балансининг «Асосий воситалар ҳаракати ҳақида ҳисобот» маълумотлари билан боғлиқлиги.....	54
6.4	Балансининг «Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот» маълумотлари билан боғлиқлиги.....	56
6.5	Балансининг «Ўз маблағлари ҳақидаги ҳисобот» маълумотлари билан боғлиқлиги.....	61
	Асосий тушунчалар таърифлари.....	65

	Такрорлаш учун саволлар.....	65
	Тест.....	66
<b>VII</b>	<b>БАЛАНСНИНГ «ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ ҲАҚИДАГИ</b>	
<b>БОБ</b>	<b>ҲИСОБОТ»МАЪЛУМОТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ</b>	
7.1.	Баланс тузилишининг тўғрилигини текшириш.....	69
7.2.	Баланснинг аниқлиги ва реаллигини текшириш.....	69
7.3.	Балансни таҳлилга тайёрлаш.....	70
	Асосий тушунчалар таърифлари.....	71
	Такрорлаш учун саволлар.....	71
	Тест.....	71
<b>VIII</b>	<b>“МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДА</b>	
<b>БОБ</b>	<b>ҲИСОБОТ”НИНГ (2-сон шакл) МАЗМУНИ ВА УНИ</b>	
	<b>ТАҲЛИЛГА ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛЛАРИ</b>	
8.1.	“Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”нинг таркибий тузулиши.....	75
8.2.	“Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум”.....	81
8.3.	“Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи”ни ифодаловчи кўрсаткич.....	81
8.4.	“Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)”.....	82
8.5.	“Давр харажатлари, жами”кўрсаткич ва унинг таркиби.....	83
8.6.	“Асосий фаолиятдан фойда (зарар)” кўрсаткичи ва уни аниқлаш йўллари.....	85
8.7.	“Молиявий фаолиятдан даромадлар”.....	84
8.8.	“Умумхўжалик фаолиятидан фойда (зарар)”.....	87
8.9.	"Фойда солиғини тўлашга қадар фойда (зарар)".....	88
	Асосий тушунчалар таърифлари.....	91
	Такрорлаш учун саволлар.....	91
	Тест.....	91
<b>IX</b>	<b>КОРХОНАЛАРДА ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК</b>	
<b>БОБ</b>	<b>ҚАРЗЛАР, УЛАРНИНГ МАЗМУНИ, КЎРСАТКИЧЛАРИ, АНИҚЛАНИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ</b>	
9.1.	Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин?.....	94
9.2.	Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари умумий сўммаси қаерда кўрсатилади ва нимани ифодалайди?.....	94
9.3.	Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг тузилиши нимани ифодалайди ва қандай аниқланади?.....	95
9.4.	Сармойани имобилизациялаш коэффиценти (Кс.им.) қандай аниқланади?.....	96
9.5.	Айланма маблағларни имобилизациялаш коэффиценти (К.маб.айм.им.) қандай аниқланади?.....	96
9.6.	Ўз маблағини имобилизациялаш коэффиценти (Кўзим)қандай аниқланади?.....	97

9.7	Жалб этилган маблағлар коэффициенти (Кж.м.) қандай аниқланади?.....	97
9.8	Жалб этилган маблағлар коэффициенти (Кж.м.) қандай аниқланади?.....	98
9.9	Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари нисбатининг коэффициенти (Кдеб.кр.н.) қандай аниқланади?.....	98
9.10	Муддати ўтган дебиторлик қарзи коэффициенти (Кмуд.д.к.) қандай аниқланади?.....	99
9.11	Муддати ўтган кредиторлик қарзи коэффициенти (Кмуд.кр.к.) қандай аниқланади?.....	99
9.12	Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш ва корхонанинг молиявий аҳволини яхшилашнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?.....	100
9.13	Корхоналарда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлил қилиш йўллари.....	101
	Асосий тушунчалар таърифлари.....	103
	Такрорлаш учун саволлар.....	104
	Тест.....	104
<b>Х БОБ</b>	<b>КОРХОНА МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ УМУМЛАШГАН ТАРЗДА БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ</b>	
10.1	Молиявий ҳолатни таҳлил қилишнинг вазифалари.....	106
10.2	Корхонанинг молиявий ҳолатини дастлабки баҳолаш.....	108
10.3	Корхона молиявий ҳолатини тўлиқ баҳолаш.....	112
	Асосий тушунчалар таърифлари.....	116
	Такрорлаш учун саволлар.....	116
	Тест.....	116
<b>ХІ БОБ</b>	<b>КОРХОНА ЛИКВИДЛИГИ: МАЗМУНИ, УЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ</b>	
11.1	Ликвидлик тушунчаси ва уларнинг таърифи.....	120
11.2	Активларнинг ликвидлик нуқтаи назаридан турлари.....	122
11.3	Корхоналар ликвидлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари.....	123
	Асосий тушунчалар таърифлари.....	132
	Такрорлаш учун саволлар.....	132
	Тест.....	133
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	136

## КИРИШ

Иқтисодий таҳлилнинг муҳим қисмларидан бири молиявий таҳлилдир. Молиявий таҳлилни амалга оширишда, асосан молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланилади. Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича миллий стандартлар амал қилиб турган ҳозирги шароитда молиявий ҳисоботларнинг деярли ҳамма соҳаларда уларнинг бир хиллиги таъминланган. Шу туфайли ушбу масалани барча тармоқ ва соҳаларга қўллаш мумкинлигини қайд этамиз. Қайд этиш жоизки, иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган молиявий ҳисоботлар ва уларни таҳлилга тайёрлаш масаласи барча тармоқлар учун методологик жиҳатдан бир-бирига яқин. Шу туфайли ушбу масалани “Молиявий ва бошқарув таҳлили”, “Меҳмонхона хўжалиги фаолияти таҳлили”, “Овқатланиш корхоналари фаолияти таҳлили”, “Турфирмалар молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили”, “Иқтисодиёт субъектларида молиявий хўжалик фаолияти таҳлили” каби фанлар учун қўлланилиши мумкин. Чунки барча хўжалик юритувчи субъектларда миллий стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботлар бир-бири билан мувофиқлаштирилган. Мазкур ишда иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар манбалари, асосан молиявий ҳисоботлар, уларнинг таркибий тузулишига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Таҳлил учун энг зарур ахборотлардан бири бўлган бухгалтерия баланси таркиби ва мазмунига алоҳида тўхталишга тўғри келган. Унинг турлари, таркиби, тавсифи ҳам қисқа ва тушунарли тарзда ёритилган. Талабалар ва мутахассислар билиши лозим бўлган балансига қўйиладиган асосий талаблар, бухгалтерия баланси моддаларининг бир-бири билан боғлиқлигига ҳам тегишли тарзда ўрин ажратилган. Таҳлил учун ўта зарур жараёнлардан бири бўлган, баланснинг молиявий ҳисобот бошқа шакллари билан боғлиқлиги, балансни таҳлилга тайёрлаш ва унинг аниқлигини текшириш масаласи ҳам атрофлича қараб чиқилган. Муҳими барча масалалар тушунарли бўлиши учун олдин сўзда ифодаланган бўлса, кейин у формулаларда кўрсатилган, сўнгра ушбу формулалар асосида рақамлар қандай таҳлил қилиниши ҳам аниқ ифода қилинган. Буларнинг ҳаммаси мутахассислар ва менежерлар учун фақат уларни аниқлаш билан чегаралаиб қолмасдан қандай бошқарув



қарорларини қабул қилиш масаласига ҳам тегишли тарзда аҳамият берилган. Ўқув қўлланмада корхона молиявий ҳолатини умумлашган тарзда баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари алоҳида аҳамият берилган. Бу ҳозирги пайтда корхонанинг эгаларига, банк, солиқ ва бошқа ташқи фойдаланувчи ходимлар учун тезкор таҳлил қилишда жуда қўл келади. Мазкур масала бухгалтерия ҳисоботларини тузишни билмаган, аммо унинг маълумотлари асосида тегишли хулоса чиқаришга мажбур бўлган мутахассислар, менежерлар учун ҳам қулай. Масаланинг моҳиятидан келиб чиқиб, молиявий ҳолатни таҳлил қилишнинг вазифаларига ҳам диққатни қаратдик. Чунки мазкур мавзу бўйича нималарга аҳамият бериш лозимлигини шу ернинг ўзида англаб олади. Шунингдек, ишда корхонанинг молиявий ҳолатини дастлабки баҳолаш, корхона молиявий ҳолатини тўлиқ баҳолаш масалалари ҳам айнан амалиёт нуқтаи назаридан атрофлича қараб чиқилган. Бугунги кунда корхонанинг ликвидлиги, уларни бошқаришда, банкротлигининг олдини олишда, тўлов қобилиятига баҳо беришда қўлланилиш мумкинлигини баҳолашда ўта муҳим кўрсаткич бўлганлиги туфайли ушбу масалага алоҳида аҳамият берилди. Ишда унинг мазмуни, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари амалий маълумотларни қўллаган ҳолда кўрсатиб берилган. Мазкур ишнинг олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига мўлжалланганлигини инобатга олиб, назарий масалалар билан бирга амалий маълумотлар ҳам келтирилган. Ундан профессор-ўқитувчилар, бевосита молиявий ҳисоботлар таҳлили билан қизиқадиган мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкинлигини инобатга олиб айрим жараёнларга ёндошиш масаласи формулалар орқали ифодаланган. Иш барча фойдаланувчилар учун қулай ва тушунарли бўлишлиги учун ундаги кўриладиган саволлар ҳам қисқа-қисқа параграфларда ифодаланишига эътибор қаратилган.

# **I БОБ. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН АХБОРОТЛАР**

## **1.1. Корхонанинг молиявий ҳисоботлари: аниқ ва тўғри бўлишликни тақозо қилади.**

Молиявий ҳисобот хўжалик юритувчи субъект алоҳида мустақил хўжалик юритувчи субъектлиги ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг консолидациялашган гуруҳига киришидан қатъи назар шу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум бир даврдаги фаолиятини тавсифловчи молиявий ахборотни тақдим этиш усулидир. Молиявий ҳисоботлар мақсади бўлиб иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун кенг фойдаланувчилар доирасига зарур бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати, унинг фаолияти кўрсаткичлари тўғрисида ва пул маблағларининг ҳаракати ҳақида ахборотни тақдим этиш ҳисобланади. Молиявий ҳисоботлар хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти томонидан амалга ошириладиган ресурсларни бошқариш натижаларини ҳам кўрсатади.

Корхонанинг молиявий ҳисоботи унинг хўжалик фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар манбаи бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли улар аниқ ва тўғри бўлишликни тақозо қилади. Республикамизда тадбиркорлик ва рақобат муҳитининг яратилиши, тадбиркорлик фаолиятининг қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилиши натижасида кўплаб янги-янги хўжалик юритувчи субъектларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бундай хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари яхши ғоялар ва тегишли молиявий маблағлар билан таъминланган ҳолда фаолиятини бошламоқдалар. Тажриба ва тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, кўпчилик тадбиркорларимиз янги бир ишга киришишдан олдин уни аниқ ҳисоб-китоб ва назорат тизими зарурлиги тўғрисида унчалик бош қотирмаяптилар. Оқибатда бир мунча вақт ўтиши билан масала анча жиддийлашиб, молиявий таҳчилликлар ва шунинг оқибатида фаолиятдаги узулишлар рўй бермоқда. Бунга йўл қўймаслик учун ҳар бир тадбиркор тегишли

маблағ топиш билан бирга ўз эътиборини яхши малакали иқтисодчи ва ҳисобчиларни топишдан бошлашлари керак. Бордию, шундай қилинмаса, охир оқибатда корхона раҳбари боши берк кўчага кириб қолиши, молиявий имкониятлардан самарали фойдалана олмаслиги, ишни илгари силжита олмаслиги, ташқаридан қаралганида фаолияти дурустгина бўлиб кўринган корхонасида молиявий тахчилликлар содир бўлишига йўл очилиши мумкин. Шу туфайли корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти ҳолатини ифода этиладиган ахборотлар тизими, яъни унинг молиявий ҳисоботлари аниқ ва тўғри бўлишликни тақозо қилади. Ушбу зарурият ҳисоботлардан таҳлил жараёнида фойдалана оладиган иқтисодчи ва ҳисобчиларнинг мавжудлигини тақозо қилади. Ушбу ҳолат корхона учун ҳозирги кескин ўзгаришлар содир бўлаётган, кескин рақобат шаклланаётган замонда ўта муҳимдир. Чунки, ҳар қандай юқори технология ёки сифатли хом ашё уни бошқарадиган мутахассислар бўлмаса, тегишли самара бермайди. Ушбу ҳолатга тўғри баҳо бера оладиган корхонанинг молиявий ҳисоботининг аниқ бўлишлигини таъминлай оладиган мутахассисларнинг ҳам, яъни малакали иқтисодчи ва бухгалтерларнинг бўлишлигини ҳам тақозо қилади.

## **1.2. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотларнинг ҳисоботдаларда ифодаланиши бўйича гуруҳлари.**

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар ҳисобга олиниши бўйича иккита гуруҳга бўлинади:

- ҳисоботда ифодаланидиган;
- ҳисоб ва ҳисоботларда ифодаланмайдиган.

Ҳисоботда ифодаланадиган ахборот манбаларига қуйидагилар киради:

\* бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи;

- \* статистика ҳисоби ва ҳисоботи;
- \* тезкор ҳисоб ва ҳисобот;
- \* танлаб кузатилган ҳисоб маълумотлари.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида хўжалик операциялари, хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари ифодаланади. Статистика ҳисоби ва ҳисоботида ҳодиса ва жараёнлар умумий мажмуасининг миқдорий жиҳатлари ифодаланади. Тезкор ҳисоб ва ҳисоботларга ҳисобот даври ичида олиш мумкин бўлган ахборотлар мажмуаси киради. Танлаб кузатиш натижасида олинган маълумотлар ҳисоботдаги кўрсаткичларни чуқурлаштириш ҳамда ҳодиса ва жараёнларни алоҳида ўрганиш имконини беради.

Ҳисоб ва ҳисоботларда ифодаланмайдиган маълумот манбаларига қуйидагилар киради:

- \* ички идора ва идорадан ташқари тафтиш маълумотлари;
- \* ички ва ташқи аудит ҳисоботлари;
- \* лаборатория ва тиббий-санитария назорати материаллари;
- \* солиқ хизмати ходимларининг текшириш натижалари;
- \* меҳнат жамоасининг мажлис ва йиғилиш қарорлари.

Шунингдек, таҳлил жараёнида тасдиқланган режа, бизнес-режа ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳам қўлланилади.

### **1.3. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар ошкоралиги нуқтаи назаридан гуруҳланиши.**

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар ошкоралиги нуқтаи назаридан ҳам икки гуруҳга бўлинади:

- очик маълумотлар;
- ёпиқ маълумотлар.

Бухгалтерия ва статистик ҳисоботларда ифодаланган маълумотлар ташқарига, бошқа субъектларга тақдим қилинади ва улар очик маълумотларга киради. Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг меъёрий кўрсаткичларини, таърифлари, лимитлари ва уларни баҳолаш йўллари йўллари, ўзларининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда шароитларига мослаб ишлаб чиқади. Бу кўрсаткичлар хўжалик субъектининг тижорат, технологик, ишлаб чиқариш сирини бўлиб ҳисобланади. Ушбу маълумотлар ёпиқ маълумотларга киради. Ёпиқ маълумотларнинг амал қилишига сабаб ҳозирги шароитда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобатнинг мавжудлигидир. Бу эса, ҳар бир субъектнинг маълум даражада ўзига хос мувоффақиятларини сир тутишини тақозо қилади. Шу туфайли ахборотларнинг маълум бир қисми тижорат сирини сифатида ёпиқ маълумотни ташкил қилиши давом этади.

#### **1.4. Корхона ҳисоботлари ҳар бир шаклининг тегишли тартибда тузилиши.**

Корхона ҳисоботлари йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботлар шаклини тузиш бўйича кўргазмага амал қилган ҳолда тузилади. Аммо унда хатоликларга йўл қўйилмаслигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Бухгалтерия баланси кўрсаткичларини бош китоб кўрсаткичларидаги рақамлар билан солиштириш. Улар бири-бирига мос келиши лозим.

2. Бухгалтерия балансидаги ҳар бир бўлимнинг моддаларида ифода этилган сўммаларининг йиғиндиси шу бўлим жами сўммасига ва актив қисмининг пассив қисмига тўғри келиши керак.

3. Бухгалтерия балансида кўрсатилган суммалар молиявий ҳисобот таркибига кирувчи бошқа ҳисобот кўрсаткичлари билан тўғри келиши ҳам зарур.

4. Бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботнинг Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1994 йил

26 мартда ишлаб чиқилган 164-сонли «Бухгалтерия ҳисоботи ва баланси тўғрисидаги Низом»га ва 1997 йил 25 январда тасдиқланган «Корхона ва ташкилотларнинг йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботларини тўлғазиш бўйича Қўлланма»га тўғри келиши кўриб чиқилади. Бу қўлланмага ҳар йили қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб борилади. Ҳозирги кунда амалдаги корхонанинг молиявий ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳар йилги ўзгаришларни ўзида ифода этадиган «Молиявий ҳисоботлар шакли ва уларни расмийлаштириш қоидалари» бўйича буйруғига асосан тузилади. Мазкур буйруқ бир неча бор тасдиқланиб келинмоқда. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан бир неча бор қайта рўйхатга олинган. Раҳбар молиявий ҳисоботни тасдиқлашда шу қўйилган талабларнинг ҳаммасини ёки муайян қисмини текшириб кўриши ва ишонч ҳосил қилгандан сўнг, унга имзо чекиши мумкин. Акс ҳолда нотўғри кетган битта рақам келажакда мингта ташвиш туғдириши мумкин. Шу туфайли ҳисобот маълумотларининг ҳар бирига жуда катта масъулият билан ёндошишни талаб қилади.

### **Асосий тушунчалар таърифлари**

Ҳисоб ва ҳисоботлар, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, статистика ҳисоби ва ҳисоботи, тезкор ҳисоб ва ҳисобот, танлаб кузатилган ҳисоб, ички ва ташқи аудит, очиқ маълумотлар, ёпиқ маълумотлар.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Таҳлил жараёнида фойдаланиладиган ахборот манбаларига нималар киради.
2. Ҳисоботда ифодаланадиган ахборот манбаларига нималар киради.
3. Ҳисоботда ифодаланмайдиган ахборот манбаларига нималар киради.
4. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобот шакллари нималардан иборат.

## Тест

1. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар ҳисобга олиниши бўйича нечи гуруҳга бўлинади.
  - А) 2
  - Б) 3
  - С) 4
  - Д) 5
2. Ҳисоботда ифодаланадиган ахборот манбаларига қуйидагилардан қайси кирмайди.
  - А) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи
  - Б) статистика ҳисоби ва ҳисоботи
  - С) тезкор ҳисоб ва ҳисобот
  - Д) солиқ хизмати ходимларининг текшириш натижалари
3. Ҳисоботда ифодаланадиган ахборот манбаларига қуйидагилардан қайси киради.
  - А) ички идора ва идорадан ташқари тафтиш маълумотлари
  - Б) ички ва ташқи аудит ҳисоботлари
  - С) лаборатория ва тиббий-санитария назорати материаллари
  - Д) тезкор ҳисоб ва ҳисобот
4. Ҳисоб ва ҳисоботларда ифодаланмайдиган маълумот манбаларига қуйидагилардан қайси кирмайди.
  - А) ички идора ва идорадан ташқари тафтиш маълумотлари
  - Б) ички ва ташқи аудит ҳисоботлари
  - С) лаборатория ва тиббий-санитария назорати материаллари
  - Д) тезкор ҳисоб ва ҳисобот
5. Ҳисоб ва ҳисоботларда ифодаланмайдиган маълумот манбаларига қуйидагилардан қайси киради.
  - А) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи
  - Б) статистика ҳисоби ва ҳисоботи
  - С) тезкор ҳисоб ва ҳисобот
  - Д) солиқ хизмати ходимларининг текшириш натижалари
6. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар ошкоралиги нуқтаи назаридан нечта гуруҳга бўлинади.
  - А) 2

- Б) 3
- С) 4
- Д) 5

7. Молиявий ҳисоботнинг биринчи шакли қайси.

- А) Бухгалтерия баланси
- Б) Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот
- С) Пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот
- Д) Ўз маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

8. Молиявий ҳисоботнинг иккинчи шакли қайси.

- А) Бухгалтерия баланси
- Б) Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот
- С) Пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот
- Д) Ўз маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

9. Молиявий ҳисоботнинг тўртинчи шакли қайси.

- А) Бухгалтерия баланси
- Б) Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот
- С) Пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот
- Д) Ўз маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

10. Молиявий ҳисоботнинг бешинчи шакли қайси.

- А) Бухгалтерия баланси
- Б) Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот
- С) Пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот
- Д) Ўз маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот



## **II БОБ. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР ТАРКИБИ.**

### **2.1. Молиявий ҳисоботлар таркибини шакллантиришда асосланадиган меъёрий ҳужжат.**

Корхонанинг молиявий ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳар йилги ўзгаришларни ўзида ифода этадиган «Молиявий ҳисоботлар шакли ва уларни расмийлаштириш қоидалари» бўйича буйруғига асосан тузилади. Мазкур буйруқ 2002 йил 27 декабрда 140-рақам билан тасдиқланган. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 24 январда 1209 рақам билан рўйхатга олинган. Мазкур буйруққа 2003 йилда, 2004 йилда, 2005 йилда, 2007 йилда, 2012 йилда, 2015 йилда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Ушбу буйруққа асосан барча юридик шахслар (бюджет, суғурта, банк муассасаларидан ташқари) тегишли ташкилотларга ўзларининг молиявий ҳисоботларини топширадилар. Ҳисоботларни кимга, қачон, қай тарзда топширилиш муддатлари ҳам аниқ кўрсатиб қўйилган.

### **2.2. Йиллик ҳисоботларнинг таркибий тузилиши.**

Корхоналар тузадиган ва тегишли тарзда топширадиган йиллик, ярим йиллик ва чораклик ҳисоботларнинг таркибига қуйидагилар киради:

1-шакл «Бухгалтерия баланси»

2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»

2а-шакл «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома»

3-шакл «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»  
(Ҳозирги кунда расман тапшириш талаб қилинмайди).

4-шакл «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»

5-шакл «Ўз маблағлари (капитали) тўғрисидаги ҳисобот»

Ярим йиллик ҳисобот таркибига:

1-шакл «Бухгалтерия баланси»

2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»

2а-шакл «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома»

4-шакл «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»

Чораклик ҳисобот таркибига:

1-шакл «Бухгалтерия баланси»

2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»

2а-шакл «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома».

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1998 йил 25 июндаги 79-сонли буйруғи билан молиявий ҳисоботлар таркибига 2-б шакл «Молиявий-иқтисодий ҳолат тўғрисида» маълумотнома киритилган. Бу маълумотнома корxonанинг чораклик ва ярим йиллик ҳисоботлари билан биргаликда топширилади. Ушбу ҳисобот ва маълумотномалардан фойдаланган ҳолда, корхона раҳбари молияхўжалик фаолиятининг аҳволи жорий йилда қандай эканлиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлади.

### **2.3. Корхона раҳбари молиявий ҳисоботларни ўқишда аҳамият бериши лозим бўлган жиҳатлар.**

Ҳар бир раҳбар корxonанинг умумий иқтисодий муаммоларини яхши билиш билан бирга, бухгалтерия баланси ва бошқа молиявий ҳисоботларни ўқий олиши, улар ўртасидаги боғлиқликларни ҳам билиши лозим. «Бухгалтерия баланси» ва бошқа молиявий ҳисоботлар маълумотларига асосан корхона раҳбари маблағларнинг миқдорини, уларнинг шаклланиш манбаларини, умумий маблағларда ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган мажбуриятлар ҳиссасини, узоқ муддатли ва оборот активларининг улушини, хўжалик фаолиятидаги иштирок этаётган ўзининг айланма маблағлари, улардан қанча фойда олганлиги, бюджетдан қанча қарздор эканлиги, дебитор ва кредитор қарзларнинг ҳолати, шундан қанчаси муддати ўтганлиги, баланснинг ликвидлиги, корxonанинг молиявий барқарорлиги каби муҳим кўрсаткичларни аниқлаши, билиши ва

шулар бўйича корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида зудлик билан хулоса чиқариши лозим. Баланснинг илова қисмида “Балансдан ташқари счетларда ҳисобга олинган қийматларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумот” ҳам келтирилган. Бунда ҳам 15 тага яқин маълумотларнинг йил бошидаги ва йил охиридаги ҳолати ифодланади. Булар ҳам корхона аҳволига баҳо беришда хизмат қилиши мумкин. Масалан, булар жумласига: езкор ижарага олинган асосий воситалар, масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар, қайта ишлашга қабал қилинган материаллар, ўрнатиш учун қабул қилинган ускуна кабиларни киритиш мумкин. Ҳозирги пайтда молиявий ҳисоботларнинг таркибида бўлмасда, ички фойдаланиш учун тузиладиган энг муҳим ахборотлардан бири «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумотнома» - 2а-шаклдир. Бу ҳисоботда давлатимиз ичидаги ва ташқарисидаги корхоналарнинг ушбу қарзлар бўйича маълумотлари ўз ифодасини топган. Ҳар бири бўйича муддати ўтган дебиторлар ва кредиторлар ҳам ушбу ҳисоботда кўрсатилар эди. Бугунги кунда ушбу маълумотлар алоҳида ҳисоботларда кўрсатилади. Ушбу маълумотлар молиявий ҳисоботлар таркибида “Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари расшифировкаси”да берилади. Бунда муддати ўтган дебиторлик қарзлари алоҳида ва муддати ўтган кредиторлик қарзлари алоҳида кўрсатилади. Бундаги муҳим ахборотлар муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг алоҳида ренспубли-камиз ичкарисидаги субъектлар билан бирга, республикамиздан ташқаридаги субъектларнинг қарзлари ҳам кўрсатилади. Бу албатта тегишли хулоса чиқариш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳисобот бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳужжатдир. Чунки миллионлаб пул маблағи муддати ўтган дебитор ва кредитор бўлиб, оборотдан четлаштирилган. Бу эса корхонанинг ҳам, давлатимизнинг ҳам иқтисодий қудратини пасайтирувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу

туфайли ушбу маълумотларга корхона раҳбарлари алоҳида аҳамият беришлари ва уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқишлари лозим. Раҳбар «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-шакл маълумотларига асосан корхонанинг даромади, харажатлари ва соф фойданинг шаклланиш йўллари аниқлаши мумкин.

Бундаги муҳим кўрсаткичларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум;

Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси;

Давр харажатлари;

Асосий фаолиятнинг фойдаси;

Молиявий фаолият даромадлари;

Молиявий фаолият харажатлари;

Умумхўжалик фаолияти фойдаси;

Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда;

Фойда солиғи ва боқа мажбурий тўловлар;

Ҳисобот даврининг соф фойдаси.

Мазкур кўрсаткичлар ҳисоботда кетма-кет жойлаштирилган ва улар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Таҳлил жараёнида айнан ушбу боғлиқликка таянилади. Ҳозирги пайтда молиявий ҳисоботлар таркибида топширилиши қатъий талаб қилинмасада, анъанага кўра иқтисодиёт субъектлари «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» 3-шакл маълумотларига таяниб ҳам иш кўриб келмоқда. Асосий воситаларнинг ҳисобот даври боши ва охиридаги қолдиқларда ўзгаришлар нималар эвазига содир бўлганлигини, қанча асосий восита сотиб олинганлигини, уларнинг қанчаси ишга туширилганлиги ва қандай йўллар билан камайганлигини (сотилганлиги ва ҳисобдан чиқарилганлиги) билиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу ҳисобот асосида асосий воситаларнинг қанча қисми эскирганлиги, унинг яроқлилик даражаси ва қанча қисми актив ва пассив қисмлардан иборат эканлиги тўғрисида ҳам хулоса қилиш мумкин. 4-шакл - «Пул

оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»дан корхона пул маблағларининг турлари бўйича ҳисобот давридаги кирими ва чиқими тўғрисида маълумотларни олиш мумкин. Бунда пул оқимлари барча фаолият турлари бўйича алоҳида кўрсатилади. Буларга операцион фаолият бўйича пул оқимлари, Инвестиция фаолияти, молиявий фаолият ва солиққа тортиш йўналишлари бўйича ҳам пул оқимлари алоҳида-алоҳида кўрсатилади. Шунингдек, корхонанинг чет эл валютасидаги пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар ҳам ушбу ҳисоботда ўз аксини топган.

5-шакл - «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот»да корхона маблағлари, уларнинг таркиби, ҳаракати, ҳисобот давридаги ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар ифодаланади. Бунда алоҳида устунларда устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда, сотиб олинган хусусий акциялар, мақсадли тушумлар ва бошқалар ифода этилади. Булар корхонанинг ўз маблағлари (хусусий капитали) таркибини аниқлаш имконини беради. Ушбу кўрсаткичларнинг ҳаракати тўғрисидаги тўлиқ маълумот айнан мазкур ҳисобот маълумотларидан олиш мумкин. «Молиявий-иқтисодий ҳолат тўғрисидаги маълумотнома» корхона фаолиятининг натижаларини ифодаловчи муҳим ҳисобот ҳисобланади. Унда қуйидагилар: корхона хўжалик маблағларида давлат маблағларининг ҳиссаси; ходимлар сони; ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти; ишлаб чиқаришга жалб қилинган хом ашёнинг четдан келтирилган ва маҳаллий манбалари бўйича улуши; экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажми каби ахборотлар ўз аксини топган. Ушбу ахборотлар корхоналар фаолиятини таҳлил қилишда фойдаланиладиган кўрсаткичларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу молиявий ҳисобот маълумотларидан оқилона фойдалана билиш катта самаралар келтиради. Ахборотлар шунчаки ахборотлар учун эмас, балки улардан тўғри фойдаланиб, корхонанинг аҳволини ўрганиб тегишли хулоса чиқариш ва шу асосда унинг

самарадорлигини ошириш мақсадида махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун қўлланилиши лозим бўлади.

### **Асосий тушунчалар таърифлари**

Корхонанинг молиявий ҳисоботи, молиявий ҳисоботлар шакли ва уларни расмийлаштириш қоидалари, йиллик, ярим йиллик ва чораклик ҳисоботлар, бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, ўз маблағлари (капитали) тўғрисидаги ҳисобот.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Молиявий ҳисобот шакллари нималардан иборат.
2. Молиявий ҳисобот шакллари ахборот манбалари нималардан иборат.
3. Корхонанинг даромад ҳамда харажатларини ўзида акс эттирувчи ҳисобот шакли қайси.
4. Йиллик молиявий ҳисобот шаклларига қайсилар киради.
5. Ярим йиллик молиявий ҳисобот шаклларига қайсилар киради.
6. Чораклик молиявий ҳисобот шаклларига қайсилар киради.

### **Тест**

1. Корхонанинг йиллик ҳисоботи таркибига қайси ҳисобот шакллари киради.
  - А) Бухгалтерия баланси.
  - Б) Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот.
  - С) Пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.
  - Д) Тезкор ҳисобот.
2. Ярим йиллик молиявий ҳисобот таркибига кирмайдиган ҳисобот шаклини топинг.
  - А) Бухгалтерия баланси.
  - Б) Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот.
  - С) Пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.

Д) Ўз маблағлари (капитали) тўғрисидаги ҳисобот.

3. Чораклик молиявий ҳисоботга кирмайдиган ҳисобот шаклини топинг.

А) Бухгалтерия баланси.

Б) Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот.

С) Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома.

Д) Ўз маблағлари (капитали) тўғрисидаги ҳисобот.

4. Корхона активлари тўғрисидаги маълумотлар қайси ҳисобот шаклида ўз аксини топади.

А) Бухгалтерия баланси.

Б) Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот.

С) Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома.

Д) Ўз маблағлари (капитали) тўғрисидаги ҳисобот.

5. Корхона пассивлари тўғрисидаги маълумотлар қайси ҳисобот шаклида ўз аксини топади.

А) Бухгалтерия баланси.

Б) Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот.

С) Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома.

Д) Ўз маблағлари (капитали) тўғрисидаги ҳисобот.

6. Корхона даромадлари тўғрисидаги маълумотлар қайси ҳисобот шаклида ўз аксини топади.

А) Бухгалтерия баланси.

Б) Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот.

С) Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома.

Д) Ўз маблағлари (капитали) тўғрисидаги ҳисобот.

7. Корхона харажатлари тўғрисидаги маълумотлар қайси ҳисобот шаклида ўз аксини топади.

А) Бухгалтерия баланси.

Б) Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот.

- С) Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома.
- Д) Ўз маблағлари (капитали) тўғрисидаги ҳисобот.
8. Корхонанинг устав капитали ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар қайси ҳисобот шаклида ўз аксини топади.
- А) Бухгалтерия баланси.
- Б) Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот.
- С) Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома.
- Д) Ўз маблағлари (капитали) тўғрисидаги ҳисобот.
9. Корхонанинг мақсадли тушумлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар қайси ҳисобот шаклида ўз аксини топади.
- А) Бухгалтерия баланси.
- Б) Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот.
- С) Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома.
- Д) Ўз маблағлари (капитали) тўғрисидаги ҳисобот.
10. Корхонанинг тақсимланмаган фойдаси тўғрисидаги маълумотлар қайси ҳисобот шаклида ўз аксини топади.
- А) Бухгалтерия баланси, ўз маблағлари (капитали) тўғрисидаги ҳисобот.
- Б) Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот.
- С) Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома.
- Д) Ўз маблағлари (капитали) тўғрисидаги ҳисобот.



## **III БОБ. БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ: ТУРЛАРИ, ТАРКИБИ, ТАВСИФИ.**

### **3.1. Баланс тушунчаси ва унинг раҳбар учун аҳамияти.**

«Баланс» атамаси лотинча *bis* икки марта, *banx* - тарози палласи сўзларидан таркиб топган бўлиб, иккала палла деган маънони англатади. У тенглик, мувозанат тушунчаси сифатида ишлатилади. Бухгалтерия баланси молиявий ҳисоботнинг асосий қисми сифатида корхона раҳбари, уни иқтисодий жиҳатдан ўқий олиши, ҳар бир моддасида ифода этилган маълумотлар асосида корхонадаги реал аҳволни кўра билиши, маблағлар қаердан келиб тушди, улар қаерга жойлаштирилди, самарали ишлаш учун шу маблағлар етарлими деган саволларга жавоб топа олиши лозим. Бунинг учун корхона раҳбари баланс тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиши керак. Агар унда бундай малака етарли бўлмаса, уни яхши ўқий оладиган ишончли бухгалтер бўлишлигини тақозо қилади.

Бухгалтерия баланси молиявий ҳисоботнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади, хўжалик юритувчи субъектнинг мулкӣ ва молиявий аҳволи ҳақидаги ахборотни тўплайди ҳамда ошкор қилади. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан (бюджет ташкилотлари, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари бундан мустасно) бухгалтерия балансини тайёрлаш ва ошкор қилиш жараёнида мазкур стандарт талаблари бажарилиши лозим. Бухгалтерия балансидаги барча ахборот тўғри ошкор қилиниши ва фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши керак. Зарур ҳолларда бухгалтерия балансига киритиладиган моддалар уларни тушунтириб берадиган ахборотлар билан тўлдирилади. Бухгалтерия балансининг манзил қисмида хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобот санаси, номи, тармоғи, мулк шакли, ташкилий-ҳуқуқӣ шакли ва тўлиқ юридик манзили, хўжалик юритувчи субъект эғалигида бўлган органнинг номи, бухгалтерия балансини тайёрлаш чоғида фойдаланилган ўлчов бирлиги кўрсатилиши шарт. Бухгалтерия баланси ҳисобот даври

бошидаги ва охиридаги тегишли маълумотларни ошкор қилиши керак. Жорий активлар ва жорий мажбуриятлар моддалари сальдоланмайди. Бухгалтерия балансининг айрим моддалари бошқа моддаларга киритилмайди ва улар билан сальдоланмайди. Бухгалтерия балансида узоқ муддатли ва жорий активлар, ўз сармояси, узоқ муддатли ва жорий мажбуриятлар ҳамда уларни ошкор қилиш хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволини таҳлил қилишда молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун ёрдам бера оладиган ахборотдан иборат бўлади. Бухгалтерия балансида узоқ муддатли ва жорий активлар, хусусий сармоя, узоқ муддатли ва жорий мажбуриятларнинг умумий суммаси ошкор қилиниши керак. Узоқ муддатли ва жорий активлар, хусусий сармоя, узоқ муддатли ва жорий мажбуриятлар тушунчалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан тасдиқланган Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асосда (рўйхат рақами 475, 1998 йил 14 август, «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси», 1999 йил, 5-сон) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида 1998 йил 26 июлда 17-07/85-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (1-сон БХМС) «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»да (рўйхат рақами 474, 1998 йил 14 август, «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси», 1999 йил, 5-сон) келтирилган.

Бухгалтерия баланси қисмидаги тушунтиришлар бухгалтерия балансидан фойдаланувчиларни амалда корхонанинг мулкӣ ва молиявий аҳволини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча маълумотлар билан таъминлаши лозим, уларга шу жумладан:

- активларга мулк ҳуқуқларидаги чеклашлар;
- мажбуриятлар бўйича берилган кафолатлар;

- шартли (кўзда тутилмаган) активлар ва мажбуриятлар, имкон қадар миқдор кўринишида;
- бўлғуси узоқ муддатли инвестицияларни молиялаш учун мўлжалланган маблағлар киради.

### **3.2. Бухгалтерия балансини таснифлаш белгилари ва турлари.**

Бухгалтерия балансининг ҳар хил турлари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги белгилари бўйича таснифланади:

тузилиш вақти;

- бўлиш баланс;
- бирлаштириш баланси;
- ахборот ҳажми;
- мулкчилик шакли;
- акс эттириш объекти;
- тозалаш усули.

Бухгалтерия балансининг юқорида келтирилган таснифий белгилари бўйича ҳар бирини қараб чиқиш уларнинг назарий изоҳига маълум даражада аниқлик киритади.

### **3.3. Балансининг тузилиш вақтига кўра таснифи.**

Тузилиш вақтига кўра бухгалтерия баланси қуйидаги турларга бўлинади:

- кириш баланси;
- жорий баланси;
- тугатиш баланси;
- бўлиш баланси;
- бирлаштириш баланси.

Кириш баланси корхонанинг пайдо бўлиш вақтида тузилади. Унда корхона ўз фаолиятини бошлаётган пайтдаги бойликлар сўммасини белгилайди. Жорий баланслар корхона фаолиятини ифода этиб, қонунда белгиланган муддатда мавжуд вақт мобайнида тузилади. Тугатиш баланслари корхона

тугатиладанда тузилади. Бўлиш баланслари йирик корхона бир қанча майда корхоналарга бўлиниш вақтида ёки шу корхонанинг бир ёки бир неча таркибий бўлинмасининг бошқа корхонага берилиши вақтида тузилади. Шунинг учун бу баланс баъзида бериш баланси ҳам дейилади. Бирлаштириш баланси бир неча корхоналар бир корхонага бирлашганда (қўшилганда) тузилади.

### **3.4. Балансининг ахборот ҳажми бўйича таснифланиши**

Ахборот ҳажми бўйича баланс иккита турга эга:

- бир марталик баланс;
- йиғма балансларга бўлинади.

Бир марталик баланс фақат битта корхона бўйича жорий ҳисоб асосида тузилади. Йиғма баланс бир марталик баланслар асосида тузилади ва бирлашмалар (вазирликлар, фирмалар, акциядорлик жамиятлари ва шу кабилар)нинг хўжалик маблағларини акс эттиради.

### **3.5. Балансининг мулкчилик шаклларига кўра таснифланиши**

Баланс мулкчилик шаклларига кўра бир қанча турларга бўлинади. Булар:

- давлат корхоналари баланси;
- корпоратив корхоналар баланси;
- хусусий корхоналар баланси;
- оилавий корхоналар баланси;
- аралаш мулкчиликка асосланган корхоналар баланси;
- хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар баланси;
- жамоат ташкилотлари баланси кабиларга бўлинади.

### **3.6. Акс эттириш объектига кўра балансининг турлари.**

Акс эттириш объектига кўра балансининг қуйидаги турлари мавжуд:

- мустақил баланс;
- алоҳида баланс.

Мустақил балансни юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналар томонидан тузади. Улар молиявий ҳисоботда кўзда тутилган балансга қўйилган барча талабларга жавоб бериши лозим.

Алоҳида балансни корхонанинг таркибий бўлинмалари (филиаллар, цехлар, корхонанинг автотранспорт ва турар жойкоммунал хўжаликлари ва шу кабилар) тузади.

### **3.7. Баланснинг тозалаш усулига кўра турлари.**

Тозалаш усулига кўра баланснинг иккита тури мавжуд:

- баланс-брутто;
- баланс-нетто.

Баланс-брутто - тартибга солувчи моддаларни ўз ичига олувчи балансдир. Асосий воситаларнинг ҳақиқий қийматини (таннархи ёки қолдиқ қийматини) аниқлашда қилинадиган сўммалар, бошқа моддалар миқдоридаги сўммалардан чегириладиган моддалар тартибга солувчи моддалар дейилади. Масалан, асосий воситалар қолдиқ қийматини аниқлаш учун «Асосий воситалар» сўммасидан «Асосий воситаларнинг эскириши» сўммаси чегирилади. Балансбруттода тартибга солувчи моддалар сўммаси баланс якуни қийматига киритилади. Баланс-неттода - баланснинг умумий қийматидан тартибга солувчи моддалар сўммаси чегирилади. Бу жараён балансни «тозалаш» дейилади. Ўзбекистондаги барча корхоналар ҳозирги пайтда баланс-нетто тузмокда, яъни баланс якунига: асосий воситалар, арзон ва тез эскирувчан буюмлар қолдиқ қиймати, қайта сотиладиган товарлар эса таннархи бўйича киритилмокда.

### **Асосий тушунчалар таърифлари**

Баланс тушунчаси ва унинг раҳбар учун аҳамияти, бухгалтерия балансини таснифлаш белгилари ва турлари, баланснинг тузилиш вақтига кўра таснифи, баланснинг ахборот

ҳажми бўйича таснифланиши, баланснинг мулкчилик шакллариغا кўра таснифланиши, акс эттириш объектига кўра баланснинг турлари, баланснинг тозалаш усулига кўра турлари.

### Такрорлаш учун саволлар

1. «Баланс» атамаси қайси тилдан олинган ва қандай мано англатади.
2. Бухгалтерия балансини таснифлаш белгилари ва турлари.
3. Баланснинг ахборот ҳажми бўйича таснифланиши.
4. Баланс брутто қандай баланс.
5. Баланс нетто қандай баланс.

### Тест

1. «Баланс» атамаси .... .
  - А) «Баланс» атамаси грекча *bis* икки марта, *banx* - тарози палласи сўзларидан таркиб топган бўлиб, иккала палла деган маънони англатади.
  - Б) «Баланс» атамаси франсузча *bis* икки марта, *banx* - тарози палласи сўзларидан таркиб топган бўлиб, иккала палла деган маънони англатади.
  - С) «Баланс» атамаси лотинча *bis* икки марта, *banx* - тарози палласи сўзларидан таркиб топган бўлиб, иккала палла деган маънони англатади.
  - Д) «Баланс» атамаси инглизча *bis* икки марта, *banx* - тарози палласи сўзларидан таркиб топган бўлиб, иккала палла деган маънони англатади.
2. Кириш баланси қачон тузилади.
  - А) корхона фаолиятини ифода этиб, қонунда белгиланган муддатда мавжуд вақт мобайнида тузилади
  - Б) корхона тугатилганда тузилади
  - С) йирик корхона бир қанча майда корхоналарга бўлиниш вақтида ёки шу корхонанинг бир ёки бир неча таркибий бўлинмасининг бошқа корхонага берилиши вақтида тузилади

Д) корхонанинг пайдо бўлиш вақтида тузилади

3. Жорий баланс қачон тузилади.

А) корхона фаолиятини ифода этиб, қонунда белгиланган муддатда мавжуд вақт мобайнида тузилади

Б) корхона тугатилганда тузилади

С) йирик корхона бир қанча майда корхоналарга бўлиниш вақтида ёки шу корхонанинг бир ёки бир неча таркибий бўлинмасининг бошқа корхонага берилиши вақтида тузилади

Д) корхонанинг пайдо бўлиш вақтида тузилади

4. Тугатиш баланси қачон тузилади.

А) корхона фаолиятини ифода этиб, қонунда белгиланган муддатда мавжуд вақт мобайнида тузилади

Б) корхона тугатилганда тузилади

С) йирик корхона бир қанча майда корхоналарга бўлиниш вақтида ёки шу корхонанинг бир ёки бир неча таркибий бўлинмасининг бошқа корхонага берилиши вақтида тузилади

Д) корхонанинг пайдо бўлиш вақтида тузилади

5. Бирлаштириш баланси қачон тузилади.

А) корхона фаолиятини ифода этиб, қонунда белгиланган муддатда мавжуд вақт мобайнида тузилади

Б) корхона тугатилганда тузилади

С) йирик корхона бир қанча майда корхоналарга бўлиниш вақтида ёки шу корхонанинг бир ёки бир неча таркибий бўлинмасининг бошқа корхонага берилиши вақтида тузилади

Д) корхонанинг пайдо бўлиш вақтида тузилади

6. Ахборот ҳажми бўйича баланс нечта турга бўлинади.

А) 2

Б) 3

С) 4

Д) 5

7. Қуйидагилардан қайсилари баланс мулкчилик шаклларига кўра турига кирмайди.

- А) давлат корхоналари баланси
- Б) корпоратив корхоналар баланси
- С) хусусий корхоналар баланси
- Д) бир марталик баланс

8. Баланснинг ахборот ҳажмига кўра турлари қайсилар.

- А) бир марталик баланс ва йиғма баланс
- Б) баланс брутто ва баланс нетто
- С) давлат ва хусусий корхоналар баланси
- Д) мустақил ҳамда алоҳида баланс

9. Баланснинг акс эттириш объектига кўра турлари қайсилар.

- А) бир марталик баланс ва йиғма баланс
- Б) баланс брутто ва баланс нетто
- С) давлат ва хусусий корхоналар баланси
- Д) мустақил ҳамда алоҳида баланс

10. Баланснинг тозалаш усулига кўра турлари қайсилар.

- А) бир марталик баланс ва йиғма баланс
- Б) баланс брутто ва баланс нетто
- С) давлат ва хусусий корхоналар баланси
- Д) мустақил ҳамда алоҳида баланс



## **IV БОБ. БАЛАНСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР.**

Балансига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

1. тўғрилиқ;
2. реаллиқ;
3. бирхиллиқ;
4. яхлитлиқ;
5. давомийлиқ;
6. аниқлиқ;
7. изчиллиқ;
8. тушунарлиқ.

### **4.1. Балансининг тўғрилиги.**

Балансининг тўғрилиги унинг тузиш жараёнида асос қилиб олинган ҳужжатларнинг тўлаллиги ва сифати билан таъминланади. Агар ҳисобот даврида ҳўжалиқ фаолиятининг барча фактлари ўз вақтида ҳужжатли расмийлаштирилмаган ёки нотўғри расмийлаштирилган бўлса, унда баланс корхона ишининг ҳуқуқий якунини акс эттирмайди. Бухгалтерия балансининг ҳар бир моддаси ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби рақамларидаги ёзувлар, бухгалтерия ҳисоб-китоблари билан тасдиқланган бўлиши керак. Бухгалтерия баланси маълумотларини қасддан бузиш ниқоблаш дейилади. Балансни ниқоблаш қонунларининг бузулганлигини яшириш ёки корхона фаолиятининг айрим томонларини бўрттириб кўрсатиш мақсадида тузилган баланс бўлиб ҳисобланади. Буни айрим ҳолларда амалдаги қоидалардан беҳабарлиқ оқибатида билмасдан қилиши ҳам мумкин. Нима бўлганда ҳам бухгалтерия баланси маълумотлари тўғри бўлишлиқни талаб қилади.

#### **4.2. Балансинг реаллиги моддалар баҳосининг объектив воқеликка мувофиқ келишини англатади.**

Балансинг «тўғрилиги» ва «реаллиги» тушунчаларини бирига аралаштирмаслик керак. Баланс тўғри, аммо нореал бўлиши мумкин. Яъни баланс маълумотлари ҳужжатлар асосида тузилган бўлади ва ҳақиқатда мавжуд маблағларни кўрсатади, аммо унинг айрим моддалари реал ҳолатни, масалан, асосий воситалар - маънавий эскирганликни, дебиторлик қарзларини талаб қилиб олиб бўлмаслигини, унинг қанча қисми умидсиз дебитор эканлигини ифодаловчи вазиятларни кўрсатмайди.

#### **4.3. Балансинг бирхиллиги.**

Балансинг бирлиги балансни ягона ҳисобга олиш ва баҳолаш тамойиллари бўйича тузилишини, яъни корхонанинг барча таркибий бўлинмаларида ва тармоқларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобрақамлари (сметлари)нинг ягона номенклатураси уларнинг бир хилдаги мазмуни, икки ёклама бухгалтерия ёзивунига амалга ошириши ва шу қабилар қўлланилишини англатади. Шу жиҳатдан бухгалтерия балансининг бир хиллиги таъминланади.

#### **4.4. Балансинг яхлитлиги.**

Ўзбекистонда баланснинг яхлитлигига тўлиқ эришилган. Чунки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1997 йил 15 январда тасдиқланган қарорига асосан бухгалтерия балансининг ягона шакли қабул қилинган, бухгалтерия сметларининг 2002 йилдан бошлаб ягона режаси қўлланилиши кўзда тутилган. Чунки шу даврдан бошлаб мамлакатимизда ҳисоб тизими “Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари” асоси амалга оширилмоқда. Ушбу стандартлар “Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари”га асосланади ва ўзимизнинг миллий хусусиятларимизни ўзида ифода этади. Молиявий ҳисоботнинг барча шакллари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи услубияти ва уларни ташкил

этиш бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган «Корхоналарда чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботи шакллари тўлдириш бўйича кўрсатмалар» асосида тузилади.

#### **4.5. Баланс давомийлиги.**

Баланс давомийлиги ҳар бир кейинги баланс олдинги балансдан келиб чиқиши тамойилига асосланади. Масалан, олдинги йил якуний баланси (йил охиридаги маълумотлар) ҳисобот йили балансида йил бошидаги маълумотлар сифатида ифодаланади. Чунки ҳисобот йили олдинги ўтган йилнинг давоми ҳисобланади. Худди шундай тамойилга чораклик, олти ойлик ва тўққиз ойлик балансларни тузишда ҳам асосланади.

#### **4.6. Баланс аниқлиги.**

Баланс аниқлиги - балансни тузувчилар ва уни ўқийдиган ҳамда таҳлил қиладиган кишиларнинг тушуниши учун қулайлигини таъминлайди. Балансни аниқ ва тушунарли қилиш учун моддалар реквизитлари ва номлари икки тилда (ўзбек ва рус тилида) баён қилинган, унинг шакли анча соддалаштирилган.

#### **4.7. Баланснинг изчиллиги.**

Баланснинг изчиллиги, бевосита унинг давомийлиги билан боғлиқ. Корхона шаклланиб фаолият кўрсата бошлаган пайтда кириш баланси тузилади ва шу тариқа ҳар ҳисобот даврида тузилиб борилади. Корхона тугатилиши билан чиқиш баланси тузилади. Шу давр мобайнида у изчил давом этади в баланснинг изчиллигини таъминлайди.

#### **4.8. Баланснинг тушунарлилиги.**

Баланс ҳар қандай вазиятда тузувчи учун ҳам, фойдаланувчилар учун ҳам тушунарли бўлиши лозим. Чунки у хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини акс эттирувчи ойнаси сифатида тушунарлиликни

тақозо қилади. Ушбу талаб корхона фаолиятини оқилона бошқаришда муҳим аҳамиятга эга.

#### **4.9. Баланснинг қисмлари.**

Бухгалтерия баланси икки қисмдан актив ва пассивдан иборат бўлади. Унинг актив қисмида корхона сармоясининг таркиби ва жойлаштирилиши, пассивида - активларни ташкил этиш манбалари, яъни ўз сармояси ва мажбуриятлари, бошқа корхона ёки жисмоний шахсларнинг вақтинча жалб қилинган маблағлари кўрсатилади. Шундай қилиб, бухгалтерия баланси куйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Корхона эгалик қиладиган воситаларни акс эттирувчи активлар.
2. Корхона тасарруфидаги ўз маблағлари.
3. Кейинчалик қайтарилиши лозим бўлган активларни сотиб олиш, ҳосил қилиш натижасида юзага келган мажбуриятлар.

#### **4.10. Баланс активларининг таркиби.**

Бухгалтерия балансида корхона активлари икки гуруҳга бўлинади:

- узоқ муддатли активлар;
- жорий активлар.

#### **4.11. Узоқ муддатли активлар.**

Узоқ муддатли активларга куйидагилар киради:

- асосий воситалар;
- номоддий активлар;
- сармоя қўйилмалари;
- сотиб олинган акциялар ва заёмлар.

Корхонанинг ишлаши билан бу воситалар ўз қийматини ўзгартирмайди. Аммо янгидан яратилган маҳсулотга улар қийматининг бир қисман қўшилиб боради. Масалан, асосий воситалар умумий қиймати қисқа вақт мобайнида микдор

жиҳатидан ўзгармайди. Аммо қолдиқ қиймати ҳар ҳисобот даврида камайиб бораверади.

#### **4.12. Жорий активлар.**

Жорий активларга қуйидагилар киради:

- нақд пул маблағларни;
- истеъмолчилар ҳисобварақларидаги корхонага тегишли бўлган пуллар;
- нақд пул маблағлари шаклини эгаллаши лозим бўлган захиралар.

Жорий давр мобайнида бу активлар доимо ўзгариши мумкин. Нақд пул маблағларигаасосан пул маблағлари ва пулга айлантририлиши осон бўлган жорий активлар киритилади. Истеъмолчилар ҳисобварақларидаги корхонага тегишли бўлган пулларга бошқа корхонага товар жўнатилган, хизмат кўрсатилган ёки иш бажарилган бўлса, аммо улар ҳали бизнинг ҳисобимизга ўтказмаган бўлса, бундай маблағлар мазкур бўлимга мансуб бўлади. Нақд пул маблағлари шаклини эгаллаши лозим бўлган захираларга осон реализация қилинадиган активлар (кундалик сотиладиган товар захиралари (нон), ҳар куни албатта кўрсатиладиган хизматлар тиббиёт, таълим хизмати, ахборотлаштириш ва алоқа хизматлари кабилар) киради.

#### **4.13. Корхона баланси активларини ўрганиш.**

Корхона баланси активларини ўрганишда қуйидагиларни аниқлаш мумкин:

\* баланси тузган кунда корхонада бўлган активларни (асосий воситалар, номоддий активлар, бошқа узоқ муддатли активлар, жорий активлар, товар захиралари, пул маблағлари ва ҳоказолар);

\* узоқ муддатли инвестициялар, хусусан, қимматли қоғозлар, чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар, капитал қуйилмалар кабилар;

\* уларнинг жойланишини (асосий воситаларда, капитал қурилишда, дебиторлик қарзида ва ҳоказоларда);

\* уларнинг хўжаликдаги асосий ролини (айланма, асосий ёки жалб этилган маблағлар).

#### **4.14. Корхона баланси пасивларини ўрганиш.**

Корхона баланси пасивларини ўрганишда маълумотлар асосида қуйидагиларни билиб олиш мумкин:

\* маблағ қайси манбадан келиб турганлигини;

\* маблағлар кимга тегишли (ўзиникими ёки жалб қилинганми) эканлигини;

\* маблағларнинг белгиланган мақсади қандай эканлигини (узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қўйилмалар).

#### **4.15. Баланс активи қисмининг тузулиши.**

Баланс активи қисмининг тузулиши иккита йирик бўлимдан иборат. 1-бўлим. Узоқ муддатли активлар. Баланснинг ушбу қисмида асосий воситалар, номоддий активлар ва инвестициялар ўз ифодасини топган бўлади. 2-бўлим. Жорий активлар, яъни ушбу активларни айланма активлар ҳам деб юрилади. Чунки унинг таркибига захиралар, сарфлар, пул маблағлари, дебиторлар киби моддалар киради. Уларнинг таркибий тузулиши қисқартирилган ҳолда қуйидаги жадвалди ифодаланган (1-жадвал).

## Баланс актив қисмининг таркиби (минг сўм)

<b>АКТИВ</b>				
<b>Баланс бўлими ва моддалари сони</b>	<b>Сатр рақами</b>	<b>Йил бошида</b>	<b>Йил охирида</b>	<b>Фарқи (+,-)</b>
<b>1. Узоқ муддатли активлар</b>				
Асосий воситалар	010-012	9065	9739	+674
Номоддий активлар	020-022	-	-	-
Сармоя қўйилмалар	030	3923	3175	-748
Сотиб олинган акциялар ва заёмлар, узоқ муддатли инвестициялар	040-100	39	37	-2
<b>1-бўлим бўйича жами</b>	<b>110</b>	<b>13027</b>	<b>12951</b>	<b>-76</b>
<b>1. Айланма активлар</b>				
Захиралар ва сарфлар	120-160	11520	12631	+1111
Пул маблағлари	170-190	351	304	-47
Қисқа муддатли қўйил-малар ва қайта сотиб олинган ўз акциялари	200-210	2249	3631	+1382
<b>2-бўлим бўйича жами</b>	<b>300</b>	<b>14120</b>	<b>16566</b>	<b>+2446</b>
<b>БАЛАНС</b>	<b>310</b>	<b>27147</b>	<b>29517</b>	<b>+2370</b>

**4.16. Баланс пассив қисмининг тузулиши.**

Баланснинг пассив қисмидаги барча моддалар ҳам гуруҳланади. Унинг мазкур қисмида маблағлар манбалари ифодаланади ва иккита йирик бўлимга бўлинади; 1-бўлим. Ўз маблағлари манбалари. 2-бўлим. Мажбуриятлар. Ўз маблағлари манбалари ва мажбуриятлар ҳам ўз навбатида бир қанча гуруҳларга бўлинади. Баланснинг пассив қисмидаги маблағлар қуйидаги бўлимлар бўйича ифодаланади (2-жадвал).

## Баланс пассив қисмининг таркиби

(минг сўм)

<b>ПАССИВ</b>				
<b>Баланс бўлими ва моддалари сони</b>	<b>Сатр рақами</b>	<b>Йил бошида</b>	<b>Йил охирида</b>	<b>Фарқи (+,-)</b>
<b>1. Ўз маблағлари манбалари</b>				
Устав, қўшилган ва захира сармоя	320-380	18186	17576	-610
Тақсимланмаган фойда	350	1362	3459	+2097
Мақсадли тушумлар ва фондлар, бўлажак харажатлар захиралари	360-380	294	548	+254
<b>1-бўлим бўйича жам</b>	<b>390</b>	<b>19842</b>	<b>21583</b>	<b>+1741</b>
<b>2. Мажбуриятлар</b>				
Узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар	400-410	55	100	+45
Қисқа муддатли қарзлар ва кредитлар	420-430	80	97	+17
Кредиторлар	440-530	7170	7737	+567
<b>2-бўлим бўйича жам</b>	<b>540</b>	<b>7305</b>	<b>7934</b>	<b>+629</b>
<b>БАЛАНС</b>	<b>550</b>	<b>27147</b>	<b>29517</b>	<b>+2370</b>

**4.17. Баланс активи.**

1-бўлимнинг тавсифи Унинг 1-бўлимида «Узоқ муддатли активлар» кўрсатилади. Унда узоқ фойдаланиладиган активлар (моддий-ашёвий воситалар, қимматли қоғозлар, узоқ муддатли инвестициялар) акс эттирилади. Балансда улар қуйидаги моддалар бўйича гуруҳланган: Асосий воситаларга узоқ вақт мобайнида (бир йилдан ортиқ) шаклини ўзгартирмаган ҳолда ишлатиладиган, ўз қийматини қисман йўқотадиган моддий-ашёвий бойликлар киради. Балансда улар дастлабки қиймати бўйича, эскириши ва қолдиқ қиймати бўйича ҳам кўрсатилади. Номоддий активларга ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан бинолар, иншоотлар, ақлий интеллектуал мулк, товар захиралари, ихтиролар, «нау-хау» ва бошқалардан фойдаланишга доир мулк хуқуқлар қиймати киради. Балансда уларнинг дастлабки ва қолдиқ қиймати ҳамда эскириш сўммаси акс эттирилади. Сармоя қўйилмаларига хўжалик ёки пудрат усулида амалга оширилаётган тугалланмаган қурилиш қиймати, шунингдек, геологикқидирув ишларига ва корхоналарга ана шу мақсадда



берилган маблағларсўммаси киради. Узоқ муддатли инвестицияларга корхоналарнинг бошқа корхона устав фондига бир йилдан ортиқ муддатга қўйилган омонатлари киради. Бундан ташқари, бу бўлимда сотиб олинган акциялар, бошқа корхоналарга берилган қарзлар алоҳида моддалар билан кўрсатилади.

#### **4.18. Баланс активи.**

2-бўлимнинг тавсифи Баланс активининг 2-бўлими «Жорий активлар» деб аталади. Бу айланма маблағларнинг 3 гуруҳига ажратиш мумкин. Буларга:

- захиралар ва сарфлар;
- пул маблағлари;
- дебиторлар.

1. Захиралар ва сарфларга ишлаб чиқарши захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, қайта сотиладиган товарлар, давр харажатлари киради.

2. Пул маблағлари бўлимида кассадаги пуллар, валюта маблағлари, қисқа муддатли қўйилмалар, қайта сотиб олинган ўз акциялари.

3. Дебиторларга харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисобкитоблар, уюшган корхоналар билан ҳисоб-китоблар, таъсисчилар ва бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар.

#### **4.19. Баланс пассивининг таркибий тузилиши.**

Баланс пассиви ҳам иккита катта бўлимлардан иборат. Буларга:

1. Ўз маблағлари.
2. Мажбуриятлар киради.

Баланс пассивининг биринчи бўлимида ўз маблағлари акс эттирилиб, улар қуйидаги моддалар бўйича гуруҳланган:

- \* устав сармояси;
- \* қўшилган сармоя;
- \* захира сармоя;
- \* тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар);

- \* мақсадли тушумлар ва фондлар;
- \* келгуси харажатлар ва тўловлар захиралари;
- \* келгуси давр даромадлари.

Охирги иккита модда олдинги йиллар балансида қисқа муддатли мажбуриятлар сифатида 2-бўлимида кўрсатилади. Аслида эса бу маблағлар ўз маблағларига киритилиши керак.

#### **4.20. Устав сармояси.**

Устав сармояси, одатда, унинг таъсисчилари қўшган бадаллари эвазига ташкил бўлади. Унинг кўпайиши хўжалик фаолияти давомида оладиган фойда эвазига амалга ошади. Зарур ҳолларда таъсисчиларнинг мақсадли бадаллари эвазига ҳам кўпайиши мумкин. Устав сармоясига модернизациялаш мақсадида асосий воситаларни (бино, иншоотлар, жихозлар, қурилмалар) ва бошқа моддий неъматларни ҳамда номоддий активларни (ер, сув ва бошқа табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи, нау-хау, товар белгилари каиблар) ни қўшиш мумкин. Шунини таъкидлаш жоизки, устав капиталининг миқдори таъсис ҳужжатида қайд этилган ҳажмидан ошиб кетмаслиги лозим.

#### **4.21. Қўшилган ва захира сармояси.**

Қўшилган сармоя (капитал)га акциянинг биринчи марта номинал қийматидан ортиқча сотиш эвазига олинган эмиссион даромад киради. Захира сармояси корхона уставига асосан фойда ҳисобидан ташкил қилинган захиралардан, инфляция захираларидан, мулкни қайта баҳолаш учун қайта ташкил қилинган, қайтариб бермаслик шарти билан олинган мулклардан иборат бўлади. Захира сармояси миқдори таъсисчилар томонидан белгиланган устав сармоясининг 25 фоизигача миқдорда ташкил қилиниши мумкин. Захира сармоясини келгуси харажатлар ва тўловлар захираси билан аралаштирмаслик лозим. Ушбу захира корхона устави ва қонун асосида ташкил қилинади. Булар харажатлар ва тўловларга бир хил миқдорда қўшиб бериш учун тўпланади. Масалан, ходимлар таътили учун тўпланган маблағ,

узоқ ишлаганлиги учун тўланадиган рағбатлантиришга мўлжалланган маблағ, мавсумий харажатлар учун тўланадиган маблағ, асосий воситаларни таъмирлаш учун ажратилган харажатлар ва ҳоказо.

#### **4.22. Тақсимланмаган фойда,мақсадли тушумлар ва келгуси давр даромадлари.**

Тақсимланмаган фойда корхонанинг ўтган ва ҳисобот йилида тақсимланмаган фойданинг маълум бир муддатга қолдиғини ифодалайди. Мақсадли тушумлар ва жамғармалар таркибига бевосита бирор мақсадли тадбирларни ўтказишга қаратилган маблағларни киритиш мумкин. Буларга: болалар боғчалари, яшаш ва бошқа бинолар қуриш, илмий-тадқиқот ишларини таъминлаш каби тадбирларга мўлжалланган маблағлар киради. Келгуси давр даромадлари келгуси давр учун шу жорий йилда олинган даромадлардир. Буларга: камомадлар бўйича келгусида тўланадиган тушумлар, айбдор шахслардан камомад чиққан неъматларнинг баланс қиймати миқдорида ўндириб олинган маблағлар кабилар киради.

#### **4.23. Корхонанинг мажбуриятлари ҳақида.**

Мажбуриятлар баланснинг пассив томонидаги иккинчи бўлимида кўрсатилади. Бундаюрлик ва жисмоний шахслардан олинган ва маълум муддатдан кейин қайтарилиши шарт бўлган мажбуриятлар жамланган. Бу мажбуриятлар қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ва заёмлардан ҳамда турли кредитор қарзлардан иборат бўлиши мумкин. Узоқ муддатли мажбуриятларга тўланиш муддати бир йилдан ортиқ, қисқа муддатлиларга бир йилдан кам бўлган қарзлар киради. Бухгалтерия балансида узоқ муддатли мажбуриятлар иккита моддада кўрсатилади: «Узоқ муддатли заёмлар» ва «Узоқ муддатли кредитлар». «Узоқ муддатли заёмлар» моддасида банклардан бошқа корхона ва ташкилотлардан олинган муддати бир йилдан ортиқ бўлган қарзлар киради. «Узоқ муддатли

кредитлар»га бир йилдан ортиқ бўлган муддатга банклардан олинган қарзлар киради. «Қисқа муддатли кредитлар» моддасида банклардан бир йилгача олинган қарзлар кўрсатилади. Ушбу моддада банкларнинг ушбу корхона ходимларига уй-жой қурилиши учун берган кредити ҳамда товарларни кредитга сотиб олганда унинг қолдиқ миқдори кўрсатилади. Қисқа муддатли қарзларга «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар (ҳисоб рақамига тушганлар)» ҳамда «Кредиторлар» гуруҳига кировчи баланс моддалари киради. «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар (ҳисоб рақамига тушганлари)» моддасида бошқа ташкилотлардан келгуси давр ҳисоб-китоблари учун олинган сўммалари кўрсатилади. Айниқса, ҳозир барча тўловлар олдин амалга оширилмоқда. Бу эса ушбу моддада пул бўлиб туришига асос бўлади. «Кредиторлар» гуруҳида турли ташкилот ва корхоналардан, бюджет, суғурта, товар жунатувчилар ва пудратчилардан қарзлар, ишчи в ахизматчилар иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар каби кредитлар кўрсатилади. Кўриниб турибдики, бухгалтерия балансида корхонанинг муайян санадаги (йил боши ва охири) хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари акс эттирилган.

### **Асосий тушунчалар таърифлари**

Балансига қўйиладиган асосий талаблар, баланснинг тўғрилиги, баланснинг реаллиги моддалар баҳосининг объектив воқеликка мувофиқ келиши, баланснинг бирхиллиги, баланснинг яхлитлиги, баланс давомийлиги, баланс аниқлиги, баланснинг изчиллиги, баланснинг тушунарлилиги, баланснинг қисмлари, баланс активларининг таркиби, узоқ муддатли активлар, жорий активлар.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Балансига қўйиладиган асосий талаблар нималардан иборат.
2. Баланснинг тўғрилиги деганда нимани тушунасиш.
3. Баланснинг реаллиги деганда нимани тушунасиш.

4. Баланснинг тушунарлилиги деганда нимани тушунасиш.
5. Баланснинг қисмлари нималардан иборат.
- 6.

### Тест

1. Баланс нечи қисмдан иборат.
  - А) 2
  - Б) 3
  - С) 4
  - Д) 5
2. Баланс нечи бўлимдан иборат.
  - А) 2
  - Б) 3
  - С) 4
  - Д) 5
3. Баланснинг биринчи қисми нима деб номланади.
  - А) Актив
  - Б) Пассив
  - С) Узоқ муддатли активлар
  - Д) Хусусий капитал
4. Баланснинг иккинчи қисми нима деб номланади.
  - А) Актив
  - Б) Пассив
  - С) Узоқ муддатли активлар
  - Д) Хусусий капитал
5. Баланснинг биринчи қисм биринчи бўлими нима деб номланади.
  - А) Актив
  - Б) Пассив
  - С) Узоқ муддатли активлар
  - Д) Хусусий капитал
6. Баланснинг иккинчи қисм биринчи бўлими нима деб номланади.
  - А) Актив
  - Б) Пассив

- С) Узоқ муддатли активлар
- Д) Хусусий капитал

7. Балансинг иккинчи қисм иккинчи бўлими нима деб номланади.

- А) Актив
- Б) Мажбуриятлар
- С) Узоқ муддатли активлар
- Д) Хусусий капитал

8. Балансинг биринчи қисм иккинчи бўлими нима деб номланади.

- А) Жорий активлар
- Б) Пассив
- С) Узоқ муддатли активлар
- Д) Хусусий капитал

9. Асосий воситалар корхона балансининг қайси бўлимида ўз аксини топади.

- А) 1 қисм 1 бўлим
- Б) 2 қисм 1 бўлим
- С) 1 қисм 2 бўлим
- Д) 2 қисм 2 бўлим

10. Пул маблағлари корхона балансининг қайси бўлимида ўз аксини топади.

- А) 1 қисм 1 бўлим
- Б) 2 қисм 1 бўлим
- С) 1 қисм 2 бўлим
- Д) 2 қисм 2 бўлим

## **V БОБ. БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ МОДДАЛАРИНИНГ БИРБИРИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ.**

### **5.1. Корхона бухгалтерия балансининг муайян санадаги ҳолати.**

Корхона маблағлари ва уларнинг манбалари бухгалтерия балансида муайян сана ҳолатида (чорак боши ёки охири, йил боши ёки охири) кўрсатилади. Балансда актив моддалари кўрсаткичлари пассив моддалари кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, улар тенг бўлиши шарт.

### **5.2. Корхона балансининг ўзаро боғлиқлиги.**

Мазкур корхонанинг баланси йил бошида 27147 минг сўм, йил охирида эса 29537 минг сўмни ташкил этган. Шу тариқа, мазкур корхона йил охирига келиб 29537 минг сўмлик хўжалик маблағларига эга бўлган деган хулосага келиш мумкин.

#### **Корхона баланси моддаларининг ўзаро боғлиқлиги**

<b>АКТИВ (маълумотлар йил бошига)</b>		<b>ПАССИВ (маълумотлар йил бошига)</b>	
Асосий воситалар ва узоқ муддатли активлар (Б1А)	13027	Ўз маблағлари (Б1П)	19882
Жорий активлар (Б2А)	14120	Мажбуриятлар (Б2П)	7265
<b>БАЛАНС</b>	<b>27147</b>	<b>БАЛАНС</b>	<b>27147</b>

Бу маблағлар қуйидаги тартибда тақсимланган: узоқ муддатли активлар, яъни асосий воситаларда, тугалланмаган капитал қурилишда ва узоқ муддатли инвестицияларда - 12971 минг сўм, оборот активларда - 16566 минг сўм. Бу маблағлар ўз маблағлари ҳисобидан - 21703 минг сўм ва корхона мажбуриятлари ҳисобидан - 7834 минг сўм ( $16566 - 8732 = 7834$ ) миқдорида қопланади.

### 5.3. Ўз маблағларининг тақсимланиши.

Ўз маблағлари йил бошида қуйидаги тарзда тақсимланади: узоқ муддатли активлар - 13027 минг сўм, жорий активларда - 6855 минг сўм (19882 - 13027). Оборот маблағларининг (жорий активларнинг) қолган сўммаси, яъни 7265 минг сўм (14120 - 6855) мажбуриятлар, яъни жалб қилинган маблағлар ҳисобига қопланади. Шу тариқа ўз маблағларининг оборотдаги улуши 34,5 фоизни ташкил этади:  $(6855 \times 100) / 19882 = 34,5$

5.4. Балансининг умумий ички ўзаро боғлиқлиги Корхона бухгалтерия балансининг умумий ички ўзаро боғлиқлиги қуйидаги кўринишга эга бўлади:

\* Баланс активи барча бўлимларининг йиғиндиси унинг пассив қисмидаги барча бўлимлар йиғиндисига тенг:

$$B1A + B2A = B1П + B2П$$

Маблағларнинг ҳар бир сўммаси (асосий воситалар, товар захиралари, нақд пул) шаклланиш манбасига эга бўлади (ушбу корхонатаъсисчиларининг ўз маблағлари, жисмоний ва юридик шахслардан қарзга олинган маблағ, банк кредитлари). Бу балансда ўз маблағларида ифодаланади.

\* Ўз маблағлари сўммаси одатда узоқ муддатли активлар сўммасидан ортиқ бўлиши керак:

$$B1П > B1A$$

Корхонанинг ўз маблағлари асосий воситаларни харид қилиш ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалар учун сарфланади. Қолган қисми ҳисобига эса оборот маблағлари (ишлаб чиқариш захиралари, пул маблағлари ва ҳоказо) қопланади. Агар ўз маблағлари узоқ муддатли активлардан кам бўлса, бу корхона оборотдан ташқари активларни қоплаш учун қарз маблағларидан фойдаланганлигини билдиради. Бозор муносабатлари шароитида бу ҳолат қониқарсиз аҳвол саналади. Бундай ҳолда корхона тўловга ноқобил ҳисобланади.

\* Оборот активлари, яъни товар захиралари, харажатлар, пул маблағлари, ҳисоб-китоблар умумий сўммаси қарзлар умумий сўммасидан ортиқ бўлиши лозим:



## **Б2А >Б2П**

Оборот маблағларининг катта қисми, одатда, қарз маблағлари эмас, ўз маблағлари ҳисобидан қопланади. Агар мажбуриятлар сўммаси (Б2П) оборот активларидан ортиқ бўлса, бу оборот маблағларининг бутун сўммаси қарз маблағлари ҳисобига шаклланишидан далолат беради. Бозор муносабатлари шароитида бундай корхона тўловга ноқобил ва иқтисодий жиҳатдан ночор ҳисобланади.

\* Узоқ муддатли мажбуриятлар узоқ муддатли активлардан ошиб кетмаслиги даркор:

## **УММ < РІП**

Жорий активлари (Б1А) оборотдаги ўз маблағлар (ЎОМ) қўшув қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар (ҚМҚ), шунингдек, қўшув оборот маблағларини тўлдиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар ва қарзларга (УМҚ) тенг бўлиши керак.

$$\mathbf{Б1А = ЎОМ + ҚМҚ + УМҚ}$$

### **5.4. Бухгалтерия баланси моддаларида содир бўладиган ўзгаришлар.**

Актив моддаларининг ўзаро боғлиқлиги бухгалтерия баланси моддаларида бир қанча ўзгаришларни келтириб чиқаради. Амалиётда бундай ўзгаришларнинг тўртта тури кузатилади.

1. Фақат баланснинг актив қисмидаги сўммаларнинг ўзгариши. Масалан, ҳисоб-китоб счегида маблағ камайди. Кассада эса шу сўммага маблағ кўпаяди. Бироқ ўзгаришлар тенг бўлганлиги сабабли, баланс яқуни ўзгармайди.

2. Баланснинг пассив қисмидаги сўммаларнинг ўзгариши. Фойданинг бир қисмини бирор фондга қўшишни мисол қилиб олиш мумкин. Бу ҳолда фойдаланилмаган фонд сўммаси кўпаяди. Пассив яқуни ҳам ўзгармайди. Чунки ўзгаришлар ўзаро тенгдир.

3. Баланснинг актив ва пассив сўммалари бир хил миқдорда кўпайиши мумкин. Масалан, етказиб берувчилардан материаллар келди, дейлик. Бунинг натижасида «Материаллар» актив моддаси

кўпаяди. Худди шу сўмма ҳисобидан етказиб берувчиларга қарз (пассив моддаси) ҳам кўпаяди. Яъни баланснинг иккала қисми ҳам (актив ва пассив) бир хил миқдорда кўпаяди.

4. Баланснинг актив ва пассив моддалари бир хил миқдорда камайиши ҳам мумкин. Масалан, ҳисоб-китоб счетида етказиб берувчига материаллар учун маблағ тўланди. Натижада, «Ҳисоб-китоб счети» актив моддаси камаяди ва худди шу сўммага етказиб берувчига қарздорлик (пассив моддаси) ҳам камаяди. Яъни баланснинг иккила қисми ҳам бир хил суммага камаяди.

### **Асосий тушунчалар таърифлари**

Корхона бухгалтерия балансининг муайян санадаги ҳолати, корхона балансининг ўзаро боғлиқлиги, ўз маблағларининг тақсимланиши, бухгалтерия баланси моддаларида содир бўладиган ўзгаришлар.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Корхонанинг ўз маблағлари деганда нимани тушунасиз.
2. Баланс моддаларининг бири бирига боғлиқлиги деганда нимани тушунасиз.
3. Бухгалтерия балансида содир бўладиган ўзгаришларни таснифланг.

### **Тест**

1. Корхонанинг узоқ муддатли активлари 100 000.0 бирлик, жорий активлари 50 000.0 бирлик ҳамда хусусий капитали 60 000.0 бирлик бўлса корхонанинг мажбуриятларини топинг.  
А) 80 000.0  
Б) 70 000.0  
С) 90 000.0  
Д) 120 000.0
2. Корхонанинг узоқ муддатли активлари 120 000.0 бирлик, жорий активлари 80 000.0 бирлик ҳамда мажбуриятлари 60 000.0 бирлик бўлса корхонанинг хусусий капиталини топинг.

- A) 140 000.0
- B) 150 000.0
- C) 90 000.0
- D) 120 000.0

3. Корхонанинг хусусий капитали 120 000.0 бирлик, жорий активлари 80 000.0 бирлик ҳамда мажбуриятлари 60 000.0 бирлик бўлса корхонанинг узоқ муддатли активларини топинг.

- A) 140 000.0
- B) 150 000.0
- C) 100 000.0
- D) 120 000.0

4. Корхонанинг узоқ муддатли активларига кирмайди.

- A) Асосий воситалар.
- B) Номоддий активлар.
- C) Пул маблағлари.
- D) Капитал қўйилмалар.

5. Корхонанинг асосий воситалари 100 000.0 бирлик, номоддий активлари 50 000.0 бирлик, ТМЗлари 50 000.0 бирлик, устав капитали 80 000.0 бирлик, резерв капитали 50 000.0 бирлик, дебиторлик қарзлари 80 000.0 бирлик (бундан 40% и қисқа муддатли), тақсимланмаган фойдаси 60 000.0 бирлик ҳамда мажбуриятлари 90 000.0 бирлик. Корхонанинг узоқ муддатли дебиторлик қарзлари нимага тенг.

- A) 48 000.0
- B) 32 000.0
- C) 40 000.0
- D) 60 000.0

6. Корхонанинг асосий воситалари 100 000.0 бирлик, номоддий активлари 50 000.0 бирлик, ТМЗлари 50 000.0 бирлик, устав капитали 80 000.0 бирлик, резерв капитали 50 000.0 бирлик, дебиторлик қарзлари 80 000.0 бирлик (бундан 40% и қисқа муддатли), тақсимланмаган фойдаси 60 000.0 бирлик ҳамда мажбуриятлари 90 000.0 бирлик. Корхонанинг қисқа муддатли дебиторлик қарзлари нимага тенг.

- А) 48 000.0
- Б) 32 000.0
- С) 40 000.0
- Д) 60 000.0

7. Корхонанинг асосий воситалари 100 000.0 бирлик, номоддий активлари 50 000.0 бирлик, ТМЗлари 50 000.0 бирлик, устав капитали 80 000.0 бирлик, резерв капитали 50 000.0 бирлик, дебиторлик қарзлари 80 000.0 бирлик (бундан 40% и қисқа муддатли), тақсимланмаган фойдаси 60 000.0 бирлик ҳамда мажбуриятлари 90 000.0 бирлик. Корхонанинг узок муддатли активлари нимага тенг.

- А) 180 000.0
- Б) 198 000.0
- С) 200 000.0
- Д) 65 000.0

8. Корхонанинг асосий воситалари 100 000.0 бирлик, номоддий активлари 50 000.0 бирлик, ТМЗлари 50 000.0 бирлик, устав капитали 80 000.0 бирлик, резерв капитали 50 000.0 бирлик, дебиторлик қарзлари 80 000.0 бирлик (бундан 40% и қисқа муддатли), тақсимланмаган фойдаси 60 000.0 бирлик ҳамда мажбуриятлари 90 000.0 бирлик. Корхонанинг жорий активлари нимага тенг.

- А) 82 000.0
- Б) 98 000.0
- С) 200 000.0
- Д) 65 000.0

9. Корхонанинг асосий воситалари 100 000.0 бирлик, номоддий активлари 50 000.0 бирлик, ТМЗлари 50 000.0 бирлик, устав капитали 80 000.0 бирлик, резерв капитали 50 000.0 бирлик, дебиторлик қарзлари 80 000.0 бирлик (бундан 40% и қисқа муддатли), тақсимланмаган фойдаси 60 000.0 бирлик ҳамда мажбуриятлари 90 000.0 бирлик. Корхонанинг хусусий капитали нимага тенг.

- А) 180 000.0

- Б) 190 000.0
- С) 200 000.0
- Д) 280 000.0

10. Корхонанинг асосий воситалари 100 000.0 бирлик, номоддий активлари 50 000.0 бирлик, ТМЗлари 50 000.0 бирлик, устав капитали 80 000.0 бирлик, резерв капитали 50 000.0 бирлик, дебиторлик қарзлари 80 000.0 бирлик (бундан 40% и қисқа муддатли), тақсимланмаган фойдаси 60 000.0 бирлик ҳамда мажбуриятлари 90 000.0 бирлик. Корхонанинг жами активи нимага тенг.

- А) 180 000.0
- Б) 190 000.0
- С) 200 000.0
- Д) 280 000.0

## **VI БОБ. БАЛАНСНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ БОШҚА ШАКЛЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ.**

### **6.1. Балансининг «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» маълумотлари билан боғлиқлиги.**

Бухгалтерия баланси моддалари молиявий ҳисоботнинг муайян шакллари кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқдир. Зеро, 2-сон «Молиявий натижалар ҳақидаги ҳисобот» шаклида корхона томонидан бир йилда олинган фойда ҳисоб-китоби берилади. Фойданинг барча 5 тури бўйича ҳисоб-китоб келтирилади. Бу шакл маълумотномасида эса бюджетга барча тўловлар кўрсатилади. Бухгалтерия балансининг пассив қисми 1-бўлими «Ўз маблағлари манбалари»да тақсимланмаган фойда сўммаси кўрсатилади. Бу молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотига мос бўлиши керак.

### **6.2. Балансининг «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома» ахборотлари билан боғлиқлиги.**

Активнинг 2-бўлимида дебиторлик қарздорлигида турлари бўйича сўмма берилади. Корхонанинг дебиторлик қарздорлиги йил охирида 3644 минг сўмни ташкил этди. У бир йилда 1396 минг сўмга ошган. Баланс пассивининг 2-«Мажбуриятлар» бўлимида бир йилда муддати ўзайтирилган кредиторлик қарздорлиги 85 минг сўмга кўпайган ва 6014 минг сўмни ташкил этган. Назорат қилиш учун молиявий ҳисоботда махсус «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома» бор. Унда дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигининг вужудга келиши акс этирилади. Яъни улар қандай корхоналар бўйича ташкил этилганлиги ва сўммаси кўрсатилади. Мисолимизда бутун сўммада муддати узайтирилган дебиторлик қарздорлиги 2383 минг сўм ёки бутун қарздорларнинг 65,4 фоизини, кредиторлик қарздорлиги 4033 минг сўм ёки 67,1 фоизини ташкил этган. Бундай ҳолат қониқарсиздир, чунки катта

маблағлар музлатилган бўлиб, улардан хўжалик фаолиятида фойдаланилиши мумкин эмас.

### **6.3. Балансининг «Асосий воситалар ҳаракати ҳақида ҳисобот» маълумотлари билан боғлиқлиги.**

Асосий воситаларни ҳисобга олишдаги асосий қоидалар асосий воситаларнинг актив сифатида тан олиш пайтини аниқлаш, уларнинг мазкур активларга нисбатан қўлланилиши шарт бўлган баланс қийматини ва амортизация ҳисоблаш усулларини белгилаш, шунингдек асосий воситаларнинг баланс қийматидаги бошқа ўзгаришларни ва уларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижаларни аниқлаш ва ҳисобга олиш ҳисобланади.

Асосий воситалар — корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар.

Амортизацияланадиган қиймат — кутилаётган (баҳоланган) тугатиш қийматини чегирган ҳолда молиявий ҳисоботларда кўрсатилган активнинг бошланғич (тиклаш) қиймати суммаси. Бошланғич қиймати қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан таъминлаш, реконструкция, модернизация қилиш, техник қайта қуроллантириш ишлари бўйича харажатлар суммасига оширилган асосий воситалар учун амортизацияланадиган қиймат бўлиб, ушбу ишлар тугатилганидан сўнг кутилаётган (баҳоланган) тугатиш қийматини чиқариб ташлаган ҳолда мазкур асосий воситалар эксплуатацияга киритилган пайтда аниқланган уларнинг қолдиқ (баланс) қиймати ҳисобланади.

Амортизация — фойдали хизмат муддати мобайнида активнинг амортизацияланадиган қийматини асосий воситаларнинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига ёки давр харажатларига тизимли

тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодаси.

Фойдали хизмат муддати — корхона активдан фойдаланадиган вақт даври ёки корхона ушбу активдан фойдаланишдан олишни мўлжаллаётган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) миқдори. Қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан таъминлаш, реконструкция, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш бўйича ишлар тугатилганидан сўнг фойдаланишга киритилган асосий воситалар учун фойдали хизмат муддати бўлиб ушбу ишлар тугатилганидан сўнг мазкур асосий воситалар фойдаланишга киритилган пайтдан бошлаб корхона томонидан асосий воситалардан фойдаланиладиган вақт даври ёки корхона ушбу асосий воситалардан фойдаланишдан олишни кутаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) миқдори ҳисобланади.

Бошланғич қиймат — асосий воситаларни яратиш (қуриш ва қуриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича қилинган харажатларнинг қиймати, шу жумладан тўланган ва қопланмайдиган солиқлар (йиғимлар), шунингдек активни ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва исталган бошқа харажатлар.

Жорий қиймат — маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича асосий воситаларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлган сумма.

Қолдиқ (баланс) қиймат — жамланган амортизация суммасини чегирган ҳолда асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати.

Тугатиш қиймати — асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда кутилаётган фойдали хизмат муддати охирида асосий воситаларни тугатиш чоғида олинадиган активларнинг кутилаётган суммаси.



Баланс активининг 1-бўлимида асосий воситалар ҳақидаги маълумотлар: уларнинг бошланғич қиймати, эскириши ва қолдиқ қиймати кўрсатилади. Ушбу бўлимдаги маълумотлар 3-шакл «Асосий воситалар ҳаракати ҳақида ҳисобот»да келтирилган асосий воситалар турлари, уларнинг ҳаракати ҳамда бошланғич қиймати бўйича давр боши ва охиридаги қолдиқлари (уларнинг эскириши ва қолдиқ қиймати) ҳақидаги маълумотларга тўғри келиши керак. Бу кўрсаткичлар асосий восита ҳолати, улар билан таъминланганликни ва улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишда муҳим ахборот сифатида фойдаланилади.

#### **6.4. Балансининг «Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот» маълумотлари билан боғлиқлиги.**

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ундан фойдаланувчиларга хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволидаги ўзгаришларни баҳолашга имкон беради, уларни ҳисобот даврида қанча пул тушгани ва қанча пул чиққани тўғрисидаги ахборот билан таъминлайди. Бошқа молиявий ҳисоботлар билан бирга фойдаланиш чоғида пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ахборотлари молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағларини ва уларнинг эквивалентларини жалб этиш қобилиятини баҳолашга база бўлиб хизмат қилиши билан фойдалидир. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот пул тушумлари ва тўловларини учта асосий тоифага ажратади: операцион фаолияти, инвестиция фаолияти ва молиявий фаолият. Ҳар уч тоифанинг пул маблағига биргаликда таъсири ҳисобот даврида пул маблағининг соф ўзгаришини белгилаб беради. Пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ахборот бўлажак пул оқимлари прогнози тўғрилигини текшириш чоғида, фойда олиш ва пул оқимларининг соф ҳаракати ва нарх ўзгариши таъсири ўртасидаги алоқаларни таҳлил қилиш чоғида зарур бўлади.

Пул маблағлари — кассадаги нақд пул ва талаб қилиб олинадиган депозитлар, шунингдек банкнинг ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа счётларидаги маблағлар.

Пул эквивалентлари — маълум пул маблағига тез ва осон алмаштириладиган ҳамда қийматидаги ўзгаришлар туфайли унча кўп бўлган қисқа муддатли, юқори ликвидли инвестициялар (молиявий қўйилмалар).

Пул оқимлари — пул маблағлари ҳамда улар эквивалентларининг оқими (тушуми) ва чиқими (сарфланиши, чиқиши)дан иборат.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот — ҳисобот даврида пул маблағи оқимларини батафсил кўрсатувчи кўрсаткичлар йиғиндиси.

Операцион фаолияти — хўжалик юритувчи субъектнинг даромад келтирувчи асосий фаолияти, шунингдек субъектнинг инвестиция ва молия фаолиятига оид бўлмаган ўзга хўжалик фаолияти.

Инвестиция фаолияти — пул эквивалентларига киритилмаган узоқ муддатли активлар ва бошқа инвестиция объектларини сотиб олиш ва сотиш.

Молиявий фаолият — хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти бўлиб, унинг натижасида ўз маблағи ва қарз маблағлари миқдори ва таркибида ўзгаришлар юз беради.

Пул маблағи эквивалентларидан асосан инвестициялар ва бошқа мақсадлар учун эмас, балки фақат қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича тўловлар учун фойдаланилади. Инвестицияларни пул эквиваленти деб ҳисоблаш учун улар эркин равишда нақд пулга айлантириладиган бўлиши ва қийматининг ўзгаришида бироз хавф бўлиши лозим. Шу сабабли инвестиция қисқа муддатда тўланадиган бўлса, яъни харид қилинган пайтдан бошлаб тахминан уч ой ичида тўланадиган бўлса, уни пул эквиваленти деб ҳисоблаш мумкин бўлади. Банк заёмлари молиявий фаолиятга тааллуқлидир, лекин талаб қилинган пайтда тўланадиган банк овердрафтлари корхоналар пул маблағини

бошқаришнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу муносабат билан банк овердрафтлари пул маблағининг таркибий қисми ёки уларнинг эквиваленти ҳисобланади. Пул оқими пул маблағлари ва пул эквивалентлари моддалари ўртасидаги ҳаракатни ўз ичига олмайди, чунки улар операцион, молия ёки инвестиция фаолиятига кирмайди ёки хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағларини бошқаришга тааллуқлидир. Пул маблағларини бошқариш пул маблағлари ва пул эквивалентларининг ортиқчасини ишга солишни ўз ичига олади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг операцион фаолияти натижасида вужудга келадиган пул оқими ҳажми хўжалик юритувчи субъект амалга оширадиган операцион фаолияти натижасида олинadиган пул оқимлари ҳаракати ссудаларни тўлаш, хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш қувватларини сақлаб туриш, дивидендларни тўлаш ва молиялаштиришнинг ташқи манбаларига мурожаат қилинмай янги инвестициялар учун қанчалик етарли эканини акс эттирувчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Операцион фаолиятидан келадиган олдинги пул оқимининг айрим қисмлари тўғрисидаги ахборотдан операцион фаолиятидан бўлажак пул оқимларини прогноз қилиш учун ахборотнинг бошқа турларидан қўшиб фойдаланиш мумкин бўлади.

Операцион фаолиятидан пул оқими хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолиятидан келиб чиқади. Одатда хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолияти маҳсулотни сотишга, ишларни бажаришга ёки хизмат кўрсатишга қаратилган бўлади. Операцион фаолиятидан асосий пул оқимиға қуйидагилар киради:

1. Товарларни сотиш ва хизмат кўрсатишдан тушган пул;
2. Роялти, бадаллар, воситачилик ҳақи ва ўзга йўллар билан пул маблағлари тушуми;
3. Товарлар ва хизматлар учун уларни етказиб берувчиларға пул тўловлари;
4. Ходимларға ва ходимлар номидан тўловлар;

5. Суғурта компаниясининг суғурта полислари бўйича мукофотлари, талаблари, йиллик ва ўзга тўловлари бўйича пул тушумлари ва тўловлари;

6. Солиқлар бўйича пул тўловлари ёки унинг ўрнини босувчи тўловлар, агар улар инвестиция ва молия фаолиятига тааллуқли бўлмаса;

7. Савдо ёки дилерлик мақсадларида тузилган битимлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари;

8. Бошқалар.

Асосий воситалар бирликларини сотиш каби айрим операцион фаолиятлар бўйича фойда келиши ва зарар кўрилиши мумкин, улар соф фойда ёки зарар қаторига киритилади. Лекин бундай битимлар бўйича пул оқими инвестиция фаолиятидан чиқадиган пул оқимларига киритилади.

Корхона воситачилик ёки савдо мақсадлари учун қимматли қоғозлар ёки ссуда олган бўлиши мумкин, бундай ҳолатларда улар қайта сотиш учун харид қилинган товар — моддий захираларга ўхшаш бўлади.

Хўжалик юритувчи субъект инвестиция фаолиятидан келадиган пул оқими тўғрисидаги ахборотни алоҳида кўрсатиб беради. Инвестиция фаолиятидан пул оқими тўғрисидаги ахборот келажакда даромад ва пул оқими миқдорини белгилайдиган ресурслар бўйича қилинган харажатлар даражасини кўрсатади. Инвестиция фаолиятидан олинган асосий пул оқимларига қуйидагилар киради:

1. Асосий воситаларни, номоддий ва ўзга узоқ муддатли активларни харид қилишга пул тўловлари. Бу тўловлар тажриба-конструкторлик ишларига ажратилган сармоялаштирилган харажатлар, шунингдек хўжалик суди билан амалга оширилган қурилишлар билан боғлиқ бўлган тўловларни ўз ичига олади;

2. Асосий воситаларни, номоддий ва ўзга узоқ муддатли активларни сотишдан олинган пул тушуми;

3. Бошқа субъектларнинг акциялари ёки қарз мажбуриятларини ҳамда қўшма корхоналарда иштирок этиш

ҳуқуқини сотиб олишга доир пул тўловлари, пул эквивалентлари ҳисобланган ёки дилерлик мақсадларига ёки савдо мақсадларига сақлаб қўйилган тўлов ҳужжатлари бўйича тўловлар (векселлар каби ҳужжатлар бўйича тўловлар)дан ташқари;

4. Бошқа субъектларнинг акциялари ва қарз мажбуриятларини ҳамда қўшма корхоналарда иштирок этиш ҳуқуқини сотишдан келган пул тушумлари, пул эквиваленти ҳисобланган ёки дилерлик ёки савдо мақсадлари учун сақланаётган вексель каби тўлов ҳужжатлари бўйича тушумлар бунга кирмайди.

5. Бошқа тарафларга берилган бўнақлар ва кредитлар (молиявий муассасаларга берилган бўнақлар ва кредитлардан ташқари);

6. Бошқа тарафларга берилган бўнақлар ва ссудалар қайтарилишидан пул тушумлари (молиявий муассасаларга берилган бўнақлар ва кредитлардан ташқари);

7. Фьючерс ва форвард битимлари, опцион битимлар ва своп битимлар бўйича тўловлар, улар дилер ёки савдо мақсадлари учун мўлжалланган ҳолатлар бундан мустасно бўлади ёки тўловлар молиявий фаолият сифатида тасниф этилади.

8. Фьючерс ва форвард битимлари, опцион битимлар ва своп битимлар бўйича пул тушумлари, улар дилер ёки савдо мақсадларига мўлжалланган ҳолатлар бундан мустаснодир ёки тўловлар молиявий фаолият сифатида тасниф этилади.

9. Ва бошқалар.

Битим муайян позицияни хежлаш \* (суғурталаш) сифатида ҳисобга олинади, битим бўйича пул оқими суғурта қилинадиган позициядан пул оқими сифатида фаолият турига киритилади.

Хўжалик юритувчи субъект молиявий фаолиятидан бўладиган пул оқимлари тўғрисидаги ахборотни алоҳида кўрсатади. Бу ахборот молиявий фаолиятдан бўлажак пул оқимларини тахмин қилиш учун зарур бўлади. Молиявий

фаолиятдан келадиган асосий пул оқимларига куйидагилар киради:

1. Акциялар ёки ўз маблағи билан боғлиқ бошқа воситаларни чиқаришдан келадиган пул тушумлари;
2. Субъектлар акцияларининг ҳақини тўлаш ёки сотиб олиш учун уларнинг эгаларига тўловлар;
3. Таъминланмаган облигациялар эмиссиясидан, молия корхоналари томонидан берилган ссудалардан, гаровга қўйилган ва бошқа қисқа ҳамда узоқ муддатли заёмлардан пул тушумлари;
4. Заёмларни тўлаш;
5. Молиявий лизинг бўйича мажбуриятларни қисқартириш учун ижарачиларнинг тўловлари;
6. Ва бошқалар.

Пул оқимлари ҳақидаги маълумотлар «Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот»да 4-шаклда ифодаланади. Мазкур ҳисоботда пул маблағларининг барча турлари – хўжалик фаолиятида иштирок этадиган пул маблағлари, дивидендлар, солиққа тортиш, инвестициялар ва бошқалар ҳақидаги ахборотлар кўрсатилади. 4-шакл бухгалтерия баланси билан ўзаро боғлиқ. Бухгалтерия балансининг 170, 180 ва 190-сатрлар бўйича қолдиқ пул маблағлари 4-шаклда 070 ва 080-сатрлардаги пул маблағлари қолдиқларига тенг бўлиши керак. «Валюта маблағлари ҳаракати ҳақидаги маълумотнома»да (090 ва 120- сатрлар) валюта маблағлари қолдиғи кўрсатилади. Бу бухгалтерия балансида 180-сатр бўйича кўрсатилади.

#### **6.5. Балансининг «Ўз маблағлари ҳақидаги ҳисобот» маълумотлари билан боғлиқлиги.**

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан (бюджет ташкилотлари, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари бундан мустасно) хусусий капитал тўғрисидаги ахборотни тайёрлаш ва ёритиб бериш жараёнида мазкур стандарт талаблари риоя этишлари керак. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботни тузишнинг мақсади бўлиб, хусусий капиталнинг ҳисобот даври

бошига ва охирига бўлган ҳолати ва ҳисобот даври мобайнида унинг таркибидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни ёритиб бериш ҳисобланади.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботнинг манзилли қисмида ҳисобот санаси, хўжалик юритувчи субъектнинг номи, тармоғи, мулкчилик шакли, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва тўлиқ юридик манзили, хўжалик юритувчи субъект унинг эгалигида бўлган органнинг номи, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш вақтида фойдаланилган ўлчов бирлиги кўрсатилиши лозим. Ҳисоботда хусусий капитал ва унинг таркибий қисмлари тўғрисида, устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитал, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар), сотиб олинган хусусий акциялар ва бошқа хусусий капитал элементлари тўғрисидаги ахборот ёритиб берилиши лозим. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот даври бошига ва охирига бўлган тегишли ахборотни ёритиб бериши керак. Ҳисоботда ҳисобот давридаги хусусий капитал таркибида бўлган ўзгаришлар ҳақидаги ахборот ёритиб берилган бўлиши керак. Бунинг учун қуйидагилар тўғрисидаги ахборотларни ёритиб бериш керак: қимматли қоғозлар эмиссияси, узоқ муддатли активларнинг қайта баҳоланиши, устав капиталини шакллантиришдаги валюта курсидаги фарқлар, резерв капиталга ажратмалар, жорий йилнинг тақсимланмаган фойдаси (зарари), текинга олинган мол-мулк, пул дивидендлари ва акциялар кўринишида тўланадиган дивидендлар, шунингдек, хусусий капитални шакллантиришнинг бошқа манбалари. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагилар тўғрисидаги ахборот ҳам ёритиб берилиши керак: чиқарилган акциялар сони, акцияларнинг номинал қиймати, муомаладаги акциялар сони. Икки ҳисобот даври ўртасида хусусий капитал таркибидаги ўзгаришлар молиявий ҳисоботларда қабул қилинган ва ёритиб бериладиган баҳоланишнинг аниқ принциpidан келиб чиққан ҳолда ҳисобот даври давомидаги соф активларнинг кўпайиши ёки камайишини акс эттиради.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботга тушунтиришда иштирокчининг чиқиб кетиши, акциядорлик жамияти томонидан акцияларнинг сотиб олиниши ёки сотиб олинган акцияларнинг бекор қилиниши, акциялар номинал қийматининг пасайиши ёки бошқа сабабларга кўра хўжалик юритувчи субъект хусусий капиталининг камайиб кетганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Акциядорлик жамиятлари хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботга тушунтиришда қуйидагилар ҳақидаги ахборотларни келтирадилар:

а) обуна амалга оширилиши назарда тутилаётган акцияларнинг умумий сони ва номинал қиймати;

б) назарда тутилган миқдорлар билан таққослаганда обуна амалга оширилган акцияларнинг умумий миқдори ва номинал қиймати;

в) акцияларга обунанинг боришида олинган маблағларнинг умумий суммаси;

г) айрим турлар ва тоифалар бўйича устав капитали таркибидаги акциялар;

д) имтиёзли акциялар бўйича тўланмаган жамланган дивидендлар суммаси;

е) акциялар кўринишида тўланадиган дивидендлар, хусусан, тўланадиган акцияларнинг сони ва қиймати, шунингдек, уларнинг турлари ёки тоифалари тўғрисида;

ж) ҳисобот даврида юз берган майдалаш ёки кўшиб юборишлар ва акцияларнинг майдаланиши ёки кўшиб юборилишигача ва ундан кейинги акцияларнинг номинал қиймати тўғрисидаги.

Акцияларга обуна бўлишдан олинган маблағларнинг умумий суммаси, тушунтириш қисмида қуйидагилар кесимида келтирилади:

а) акциялар учун тўлов сифатида киритилган барча пул маблағлари, акциялар сонини кўрсатган ҳолда;



б) акциялар учун тўлов сифатида киритилган мол-мулкнинг қиймат баҳоси, акциялар сонини кўрсатган ҳолда;

в) акциялар учун тўлов сифатида киритилган чет эл валютасининг умумий суммаси, акциялар сони ва валюта ҳисобга киритилган курсни кўрсатган ҳолда.

Устав капитали таркибидаги акциялар тўғрисидаги ахборотлар тушунтиришда алоҳида турлари ва тоифалари бўйича келтирилади:

а) чиқарилган акциялар сони, устав капиталининг тўланмаган қисмини кўрсатган ҳолда;

б) акциянинг номинал қиймати;

в) ҳисобот даври мобайнида муомалада бўлган акциялар сонидagi ўзгаришлар;

г) акциялар билан боғлиқ ҳуқуқлар, имтиёзлар ва чеклашлар, шу жумладан дивидендларнинг тақсимланиши ва капиталнинг қайтариб берилиши бўйича чеклашлар;

д) жамиятнинг ўзига, унинг шуъба ва уюшган корхоналарига тегишли акциялар;

е) таъсисчилар рўйхати ва улар эгалик қилаётган акциялар сони;

ж) ижроия орган аъзоларининг мулки бўлган акциялар сони;

з) опционлар ва бошқа шартномаларга мувофиқ чиқариш учун захиралаштирилган акциялар, уларнинг муддатлари ва суммаларини кўрсатган ҳолда;

и) конвертация қилинадиган (акцияларга ёки облигацияларга) акцияларнинг сони ва номинал қиймати ҳамда ушбу акцияларнинг қарзга оид қимматли қоғозларга конвертация қилинган ҳолларда юзага келиши мумкин бўлган мажбуриятлар.

Бошқа барча хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботлар изоҳларида қуйидагилар ахборотларни келтиради:

а) мулк эгалари ўртасида устав капиталидаги улушларнинг тақсимланиши;

б) ушбу улушларга тегишли ҳуқуқлар, имтиёзлар ёки чеклашлар;

в) устав капиталидаги мулк эгалари улуши таркибидаги ўзгаришлар.

Ўз маблағлари тўғрисидаги ҳисобот молиявий ҳисоботнинг 5- шаклида «Ўз сармояси ҳақидаги ҳисобот»да кўрсатилади. Мазкур ҳисоботда устав сармояси, қўшилган устав сармояси, резерв сармояси, тақсимланмаган фойда ҳаракати ҳақидаги маълумотлар берилади. Баланс пассивининг 1-бўлими «Ўз маблағлари манбалари»да уларнинг йил боши ва охиридаги аҳволи кўрсатилган. Бундай шаклга асосланиб, корхонанинг ўз сармояси ташкил бўлиши ва ҳаракати, шунингдек тузилмаси таҳлил қилинади. Корхона молиявий ҳолатини таҳлил қилишда шу тарзда молиявий ҳисоботнинг барча шаклларида фойдаланиш зарур. Улар бир-бирини тўлдириб боради. Мазкур маълумотлар молиявий ҳисоботнинг шакллари ўртасидаги оддий боғлиқликни ифодалаш билан чекланмайди. Улар корхонани бошқариш ва маълумотларни назорат қилиш учун ҳам ўта муҳимдир.

### **Асосий тушунчалар таърифлари**

Баланснинг «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» маълумотлари билан боғлиқлиги, баланснинг «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома» ахборотлари билан боғлиқлиги, баланснинг «Асосий воситалар ҳаракати ҳақида ҳисобот» маълумотлари билан боғлиқлиги, баланснинг «Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот» маълумотлари билан боғлиқлиги, баланснинг «Ўз маблағлари ҳақидаги ҳисобот» маълумотлари билан боғлиқлиги.

### **Такрорлаш учун саволлар**

- 1.** Баланснинг «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» маълумотлари билан боғлиқлиги нимадан иборат.

2. Балансининг «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома» ахборотлари билан боғлиқлиги нимадан иборат.
3. Балансининг «Асосий воситалар ҳаракати ҳақида ҳисобот» маълумотлари билан боғлиқлиги нимадан иборат.
4. Балансининг «Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот» маълумотлари билан боғлиқлиги нимадан иборат.
5. Балансининг «Ўз маблағлари ҳақидаги ҳисобот» маълумотлари билан боғлиқлиги нимадан иборат.

### Тест

1. Корхонанинг даромад ва харажатлари тўғрисидаги ахборотлар молиявий ҳисоботнинг нечинчи шаклида ўз аксини топади.
  - А) 1 шакл
  - Б) 2 шакл
  - С) 3 шакл
  - Д) 5 шакл
2. Корхонанинг активлари тўғрисидаги ахборотлар молиявий ҳисоботнинг нечинчи шаклида ўз аксини топади.
  - А) 1 шакл
  - Б) 2 шакл
  - С) 3 шакл
  - Д) 5 шакл
3. Корхонанинг пассивлари тўғрисидаги ахборотлар молиявий ҳисоботнинг нечинчи шаклида ўз аксини топади.
  - А) 1 шакл
  - Б) 2 шакл
  - С) 3 шакл
  - Д) 5 шакл
4. Корхонанинг пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар молиявий ҳисоботнинг нечинчи шаклида ўз аксини топади.
  - А) 1 шакл
  - Б) 2 шакл

- С) 4 шакл  
Д) 5 шакл
5. Корхонанинг ўз маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар молиявий ҳисоботнинг нечинчи шаклида ўз аксини топади.  
А) 1 шакл  
Б) 2 шакл  
С) 4 шакл  
Д) 5 шакл
6. Корхонанинг мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотлар молиявий ҳисоботнинг нечинчи шаклида ўз аксини топади.  
А) 1 шакл  
Б) 2 шакл  
С) 4 шакл  
Д) 5 шакл
7. Корхонанинг асосий воситалари тўғрисидаги ахборотлар молиявий ҳисоботнинг нечинчи шаклида ўз аксини топади.  
А) 1 шакл  
Б) 2 шакл  
С) 4 шакл  
Д) 5 шакл
8. Корхонанинг инвестицион фаолият бўйича пул оқими ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар молиявий ҳисоботнинг нечинчи шаклида ўз аксини топади.  
А) 1 шакл  
Б) 2 шакл  
С) 4 шакл  
Д) 5 шакл
9. Корхонанинг устав капитали тўғрисидаги ахборотлар молиявий ҳисоботнинг нечинчи шаклида ўз аксини топади.  
А) 1 шакл  
Б) 2 шакл  
С) 4 шакл  
Д) 5 шакл

10. Корхонанинг соф тушуми тўғрисидаги ахборотлар молиявий ҳисоботнинг нечинчи шаклида ўз аксини топади.

А) 1 шакл

Б) 2 шакл

С) 3 шакл

Д) 5 шакл

## **VII БОБ. БАЛАНСНИ ТАҲЛИЛГА ТАЙЁРЛАШ ВА УНИНГ АНИҚЛИГИНИ ТЕКШИРИШ.**

### **7.1. Баланс тузилишининг тўғрилигини текшириш.**

Бухгалтерия балансини таҳлилга тайёрлаш уни тузишнинг тўғрилигини ва айрим моддаларининг аниқлигини текширишни, баланс кўрсаткичлари билан ҳисоботнинг бошқа шакллари ўртасидаги боғланишни аниқлашни, унинг айрим кўрсаткичларини тартибга солувчи сўммалардан «тозалашни» ва йирикроқ пул ўлчамидаги сўммаларни яхлитлашни назарда тутати. Баланс тузилиши тўғрилигини текширишда арифметик ва моддий текширувлар амалга оширилади. Арифметик текширувда балансдаги маълумотларни бош китоб маълумотларига ва айланма қайднома (ведомост)ларларда ифодаланган сўммаларга солиштирилади. Баланс ҳар бир гуруҳлари ва бўлимлари бўйича суммаларнинг бир-бирига тўғри келишини, унинг актив ва пассив қисмлари суммаларининг тенглигини ҳисоблаб чиқилади. Моддий текширув моддий бойликлар, пул маблағлари ҳақиқий қолдиғини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан қиёслаш орқали амалга оширилади. Товар-моддий бойликларнинг барча қолдиғи уларни натурал шаклида ҳақиқий мавжудлигига мувофиқ келиши керак. Асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари қолдиғини ҳисобот маълумотларини инвентаризация қилиш натижасида тузилган далолатномалари билан таққослаб текшириб чиқилади.

### **7.2. Баланснинг аниқлиги ва реаллигини текшириш.**

Баланснинг аниқлиги ва реаллиги баланс моддаларини тўғри баҳолашга боғлиқ бўлади. Балансда хўжалик маблағларини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартдаги 164-сон қарори билан тасдиқланган Бухгалтерия

ҳисоботлари ва баланслари тўғрисидаги низом асосида амлага оширилади. Бу Низомга кўра балансда кўрсатилган барча моддий бойликлар тўғри баҳоланган бўлиши керак, чунки нотўғри баҳолаш хўжалик фаолиятининг ҳақиқий натижасини бузиб кўрсатади. Нотўғри баҳолаш қўшиб ёзиш, яшириш ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар оқибатида юзага келади. Бухгалтерия ҳисоботи маъшлумотларининг боғланиши балансда ва бошқа ҳисобот жадвалларида акс эттириладиган айрим кўрсаткичлар билан қиёслаш орқали аниқланади. Масалан, кўриб чиқиладиган бухгалтерия балансида, 1 бўлимнинг актив қисмида «Узоқ муддатли активлар» ифодаланади. Унда асосий воситалар йил бошига ва охирига дастлабки қийматида, уларнинг эскириш сўммаси ва қолдиқ қиймати бўйича ҳам кўрсатилган. 3-сон ҳисобот жадвали «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»да асосий воситалар турларининг йил бошидаги ва охиридаги расшифровкаси, уларнинг йил давомидаги ўзгариши, шунингдек, эскириш сўммаси ва қолдиқ қиймати берилади. Улар бир-бирига тўғри келиши керак. Бухгалтерия балансида асосий воситаларнинг йил бошига ва охирида кўрсатилган қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар (010, 011, 012 сатрлар) 3-сон шакл маълумотлари (3, 6, 7, 10, 11, 12-катак (графа)нинг 130-сатри)га мувофиқ келиши керак. Бухгалтерия балансининг маълумотлари молиявий ҳисоботини бошқа шакллари билан ҳам худди шу йўсинда таққосланади.

### **7.3. Балансни таҳлилга тайёрлаш.**

Молиявий аҳволни таҳлил қилиш учун дастлаб бухгалтерия баланси таҳлилга тайёрланиши керак. Таҳлилга тайёргарлик балансни тозалаш, рақамларни яхлитлаш ва бўлимларни гуруҳлашдан бошланади. Ўзбекистон халқаро андоза (стандарт)ларга ўтишидан олдин ҳисобга олиш ва ҳисобот тизимида бухгалтерия баланси тартибга солувчи (регулировка қилувчи) моддалар (асосий воситалар эскириши, арзон ва тез эскирадиган буюмлар эскириши, савдо устамалари) билан

тузилган. Бундай баланснинг номи баланс-брутто бўлган. Бухгалтерия балансида рақамлар аниқ бўлиши учун балансни тозалаш, яъни тартибга солувчи моддалар чиқариб ташланиши ва бир қатор моддаларни гуруҳлаш амлага оширилиши керак. Бундай бухгалтерия баланси баланс-нетто, яъни тозаланган баланс деб юритилади. Тартибга солувчи моддаларга асосий воситалар эскириш, номоддий активлар эскириши, арзон ва тез эскирадиган буюмлар эскириши, ишлатилган фойда сўммаси, товарларга савдо устамаси киритилади. Амалдаги меъёрий ҳужжатларга кўра баланс-нетто баҳалашда тузилади. Баланс якуни корхона тасарруфида бор бўлган маблағлар сўммасининг чамаланган баҳосини билдиради. Бироқ таҳлил қулай бўлиши учун балансни мавжуд регуляторлардан тозалаб, айрим таркиби бир хил бўлган моддаларнинг сўммаларини бирлаштириш йўли билан тўлдирилган таҳлилий баланс тузилиши керак. Тўлдирилган таҳлилий балансни тузишда ҳисобот йилида сўммалар акс эттирилмаган моддалар чиқарилиши, шунингдек, турли бўлимлар моддалари, масалан «Таъсисчилар билан ҳисобкитоблар» моддаси дебиторлар (кредиторлар) ва бошқалар билан ҳисобкитобларни акс эттирувчи моддалар билан бирлаштирилиши керак. Кўриниб турибдики, бухгалтерия балансини таҳлилга тайёрлаш ҳам маълум даражада билимни талаб қиладиган иқтисодий ишдир. Шу туфайли бу масалага талабаларни ўқитиш жараёнида, айниқса амалий дарсларда катта аҳамият берилиши лозим.

### **Асосий тушунчалар таърифлари**

Баланс тузилишининг тўғрилигини текшириш, баланснинг аниқлиги ва реаллигини текшириш, балансни таҳлилга тайёрлаш.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Балансига қўйиладиган асосий талаблар нималардан иборат.
2. Баланснинг тўғрилиги деганда нимани тушунасиш.
3. Баланснинг реаллиги деганда нимани тушунасиш.



4. Баланснинг тушунарлилиги деганда нимани тушунасиш.
5. Баланснинг қисмлари нималардан иборат.

### Тест

1. Корхонанинг ўз маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар молиявий ҳисоботнинг нечинчи шаклида ўз аксини топади.

- А) 1 шакл
- Б) 2 шакл
- С) 4 шакл
- Д) 5 шакл

2. Корхонанинг мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотлар молиявий ҳисоботнинг нечинчи шаклида ўз аксини топади.

- А) 1 шакл
- Б) 2 шакл
- С) 4 шакл
- Д) 5 шакл

3. Корхонанинг асосий воситалари тўғрисидаги ахборотлар молиявий ҳисоботнинг нечинчи шаклида ўз аксини топади.

- А) 1 шакл
- Б) 2 шакл
- С) 4 шакл
- Д) 5 шакл

4. Корхонанинг инвестицион фаолият бўйича пул оқими ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар молиявий ҳисоботнинг нечинчи шаклида ўз аксини топади.

- А) 1 шакл
- Б) 2 шакл
- С) 4 шакл
- Д) 5 шакл

5. Корхонанинг устав капитали тўғрисидаги ахборотлар молиявий ҳисоботнинг нечинчи шаклида ўз аксини топади.

- А) 1 шакл

Б) 2 шакл

С) 4 шакл

Д) 5 шакл

6. Корхонанинг соф тушуми тўғрисидаги ахборотлар молиявий ҳисоботнинг нечинчи шаклида ўз аксини топади.

А) 1 шакл

Б) 2 шакл

С) 3 шакл

Д) 5 шакл

7. Корхонанинг асосий воситалари 100 000.0 бирлик, номоддий активлари 50 000.0 бирлик, ТМЗлари 50 000.0 бирлик, устав капитали 80 000.0 бирлик, резерв капитали 50 000.0 бирлик, дебиторлик қарзлари 80 000.0 бирлик (бундан 40% и қисқа муддатли), тақсимланмаган фойдаси 60 000.0 бирлик ҳамда мажбуриятлари 90 000.0 бирлик. Корхонанинг узоқ муддатли активлари нимага тенг.

А) 180 000.0

Б) 198 000.0

С) 200 000.0

Д) 65 000.0

8. Корхонанинг асосий воситалари 100 000.0 бирлик, номоддий активлари 50 000.0 бирлик, ТМЗлари 50 000.0 бирлик, устав капитали 80 000.0 бирлик, резерв капитали 50 000.0 бирлик, дебиторлик қарзлари 80 000.0 бирлик (бундан 40% и қисқа муддатли), тақсимланмаган фойдаси 60 000.0 бирлик ҳамда мажбуриятлари 90 000.0 бирлик. Корхонанинг жорий активлари нимага тенг.

А) 82 000.0

Б) 98 000.0

С) 200 000.0

Д) 65 000.0

9. Корхонанинг асосий воситалари 100 000.0 бирлик, номоддий активлари 50 000.0 бирлик, ТМЗлари 50 000.0 бирлик, устав капитали 80 000.0 бирлик, резерв капитали 50 000.0 бирлик,

дебиторлик қарзлари 80 000.0 бирлик (бундан 40% и қисқа муддатли), тақсимланмаган фойдаси 60 000.0 бирлик ҳамда мажбуриятлари 90 000.0 бирлик. Корхонанинг хусусий капитали нимага тенг.

- А) 180 000.0
- Б) 190 000.0
- С) 200 000.0
- Д) 280 000.0

10. Корхонанинг асосий воситалари 100 000.0 бирлик, номоддий активлари 50 000.0 бирлик, ТМЗлари 50 000.0 бирлик, устав капитали 80 000.0 бирлик, резерв капитали 50 000.0 бирлик, дебиторлик қарзлари 80 000.0 бирлик (бундан 40% и қисқа муддатли), тақсимланмаган фойдаси 60 000.0 бирлик ҳамда мажбуриятлари 90 000.0 бирлик. Корхонанинг жами активи нимага тенг.

- А) 180 000.0
- Б) 190 000.0
- С) 200 000.0
- Д) 280 000.0

## **VIII БОБ. “МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ”НИНГ (2-сон шакл) МАЗМУНИ ВА УНИ ТАҲЛИЛГА ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛЛАРИ.**

### **8.1. “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”нинг таркибий тузулиши.**

“Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”да қуйидаги кўрсаткичлар ўз ифодасини топади: “Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум” “Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи”; “Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)”; “Давр харажатлари, жами”; “Молиявий фаолиятдан даромадлар, жами”; “Молиявий фаолият бўйича харажатлар, жами”; “Умумхўжалик фаолиятидан фойда (зарар)”; “Фавқулодда фойда ва зарарлар”; “Фойда солиғини тўлашга қадар фойда (зарар)”; “Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)”. Мазкур кўрсаткичларнинг ҳамаси мазкур ҳисоботда кетма-кет жойлашган. Улар бир-бир билан ўзаро боғлиқ бўлиш билан бирга бирбирини тўлдириб ҳам боради.

Умумхўжалик фаолияти — одатий фаолият ҳисобланган хўжалик юритувчи субъектнинг ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг келгусида ривожлантиришга, иқтисодий нафани оширишга ва мустаҳкамлашга йўналтирилган фаолиятидир.

Тугатилган фаолият бу хўжалик юритувчи субъектнинг активлари, соф даромад ёки зарари ва фаолиятни, шу жумладан молиявий ҳисоботларни ажратиб олиниши мумкин бўлган ушбу хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг алоҳида, асосий йўналишини намоён этувчи операцияни сотиш ёки бошқа шахсга бериш натижаси бўлиб ҳисобланади.

Жиддий (муҳим) хатолар — жорий даврда аниқланган хатолар бўлиб, улар шу қадар муҳим бўладики, ўтган даврлар молиявий ҳисоботлари ишончли деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Ҳисоб сиёсати — бу хўжалик юритувчи субъект томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қўллайдиган усуллари, уларнинг принцип ва асослари билан биргаликдаги жамламасидир.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагиларни ёритиб бериш зарур:

1. Реализациядан соф тушум;
2. Реализациядан ялпи молиявий натижа;
3. Асосий фаолиятдан бошқа операцион даромадлар ва харажатлар;
4. Асосий хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари (фойда ёки зарар);
5. Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар ва харажатлар;
6. Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси;
7. Фавқулоддаги фойда ва зарарлар;
8. Даромад (фойда) солиғи тўлангунга қадар умумий молиявий натижа (фойда ёки зарар);
9. Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари).

Муайян даврда тан олинган даромадлар ва харажатларнинг барча моддалари, агар Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида (БХМС) бошқача ёндашув назарда тутилмаган бўлса, ҳисобот даврининг соф даромади ёки зарарни аниқлашда ҳисобга олиниши шарт. Ҳисобот даврининг соф даромади ёки зарари қуйидаги элементлар асосида аниқланади ва уларнинг ҳар бири молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда ёритиб берилиши лозим:

1. Умумхўжалик фаолиятидан олинган даромад ёки зарарлар;
2. Фавқулоддаги даромадлар (зарарлар);
3. Даромад (фойда) солиғи тўлангунга қадар умумий молиявий натижа (фойда ёки зарар);
4. Даромад (фойда) солиғидан ташқари соф фойда.

Фавқулоддаги моддалардан юзага келадиган даромад ёки зарар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида кўрсатилиши лозим. Ҳар бир фавқулоддаги моддаларнинг моҳияти ва қийматини тушунтириш қисмида ёритиб берилиши лозим.

Умумхўжалик (одатий) фаолиятдан даромадлар ва харажатлар моддалари муайян миқдорга етса ва хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг операциялари мазмуни жуда муҳим бўлса, бу моддаларнинг моҳияти ва суммалари ёритилиши керак.

Тушунтиришларда ёритиб беришни талаб қилувчи муҳим хўжалик операциялари:

1. Сотишнинг соф қийматигача ТМЗни арзонлаштириш ёки қайта тиклаш қийматигача асосий воситаларни арзонлаштириш, шунингдек бундай арзонлаштиришни бекор қилиш.

2. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини таркибий жиҳатдан ўзгартириш, шунингдек таркибий жиҳатдан ўзгартириш харажатлари бўйича ҳар қандай захираларни бекор қилиш;

3. Узоқ муддатли инвестицияларни тугатиш;

4. Фаолиятни тугатиш;

5. Суд жараёнларини тартиблаштириш;

6. Захираларни бекор қилиш.

Тугатилган фаолиятнинг натижалари одатда умумхўжалик (одатий) фаолиятнинг даромади ва зарарига киритилади, бундан умумхўжалик (одатий) фаолиятдан аниқ фарқ қиладиган ёки бу фаолиятда содир бўлмайдиган ҳодисалар натижасида бу фаолиятнинг тугатилиши мустасно. Бундай ҳолларда фаолиятни тугатишдан даромад ёки зарарлар фавқулодда модда сифатида тасниф қилиниши мумкин. Тугатилган операцияларнинг ҳар бири тушунтиришларда ёритилиши ва уларда қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

1. Тугатилган фаолиятнинг моҳияти;

2. Молиявий ҳисоботни тузишда тугатилган фаолият тегишли бўлган тармоқ ва унинг географик жойлашган жойи;

3. Бухгалтерия ҳисоби мақсадларида фаолиятни тугатиш кучга кирган сана;

4. Фаолиятни тугатиш усули (сотиш, бошқа шахсга бериш ва шу кабилар);

5. Фаолиятни тугатишдан даромадлар ва зарарлар ҳамда ушбу даромад ёки зарарларни ўлчаш учун фойдаланиладиган ҳисоб тури;

6. Ҳар бир тақдим этилган давр учун суммаси билан биргаликда товарларни (иш, хизматларни) сотишдан тушум ва ҳисобот давридаги умумхўжалик (одатий) фаолият бўйича операциялардан даромад ёки зарарлар.

Ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришларнинг натижалари соф даромад ва зарарни аниқлашга қуйидагича киритилади:

1. Ҳисобот даврида, агар бу ўзгаришлар фақат мазкур даврга таъсир этган бўлса;

2. Ўзгаришлар юз берган давр ҳисобот даврида ва кейинги ҳисобот даврларида, агар ўзгаришлар уларга ҳам таъсир ўтказса.

Ҳисоб баҳолари ўзгартирилган турли даврлардаги молиявий ҳисоботларни бир-бирига қиёслашни таъминлаш мақсадида улар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг илгари баҳолаш учун фойдаланилган таснифланган моддаларига киритилади. Жорий даврга жиддий таъсир қиладиган ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришларнинг моҳияти ва қиймати ёки бу ўзгаришлар кейинги даврларда муҳим ўзгаришларга олиб келадиган бўлса, уларнинг моҳияти ва қиймати ёритиб берилиши лозим. Агар натижаларни ва ўзгаришларни қиймат жиҳатидан аниқлашнинг имкони бўлмаса, уларни ҳам ёритиб бериш талаб қилинади. Олдинги даврлардаги молиявий ҳисоботларни тайёрлаш чоғида йўл қўйилган хатоларга киритилган тузатиш миқдори (қиймати) ҳисобот давридаги соф даромад ёки зарарга қўшилади. Олдинги даврда йўл қўйилган муҳим хатоларни тўғрилаш миқдори:

1. Йил бошигача тақсимланган фойда сальдосини ўзгартириш йўли билан ҳисоботда акс эттирилади;

2. Ўтган йилнинг шу даврига оид маълумотлар ўзгартирилади, агар хатолар арзимайдиган даражада бўлса, улар истисно қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг балансидаги йил бошида тақсимланмаган фойданинг сальдосида муҳим хатоларни акс эттириш қуйидаги ахборотни очиқ бериши керак:

2.1. Муҳим хатоларнинг моҳияти;

2.2. Жорий даврдаги ва ҳисобот тақдим этилган ҳар бир даврдаги тузатишлар миқдори;

2.3. Олдинги йилларнинг маълумотларига киритилган дастлабки даврларга оид тузатишлар миқдори;

2.4. Қайта ҳисобланган қиёсий маълумотлар ёки қайта ҳисоблаш мумкин бўлмаслиги сабаблари.

Жорий даврдаги соф даромад ёки зарарга қўшиш йўли билан олдинги даврлардаги хатоларни тўғрилаш чоғида олдинги йилларга оид қиёсий ахборот олдинги давр учун тузилган молиявий ҳисобда кам кўрсатилиши керак, лекин жорий даврдаги ёки олдинги ҳар қандай даврдаги соф даромад ёки зарарни кўрсатиш учун (агар муҳим хатолар шу даврлар давомида тузатилган бўлса) алоҳида устунда қўшимча ахборот келтирилиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъект ўзгартиш киритиш билан бир вақтнинг ўзида қуйидаги ахборотни ёритиб бериши лозим:

1) жиддий (муҳим) хатонинг моҳиятини;

2) жорий даврдаги даромад ёки зарар деб эътироф этилган ўзгартишлар суммасини;

3) қўшимча маълумотлар тақдим этилган ҳар бир даврга оид ўзгартишлар суммаси ҳамда шу даврдан олдинги даврларга оид қўшимча маълумотларга киритилган даврларга тааллуқли ўзгартиришлар суммаси. Агар амалиётда қўшимча маълумотлар келтириш қўлланилмаса, у ҳолда бунинг сабаблари ёритиб берилиши керак.



Ҳисоб сиёсатидаги ўзгартишлар белгиланган тартибда кўзда тутилган ҳоллардагина ёки ўзгартишлар хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботларида ахборотни янада ишончлироқ тақдим этишга кўмаклашсагина ўтказилиши мумкин. Ҳисоб сиёсатидаги ўзгартишлар натижасида юз берган ўзгаришлар суммаси қуйидагича амалга оширилиши керак:

1. Йил бошидаги тақсимланмаган фойда сальдосини ўзгартириш йўли билан бухгалтерия балансига ёзиб қўйиш;

2. Ҳисобот давридаги соф даромад ёки зарарни аниқлашга киритиш.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгартишлар молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг олдинги даврига нисбатан ҳисобот даврига муҳим таъсир ўтказса ёки келгуси ҳисобот даврларига таъсир ўтказадиган бўлса, хўжалик юритувчи субъект тушунтиришларда қуйидаги ахборотларни ёритиб бериши керак:

1. Ўзгартишлар сабабларини;

2. Ҳисобот давридаги ва тақдим этилган олдинги даврлардаги тузатишлар суммасини;

3. Жорий даврдаги соф даромад ёки зарарда ҳисобга олинган тузатиш суммасини;

4. Қиёсий маълумотларга киритилган ҳисобот даврдан олдинги даврлардаги тузатишлар суммасини;

5. Қўшимча маълумотлар келтирилган ҳар бир ҳисобот даврига киритилган тузатишлар суммасини ва молиявий ҳисоботларга киритилган даврлардан олдинги даврлар билан боғлиқ тузатишлар суммасини. Агар қиёсий ахборот киритилган бўлса ёки қўшимча маълумот тақдим этиш имконияти бўлмаса, бу ҳолат ёритиб берилиши керак;

6. Қайта ҳисобланган қиёсий маълумотларни ёки уларни қайта ҳисоблаш мақсадга мувофиқ эмаслигининг сабабларини.

## **8.2. “Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум”.**

Ҳисоботнинг бошланишида “Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум” моддаси (010-сатр) кўрсатилади. Унда маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматларни сотишдан олинган тушум кўрсатилади. Мазкур кўрсаткичнинг соф тушум дейилишига сабаб, бунда солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи) ҳамда қайтарилган товарлар ва тайёр маҳсулотнинг қиймати, харидорнинг сотиш нархларидан чегирмалари ҳаммаси олиб ташланган бўлади. Мазкур тартиб 2004 йил 20 декабрда киритилган тартиб бўйича амалга оширилади (мазкур тартиб АВ томонидан ушбу санада 1209-2-сон билан рўйхатга олинган МВ Буйруғи асосида амалга оширилади). Мазкур кўрсаткичда асосий (операцион) фаолиятдан даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (9000) маълумотлари ва асосий фаолияти мол-мулкни ижарага (лизингга) бериш ҳисобланган корхоналар бўйича ҳам жорий ҳисобот даврига тегишли бўлган даромад суммаси ҳам акс эттирадилар. Шунингдек, воситачи корхоналар комиссия ҳақлар суммаси ҳам мазкур кўрсаткичга қўшиб кўрсатилади. Ушбу кўрсаткични шартли равишда “Q”, деб белгилаб оламиз. Ушбу кўрсаткич биринчидан корхона фаолиятининг пировард фаолиятининг ҳосиласи бўлса, иккинчидан ушбу кўрсаткич барча харажатларни қоплаб даромадларни олиш ва фойдага эришиш манбаи ҳамдир.

## **8.3. “Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи”ни ифодаловчи кўрсаткич.**

Мазкур ҳисоботнинг иккинчи кўрсаткичи “Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи” моддасидир. Ушбу харажатлар ҳисоботнинг 020-сатрида ифодаланади. Мазкур сумма сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (9100) ҳисобга олинган, сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар)

таннархининг суммасини ифодалайди. Агар корхона савдо корхонаси бўлса, ушбу сатр бўйича таннарх ўрнига сотилган товарларнинг харид қийматини акс эттирилади. Демак савдо корхонаси учун “таннарх” товарларнинг харид қиймати бўлиб ҳисобланади. Шунини қайд этиш лозимки, товар айланмасида (товарларни қабул қилиш ва сотишда) иштирок этмасдан, хизматлар учун ҳақ кўринишида даромад оладиган воситачи ташкилотлар ушбу сатрни тўлдирмайдилар. Шунини эътироф этиш керакки, мазкур кўрсаткичда маҳсулотларни ишлаб чиқариш учунгина кетган харажатлар ўз ифодасини топади, яъни уни тайёр ҳолга келтириб, ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг тайёр маҳсулот омборига келтиргунча бўлган харажатларни ўз ичига олади. Бундан кейинги сақлаш, ташиш ва сотиш каби жараёнлар билан боғлиқ харажатлар ушбу гуруҳ харажатлар таркибига кирмайди.

#### **8.4. “Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)”.**

Ҳисоботнинг учинчи кўрсаткичи бўлиб, “Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)” (R) ҳисобланади. Бу ҳисоботнинг 030-сатрида кўрсатилади. Мазкур кўрсаткич маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум (Q) билан сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи (N) ўртасидаги фарқ (010-сатр-020-сатр) сифатида аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$R = Q - N ;$$

Корхонанинг ялпи фойдаси мазмун жиҳатидан даромадлар суммасига тенг. Чунки, барча тушумдан харажатларнинг олиб ташланиши даромад бўлиб ҳисобланади. Ушбу даромадлар ҳисобидан турли харажатлар қопланиб тегишли тарзда фойда олишга эришилади. Шу нуқтаи назардан, мазкур кўрсаткични корхонанинг ялпи фойдаси, деб номлангандан кўра корхонанинг

даромади, деб номланса мазмунига тўғри бўлган бўларди, деб ҳисоблаймиз.

### 8.5. “Давр харажатлари, жами” кўрсаткич ва унинг таркиби.

Навбатдаги кўрсаткич корхонанинг “Давр харажатлари, жами” (D) моддаси бўлиб ҳисобланади. Бу кўрсаткич ҳисоботнинг 040- сатрида ифодаланади. У ўз ичига 050, 060, 070, 080-сатрларда ифодаланган харажатларни олади ва унда якуний жами харажатлар суммаси акс эттирилади.

$$D = d1 + d2 + d1 + \dots + dn ;$$

Бу ерда:  $d1 + d2 + d1 + \dots + dn$  – давр харажатларининг алоҳида турлари. Давр харажатларига қуйидаги харажатлар киради: “Реализация харажатлари” (050-сатр); “Маъмурий харажатлар” (060-сатр); “Бошқа операцион харажатлар” (070-сатр); “Ҳисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлари” (080-сатр) кабилар. Реализация харажатлари моддасида “Реализация харажатлари” номли 9410-ҳисобварағида юритиладиган: маҳсулотни реализация қилиш харажатлари, яъни маҳсулотни истеъмолчига етказиш, транспорт воситаларига ортиш билан боғлиқ харажатлар, маркетинг билан шуғулланадиган бўлимлар ва ходимларнинг харажатлари каби сотиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар акс эттирилади. Ушбу харажатлар гуруҳига “Маъмурий харажатлар” моддаси ҳам киради. Ушбу сумма “Маъмурий харажатлар” 9420- ҳисобварағида юритиладиган: корхонани бошқариш харажатлари, бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари, умуммаъмурий мақсаддаги асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, умумхўжалик мақсадидаги хоналарнинг ижара ҳақи ва бошқа маъмурий харажатлар акс эттирилади. Айрим ҳолларда хизмат машинасининг эксплуатацияси билан боғлиқ харажатлар ҳам шу гуруҳда ўз ифодасини топади. Мазкур харажатлар гуруҳига кирадиган “Бошқа операцион харажатлар” моддасидаги сумма

“Бошқа операцион харажатлар” 9430-ҳисобварағида юритилган: кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, ахборий, аудиторлик ва маслаҳат хизматларига ҳақ тўлаш харажатлари, компенсациялайдиган ва рағбатлантирадиган хусусиятдаги тўловлар, иш ҳақини ҳисоблаб ёзишда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар, банк ва депозитарий хизматларига ҳақ, зарарлар, жарималар, пенялар ва операцион фаолият жараёнида юзага келадиган, ишлаб чиқариш жараёни, молиявий фаолият билан боғланмаган ва харажатларнинг фавқулодда моддалари сифатларига эга бўлмаган бошқа харажатлар акс эттирилади. “Ҳисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлари” моддаси ҳам ушбу гуруҳ харажатларга киради. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 52(І)-сон) 146- моддасига кўра келгусида солиқ солинадиган фойдадан чегириб ташланадиган ҳисобот даври харажатлари акс эттирилади ва “Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари” 9440-ҳисобварағида умумлаштирилган ҳисоб маълумотлари бўйича тўлдирилади. Одатда асосий фаолият харажатлари билан даромадлари ҳам ўз ифодасини топади. “Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар” моддаси бўйича (090-сатр) ҳисоби асосий фаолиятдан бошқа даромадларни ҳисобга олиш 9300-ҳисобварақларида юритилади. Буларга куйидаги даромадлар киради: асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда, ундирилган жарима ва пенялар, ўтган йиллар фойдаси, оператив ижарадан даромадлар, кредиторлик ва депонентлик қарзини ҳисобдан чиқаришдан даромадлар, хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг даромадлари, текин молиявий ёрдам ва бошқа операцион даромадлар. Ушбу кўрсатилган даромадлар асосий фаолият фойдасининг суммасининг шаклланишида бевосита иштирок этади.

## 8.6. “Асосий фаолиятдан фойда (зарар)” кўрсаткичи ва уни аниқлаш йўллари.

Ҳисоботда ифода этиладиган навбатдаги кўрсаткич “Асосий фаолиятдан фойда (зарар)” (F) моддаси бўлиб ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич ҳисоботнинг 100-сатрида ифодаланади. Унда корхона асосий фаолиятининг молиявий натижалари кўрсатилади, улар маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)дан (Yf) (030-сатр) давр харажатлари суммасини (040-сатр) (D) айириш ҳамда асосий фаолиятдан бошқа даромадлар суммасини (090- сатр) (H) қўшиш йўли билан аниқланади.

$$F = Yf - D + H ;$$

Асосий фаолият фойдаси ёки зарарини ифодаловчи кўрсаткич, ўз номи билан асосий фаолият билан боғлиқ. Буни алоҳида ҳисоблаш ҳам мантиқий жihatдан тўғри.

## 8.7. “Молиявий фаолиятдан даромадлар.

Мазкур ҳисоботда ифодаланидан навбатдаги кўрсаткич “Молиявий фаолиятдан даромадлар, жами”дан (Мфд) иборатдир. Мазкур модда ҳисоботнинг 110-сатрида жойлашган. Бу ўз ичига 120, 130, 140, 150, 160-сатрларда ифодаланган суммаларни камраб олади. Буларга: “Дивидендлар кўринишида даромадлар” (120-сатр); “Фоизлар кўринишида даромадлар” (130-сатр); “Молиявий ижарадан даромадлар” (140-сатр); “Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар” (150-сатр); “Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар” (160-сатр) да ифодаланган суммаларни ўз ичига олади. Буларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Mфд = m1 + m2 + m3 + \dots + mn ;$$

Бунда:  $m1 + m2 + m3 + \dots + mn$  лар молиявий фаолият даромадларининг алоҳида турлари. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг “Дивидендлар кўринишида даромадлар” моддасида кўрсатиладиган сумма “Дивидендлар кўринишида даромадлар” 9520-ҳисобварағида юритилади ҳисобдан олинади. Бунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва

ундан ташқарида бошқа корхоналар фаолиятида улушбай иштирок этишдан олинган даромадлар, корхона эгалигида бўлган акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар акс эттирилади. Мазкур даромадлар туркумига “Фоизлар кўринишида даромадлар” ҳам киради. Буларнинг ҳисоби “Фоизлар кўринишида даромадлар” 9530-ҳисобварағида юритилади. Бунда узок муддатли ва жорий инвестициялар бўйича фоизлар кўринишида даромадлар кўрсатилади. Айрим корхона ва ташкилотлар борки, уларнинг асосий фаолияти мол-мулкни молиявий ижарага бериш билан шуғулланмайди. Бундай операциялар асосий бўлмаган ташкилотларда "Молиявий ижарадан даромадлар" 9550-ҳисобварағида юритилади. Ушбу моддада молмулкни молиявий ижарага беришдан олган даромадларини акс эттирадilar.

Молиявий фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири “Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар” моддаси бўлиб ҳисобланади. Ушбу маблағларнинг ҳисоби “Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар” 9540-ҳисобварағида юритилади. Мазкур ҳисобварақ таркибида балансни тузиш санасида баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан, валюта операциялари бўйича мусбат курслардаги фарқлардан даромадлар акс эттирилади. Булардан ташқари бир қанча даромадларни ўзида бирлаштирган “Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар” моддаси ҳам юқорида номи зикр этилган ҳисоботнинг 160-сатрида ифодаланади. Мазкур сумманинг ҳисоби “Роялти кўринишида даромадлар” номли 9510-ҳисобварақда, “Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар” номли 9560-ҳисобварақда, “Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар” эса 9590-ҳисобварақларда юритилади. Буларда шунингдек, қимматли қоғозларни қайта баҳолашларни ўтказишдан даромадлар, роялти кўринишида даромадлар ва молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар ҳам кўрсатилади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда “Молиявий фаолият бўйича харажатлар, жами” (Мфх) кўрсаткичи ҳам ифодаланади.

Ушбу модда ҳисоботнинг 170-сатрида ифодаланиб, ўз тарикбига 180, 190, 200, 210-сатрларни қамраб олади. Бунинг формуласини қуйидагича акс эттириш мумкин:

$$M_{\Phi x} = m_{x1} + m_{x2} + m_{x3} + \dots + m_{xp} ;$$

Бунда:  $m_{x1} + m_{x2} + m_{x3} + \dots + m_{xp}$  лар молиявий фаолият харажатларининг алоҳида турлари. “Фоизлар кўринишида харажатлар” моддаси 180-сатрда ўз ифодасини топган. Ушбу сумманинг ҳисоби “Фоизлар кўринишида харажатлар” номли 9610-ҳисобварағида юритилади. Бунда банклар кредитлари ва қарзлар бўйича фоизларни тўлаш харажатлари кўрсатилади. Юқоридаги харажатлар таркибига “Молиявий ижара бўйича фоизлар кўринишидаги харажатлар” моддалари ҳам кирази. Бу мазкур ҳисоботнинг 190-сатрида кўрсатилади. Бунда молиявий ижара бўйича фоизларни тўлашга харажатлар акс эттирилиб, уларнинг ҳисоби 9610 - “Фоизлар кўринишидаги харажатлар” ҳисобварағида юритилади. “Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар” моддаси 200-сатрда кўрсатилади. Мазкур сумма бўйича ҳисоб “Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар” номли 9620-ҳисобварағида юритилади. Бунда валюта операция-лари бўйича ва баланс тузиш санасида баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан манфий курслардаги фарқлар ҳам акс эттирилади. Юқоридаги ҳисоботда ифодаланадиган “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар”, унинг 210-сатрида ифодаланади. Ушбу модда бўйича ҳисоб “Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш харажатлари” ва 9690-“Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар” 9630-ҳисобварақларида юритилади. Бунда қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда молиявий фаолиятга доир бошқа харажатлар акс эттирилади.

### **8.8. “Умумхўжалик фаолиятдан фойда (зарар)”.**

Навбатдаги кўрсаткич “Умумхўжалик фаолиятдан фойда (зарар)” (Уфф) бўлиб, ушбу модда ҳисоботнинг 220-сатрида ифодаланади. Бунда корхонанинг умумхўжалик фаолиятига доир,



асосий фаолиятдан фойда (зарар) суммасига (100-сатр) (F) молиявий фаолиятдан даромадлар суммасини (110-сатр) кўшиш (Мфд) ва молиявий фаолият бўйича харажатлар суммасини (170-сатр) (Мфх) айириш йўли билан аниқланадиган молиявий натижалар суммаси кўрсатилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Уфф = F + Мфд - Мфх$$

Ҳозирги пайтда ҳар бир корхонада, бир ҳисобот даврида бир марта содир бўладиган фавқулотда фойда ёки зарар содир бўлиши мумкин. “Фавқулотда фойда ва зарарлар” моддаси ҳисоботнинг 230- сатрида кўрсатилади. Бунда фавқулотда воқеалар натижалари кўрсатилади. Мазкур сумма “Фавқулотда фойдалар” 9710- ҳисобварағида олиб борилади. Шунингдек, “Фавқулотда зарарлар” 9720-ҳисобварағида ифода этилади. Ҳисоботда буларнинг маълумотлари битта қаторда “Фавқулотда фойда ва зарарлар” 230- сатрда (Ффз) ифодаланади. Фойда бўлса кўшилади, зарар бўлса соф фойдани аниқлашда ушбу сумма чегириб ташланади.

### **8.9. "Фойда солиғини тўлашга қадар фойда (зарар)".**

Молиявий натижаларни ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири, "Фойда солиғини тўлашга қадар фойда (зарар)" (Фсс) кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Мазкур модда ҳисоботнинг 240- сатрида ифодаланади. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун 220 сатрдаги суммага (Уфф) +/- белгисини ҳисобга олган ҳолда 230-сатрдаги суммани кўшиш ёки олиш йўли билан ҳисобланади. Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Фсс = Уфф \pm Ффз ;$$

Мазкур суммадан фойда солиғи олиб ташланади. "Фойда солиғи" (Фс) ҳисоботнинг 250-сатрида ифодаланади. Мазкур кўрсаткич ҳисобот даври бошидан ҳисоблаб ёзилган "Фойда солиғи бўйича харажатлар" 9810 -ҳисобварағида ҳисобга олиб борилади. Шунингдек, мазкур суммадан бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳам айрилади. "Бошқа солиқлар ва бошқа

мажбурий тўловлар" (Смт) ҳисоботнинг 260-сатрида кўрсатилади. Бу кўрсаткич ҳам йил бошидан ҳисоблаб ёзилган, қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкилот фойдаси ҳисобидан тўланаётган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси акс эттирилади. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солишнинг махсус тартиби назарда тутилган корхоналар учун 260-сатр бўйича ҳисоблаб ёзилган ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ суммасини акс эттирадilar. Ушбу кўрсаткичлар бўйича тегишли суммалар аниқлангач “Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)” (Сф) аниқланади. Ушбу модда ҳисоботнинг 270-сатрида кўрсатилади. Бу ҳисобот даврининг пировард молиявий натижаси бўлиб кўрсатилади. Буни аниқлаш учун 240-250-260-сатрлар айирмаси сифатида белгиланган ёки куйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Сф = Фсс - Фс - Смт ;$$

Шундай қилиб, якуний натижага “Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)”ни аниқлашга эришдик. Мазкур кўрсаткичда бутун манфаатлар ўз ифодасини топади. Ушбу кўрсаткич қанча кўп бўлса, мулкдорга шунча яхши, унинг мулки, фойдаси кўпаяди, корхонаси барқарор фаолият кўрсатади. Меҳнат жамоаси учун ҳам яхши, чунки шунга яраша рағбатлантирилади, мукофотга сазовар бўлади, корхонанинг барқарор ишлаши, уларни иш билан таъминланишини ҳам барқарорлаштиради. Давлатга ҳам манфаатли, чунки қанча фойда кўп бўлса, ўшанча фойда солиғи ва бошқа мажбурий тўловлар ҳам ошиб боради. Давлат ва маҳаллий бюджетларнинг кўпайишига олиб келади. Жамият учун ҳам фойдали, чунки мазкур корхонада фаолият кўрсатаётган аҳолининг даромадлари оширилиши билан бирга мазкур корхона томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматларда узлулиш бўлмайди. Бозор ҳамиша тўйинган бўлади.

8.10. “Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумот”нинг таркиби ва мазмуни “Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумот”да (280-470-сатрлар) корхоналар томонидан солиқ қонунчилигига мувофиқ

ҳисоблаб ёзилган ва тўланадиган солиқлар ва тўловларнинг 20 та турлари бўйича бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар кўрсатилади. Буларга қуйидагилар киради: Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи; Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи; Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи; Қўшилган қиймат солиғи; Акциз солиғи; Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ; Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ; Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ; Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи; Ягона солиқ тўлови; Ягона ер солиғи; Қатъий белгиланган солиқ; Бошқа солиқлар; Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар; Бюджетдан ташқари; Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар; Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий тўловлар; Ягона ижтимоий тўлов; Импорт бўйича божхона божи; Маҳаллий бюджетга йиғимлар; Бюджетга тўловларнинг кечиктирилганлиги учун молиявий жазолар. Кўриниб турибдики, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар анча кўп экан. Буларнинг бир жойга жамланиши тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади. Мазкур маълумотноманинг 480-сатрида корхоналар томонидан ҳисобот даври учун бюджетга солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловларнинг ҳисобланган ва тўланган жами суммаси кўрсатилади. Агарда корхоналарда ҳисобот даври учун ҳисоб-китоблар бўйича қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибга мувофиқ қўшилган қиймат солиғи бўйича манфий фарқ мавжуд бўлса, "Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича тўланади" устуни бўйича 310-сатрда ушбу манфий фарқ суммаси "минус" белги билан кўрсатилади. Бу ўз навбатида жами бюджетга тўловлар суммасида акс эттирилади.

## **Асосий тушунчалар таърифлари**

“Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”нинг таркибий тузулиши, “Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум”, “Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи”ни ифодаловчи кўрсаткич, “Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)”, “Давр харажатлари, жами” кўрсаткич ва унинг таркиби, “Асосий фаолиятдан фойда (зарар)” кўрсаткичи ва уни аниқлаш йўллари, “Молиявий фаолиятдан даромадлар, “Умумхўжалик фаолиятидан фойда (зарар)”, “Фойда солиғини тўлашга қадар фойда (зарар)”.

## **Такрорлаш учун саволлар**

1. “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”нинг таркибий тузулиши қандай.
2. “Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум” деганда нимани тушунасиш.
3. “Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи”ни ифодаловчи кўрсаткич нима.
4. “Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)” қандай аниқланади.
5. “Фойда солиғини тўлашга қадар фойда (зарар)” қандай аниқланади.

## **Тест**

1. Корхонанинг маҳсулотларни сотишдан оладиган ялпи фойдаси қандай аниқланади.

А) Соф тушумдан таннарх айрилади.

Б) Ялпи фойдага асосий фаолиятдан бошқа даромадлар қўшилади ҳамда давр харажатлари айрилади.

С) Асосий фаолият фойдасига молиявий фаолият даромадлари қўшилиб молиявий фаолият харажатлари айрилади.

Д) Умумхўжалик фойдасига фавқулотда фойда қўшилиб фавқулотда зарар айрилади.

2. Корхонанинг асосий фаолият фойдаси қандай аниқланади.

А) Соф тушумдан таннарх айрилади.

Б) Ялпи фойдага асосий фаолиятдан бошқа даромадлар қўшилади ҳамда давр харажатлари айрилади.

С) Асосий фаолият фойдасига молиявий фаолият даромадлари қўшилиб молиявий фаолият харажатлари айрилади.

Д) Умумхўжалик фойдасига фавқулотда фойда қўшилиб фавқулотда зарар айрилади.

3. Корхонанинг умумхўжалик фойдаси қандай аниқланади.

А) Соф тушумдан таннарх айрилади.

Б) Ялпи фойдага асосий фаолиятдан бошқа даромадлар қўшилади ҳамда давр харажатлари айрилади.

С) Асосий фаолият фойдасига молиявий фаолият даромадлари қўшилиб молиявий фаолият харажатлари айрилади.

Д) Умумхўжалик фойдасига фавқулотда фойда қўшилиб фавқулотда зарар айрилади.

4. Корхонанинг солиқ тўлангунга қадар фойдаси қандай аниқланади.

А) Соф тушумдан таннарх айрилади.

Б) Ялпи фойдага асосий фаолиятдан бошқа даромадлар қўшилади ҳамда давр харажатлари айрилади.

С) Асосий фаолият фойдасига молиявий фаолият даромадлари қўшилиб молиявий фаолият харажатлари айрилади.

Д) Умумхўжалик фойдасига фавқулотда фойда қўшилиб фавқулотда зарар айрилади.

5. Корхонанинг соф фойдаси қандай аниқланади.

А) Соф тушумдан таннарх айрилади.

Б) Ялпи фойдага асосий фаолиятдан бошқа даромадлар қўшилади ҳамда давр харажатлари айрилади.

С) Асосий фаолият фойдасига молиявий фаолият даромадлари қўшилиб молиявий фаолият харажатлари айрилади.

Д) Солиқ тўлангунга қадар фойдадан фойдадан тўланадиган солиқлар айрилади.

6. Соф фойда бухгалтерия балансида қайси кўрсаткич сифатида акс эттирилади.

А) Устав капитали

Б) Актив

С) Резерв капитали

Д) Тақсимланмаган фойда.

7. Корхонанинг соф тушуми қандай аниқланади.

А) Соф тушумдан таннарх айрилади.

Б) Ялпи тушумдан эгри солиқлар айрилади.

С) Асосий фаолият фойдасига молиявий фаолият даромадлари қўшилиб молиявий фаолият харажатлари айрилади.

Д) Солиқ тўлангунга қадар фойдадан фойдадан тўланадиган солиқлар айрилади.

8. Қуйидагиларнинг қайси асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар таркибига киради.

А) фоиз кўринишидаги даромадлар

Б) дивиденд кўринишидаги даромадлар

С) роялти кўринишидаги даромадлар

Д) оператив ижарадан олинган даромадлар.

9. Қуйидагиларнинг қайси молиявий фаолиятдан олинган даромадлар таркибига кирмайди.

А) фоиз кўринишидаги даромадлар

Б) дивиденд кўринишидаги даромадлар

С) роялти кўринишидаги даромадлар

Д) оператив ижарадан олинган даромадлар.

10. Корхонада нечта фойда тури бор.

А) 3

Б) 4

С) 5

Д) 6

## **IX БОБ. КОРХОНАЛАРДА ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАР, УЛАРНИНГ МАЗМУНИ, КЎРСАТКИЧЛАРИ, АНИҚЛАНИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ.**

### **9.1. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин.**

Дебиторлик (биздан қарз) ва кредиторлик (биз қарз) қарзларини ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Уларнинг бир қанча турлари мавжуд. Шу туфайли мазкур ҳолатни битта ёки иккита кўрсаткич билан ифодалаб бўлмайди. Шу туфайли уларни ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. дебиторлик ва кредиторлик қарзлари умумий сўммаси;
2. дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг таркибий тузилиши;
3. сармойани иммоблизациялаш коэффиценти;
4. айланма маблағларни иммоблизациялаш коэффиценти;
5. жалб этилган маблағлар коэффиценти;
6. дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ўзаро нисбатининг коэффиценти;
7. муддати ўтган дебиторлик қарзи коэффиценти;
8. муддати ўтган кредиторлик қарзи коэффиценти.

### **9.2. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари умумий сўммаси қаерда кўрсатилади ва нимани ифодалайди.**

Ушбу маълумотлар «Бухгалтерия баланси» 1-шакл ва «Дебиторлик ва кредиторлик қарзи тўғрисидаги маълумотнома» 2-шакл ҳисоботларидан олинади. Дебиторлик қарзи баланс активининг 2-бўлимида 220-290- сатрларида акс эттирилади. Кредиторлик қарзи баланс пассивининг 2- бўлимида 450-530- сатрларида акс эттирилади. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари сўммасига қараб, уларнинг маълум даврдаги кўпайиши ва

камайиши аниқланади. Шунинг назарда тутиш керакки, ҳар қандай кўпайиш ҳам молиявий аҳволнинг ёмонлашуви бўлавермайди. Бунинг учун дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ўсиш суръатини маҳсулотларни (хизматларни) сотиш ҳажмининг ўсиш суръати билан таққослаш зарур. Агар дебиторлик қарзининг ўсиш суръати маҳсулот сотиш ҳажмининг ўсиш суръатидан юқори бўлса, бу ҳол харидорлар ва буюртмачиларнинг тўловга қобилиятсизлигидан дарак беради, агар кредиторлик қарзининг ўсиш суръати маҳсулот сотиш ҳажмининг ўсиш суръатидан юқори бўлса, бу ҳол ушбу корхона тўловга қобилиясизлигига, у маҳсулот етказиб берувчилар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қила олмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

### **9.3. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг тузилиши нимани ифодалайди ва қандай аниқланади.**

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг тузилиши ҳар бирининг умумий маблағлаода қанча фоиз ташкил қилишини ифодалайди. Ушбу кўрсаткич асосида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари умумий сўммасида ҳар бир турнинг улуши аниқланади. Бу улуш корхонанинг ҳисоб-китоб-тўлов интизомига ва тарафлардан ҳар қайсисининг шартнома мажбуриятларини бажариш даражасига боғлиқ бўлади. Дебиторлик қарзларининг умумий маблағлардаги улуши (Дқу) дебитор қарзлар суммасини (Дек) барча маблағларга, яъни баланснинг умумий суммасига (Б) бўлиш йўли билан аниқланади:

$$\text{Дқу} = \text{Дек} : \text{Б}$$

Кредиторлик қарзларининг умумий маблағлардаги улушни (Кқу) топиш учун кредитор қарзлар суммасини (Крк) барча маблағларга, яъни баланснинг умумий суммасига (Б) бўлиш йўли билан аниқланади:

$$\text{Кқу} = \text{Крк} : \text{Б}$$



#### **9.4. Сармояни имобилизациялаш коэффициенти (Кс.им.) қандай аниқланади.**

Имобилизацияланганлик деганда жалб қилинганлик тушунилади. Корхона умумий маблағлари сўммасида дебиторлик қарзининг улушини кўрсатади ва у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Кс.им.} = \text{Дек} / \text{С}$$

бунда:

Дек - дебиторлик қарзи;

С - хўжалик маблағлари (сармоя)нинг умумий сўммаси, яъни баланснинг жами суммаси.

Ушбу коэффициент қанча катта бўлса, умумий сармоя сўммасидан шунча кўп маблағ дебиторлик қарзига жалб этилганлигини, яъни бизнинг маблағларимиз бошқа юридик ҳамда жисмоний шахслар қўлида бўлганлигини ифодалайди.

#### **9.5. Айланма маблағларни имобилизациялаш коэффициенти (К.маб.айм.им.) қандай аниқланади.**

Айланма маблағларни имобилизациялаш коэффициенти дебиторлик қарзининг айланма маблағлардаги улушини кўрсатади ва у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{К}_{\text{маб.айм.им.}} = \frac{\text{Дек}}{\text{Айм.}}$$

бунда: Айм. - айланма маблағлар сўммаси. Ушбу коэффициент қанча юқори бўлса, шунча кўп айланма маблағ айланишдан иштирок этмасдан, дебиторлик қарзларига жалб этилганлигидан далолат беради. Корхонанинг ушбу суммалари бошқа юридик ҳамда жисмоний шахслар ихтиёрида эканлигидан далолат беради. Шу туфайли уларни тезлик билан корхонага қайтариш чораларини кўриш лозим.

## 9.6. Ўз маблағини иммобилизациялаш коэффициентини (Кўзим) қандай аниқланади.

Ўз маблағини иммобилизациялаш коэффициентини ўз маблағларида дебиторлик қарзларининг ҳиссасини кўрсатади. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори қанча кўпайса, шунча салбий ҳолатга яқинлигини ифодалайди. Чунки ўз маблағларимизнинг бир қисми кимларнингдир фойдаланишида эканлигидан далолат беради. Буни қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$К_{\text{ўзим}} = \frac{\text{Дек}}{\text{Ўз}} ;$$

бунда: Ўз – ўз маблағлари суммаси.

## 9.7. Жалб этилган маблағлар коэффициентини (Кж.м.) қандай аниқланади.

Жалб этилган маблағлар коэффициентини (Кж.м.) кредиторлик қарзларининг хўжалик маблағлари умумий сўммасидаги улушини кўрсатади ва у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$К_{\text{ж.м.}} = \frac{К_{\text{рк}}}{С}$$

бунда:

К<sub>рк</sub> - муайян санадаги кредиторлик қарзи сўммаси. Коэффициент ошиб борган сари кредиторлик қарзининг корхона умумий хўжалик маблағлари сўммасидаги салмоғи ҳам ошиб боради ва бошқа жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг бизнинг айланма маблағларга жалб этилганларининг кўпайганлигидан далолат беради. Ушбу коэффициентдан барча мажбуриятларни таҳлил қилиш чоғида ҳам фойдаланилади. Агар маблағлар манбалари таҳлил қилинаётган бўлса, жалб этилган маблағлар коэффициентини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш зарур:

$$К_{\text{ж.м.}} = \frac{П2Б}{С}$$

бунда: П2Б - баланс пассиви 2-бўлимнинг жами.

Мазкур кўрсаткич барча мажбуриятлар, яъни бошқа жисмоний ва юридик шахс маблағларининг бизнинг фаолиятимизга жалб этилганлигини кўрсатади. Бу коэффициент

мажбуриятларнинг хўжалик маблағлари умумий сўммасидаги улушини ифодалайди.

### **9.8. Кредиторлик ва дебиторлик қарзлари нисбатининг коэффиценти (Ккр.деб.н.) қандай аниқланади.**

Кредиторлик ва дебиторлик қарзлари нисбатининг коэффиценти кредиторлик қарзининг дебиторлик қарзидаги ҳиссасини ифодалайди. Мазкур кўрсаткич корхона ва унинг ҳамкорлари ўртасида тўлов интизомининг аҳволидан дарак беради. Агар тўлов интизоми бузулса, шу иккала кўрсаткичнинг ҳам миқдори ошиб боради ва муддати ўтган қисмига ўтиб кетади. Шу тўғрисида айниқса ҳозирги пайтда жуда ишончли ҳамкорларни топишни тақозо қилади. Одатда мазкур кўрсаткични қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{Ккр.деб.н.} = \text{Ккр}/\text{Дек}$$

Агар ушбу коэффицент 1,0 дан кўп бўлса, у кредиторлик қарзи дебиторлик қарздан ошиб кетганлигини, яъни хўжалик маблағлари умумий сўммасидаги жалб этилган маблағлар бошқа юридик ва жисмоний шахслар қўлидаги маблағлардан ортиқ эканлигини кўрсатади ва аксинча. Агар бу коэффицент 1,0 дан кам бўлса – бошқа юридик ва жисмоний шахсларга фойдаланиш учун берилган маблағлар жалб этилган маблағлардан ортиқ эканлигини кўрсатади. Бундай ҳолатни ишобий баҳолаш мумкин, чунки бизнинг имкониятларимиз кимларнингдир олдидага мажбуриятларимизни тўлиқ қоплашлигидан далолат беради.

### **9.9. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари нисбатининг коэффиценти (Кдеб.кр.н.) қандай аниқланади.**

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари нисбатининг коэффиценти дебиторлик қарзининг кредиторлик қарзидаги ҳиссасини ифодалайди. Мазкур кўрсаткич корхона ва унинг ҳамкорлари ўртасида тўлов интизомининг аҳволидан дарак беради. Одатда мазкур кўрсаткични қуйидаги формула орқали аниқланади:

### **Кдеб.кр.н. = Дек/Крк**

Ушбу коэффициент 1,0 дан кўп бўлса, у дебиторлик қарзи кредиторлик қарзидан ошиб кетганлигини, яъни хўжалик маблағлари умумий сўммасидаги жалб этилган маблағлар бошқа юридик ва жисмоний шахслар қўлидаги маблағлардан кам эканлигини кўрсатади ва аксинча. Агар бу коэффициент 1,0 дан кам бўлса – бошқа юридик ва жисмоний шахсларга фойдаланиш учун берилган маблағлар жалб этилган маблағлардан кам эканлигини кўрсатади. Бундай ҳолатни ижобий баҳолаб бўлмайди, чунки бизнинг имкониятларимиз кимларнингдир олдидага мажбуриятларимизни тўлиқ қоплаш имкони йўқлигини кўрсатади.

### **9.10. Муддати ўтган дебиторлик қарзи коэффициентини (Кмуд.д.к.) қандай аниқланади.**

Муддати ўтган дебиторлик қарзи коэффициентини дебиторлик қарзининг умумий суммасида унинг муддати ўтган қисми қандай ҳиссага эга эканлигини кўрсатади ва қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\text{Кмуд.д.к.} = \text{Муў.дек/Дек}$$

бунда:

Муў.дек. - муддати ўтган дебиторлик қарзлари суммаси.

Ушбу коэффициентнинг ортиб бориши қарзларни ундиришдаги мавжуд камчиликларни, буюртмачилар, харидорлар томонидан ҳисобкитоб-тўлов интизоми бузилаётганлиги каби салбий жараёнларни кўрсатади. Мазкур кўрсаткич микдорининг ошиб бориши мазкур иқтисодиёт субъектида молиявий аҳволнинг ёмонлашаётганлигидан далолат беради.

### **9.11. Муддати ўтган кредиторлик қарзи коэффициентини (Кмуд.кр.к.) қандай аниқланади.**

Муддати ўтган кредиторлик қарзи коэффициентини кредиторлик қарзида унинг муддати ўтган

қисмининг ҳиссаси қанча эгалигини кўрсатади ва у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{\text{муд.кр.қ.}} = \text{Муў.крқ} / \text{Крқ}$$

бунда:

Муў.крқ - муддати ўтган кредиторлик қарзлари суммаси.

Бу коэффициент микдорининг ортиб бориши ҳисоб-китоб-тўлов интизомида камчиликлар мавжудлигини, корxonанинг молиявий аҳволи ёмонлашиб бораётганлигини, унинг ноликвидлилиги ва тўловга қобилиятсизлик эҳтимолининг ошиб бораётганлигини кўрсатади. Шу туфайли таҳлил жараёнида муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларига алоҳида эътибор бериш керак. Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳар бир тури бўйича уларнинг келиб чиқиш сабабларини, бу маблағларни қайтариш имкониятини аниқлаш, уларни камайтириш юзасидан таҳлилчилар томонидан аниқ тавсиялар ишлаб чиқилиши зарур.

### **9.12. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш ва корxonанинг молиявий аҳволини яхшилашнинг асосий йўналишлари нималардан иборат.**

Меҳмонхона хўжаликларида ҳам бошқа иқтисодиёт субъектлари сингари дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг аҳволини яхшилашнинг асосий йўналишлари, бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат:

- зарур маҳсулотни етказиб бериш ва харид қилиш шартномаларини ўз вақтида ва тўғри тузиш;
- ҳисоб-китоб-тўлов ҳужжатларини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш;
- маҳсулот етказиб бериш ва сотишни вақтида ҳисоб-китоб қилиб бориш;
- маҳсулот етказиб берувчилар ва харидор корxonаларининг молиявий аҳволини ўрганиш натижасида тегишли шартномаларни тузиш;

- Маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш;
- маҳсулот етказиб берувчилар (асосан турфирмалар) ва харидорлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш;

- корхона бухгалтерлари, иқтисодчилари ва молиявий хизматларни кўрсатувчи ходимларининг малакасини мунтазам равишда ошириб бориш;

- корхоналарнинг молиявий аҳволини ўз вақтида таҳлил қилиш ҳамда уларнинг натижаларини менежерларга тақдим этиш.

Ҳар бир корхона раҳбари дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолати фақат шу корxonанинг эмас, балки унга ҳамкор корхоналарнинг ва умуман бутун республика иқтисодиётининг молиявий аҳволига таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири эканлигини доимо назарда тутиши керак.

### **9.13. Корхоналарда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлил қилиш йўллари.**

Корхоналарда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлил қилишда алоҳида дебиторлик ва алоҳида кредиторлик қарзларининг мутлақ ва нисбий фарқини аниқлаш лозим бўлади. Бунинг учун уларнинг таркибига аниқлик киритиш лозим бўлади. Дебиторлик қарзлар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- харидорлар ва буюрт-мачилар билан ҳисоб-китоблар;
- бюджет билан ҳисоб-китоблар;
- ходимлар билан ҳисоб-китоблар;
- 4• бошқа дебиторлар;
- улар таркибида муддати ўтган дебиторлар.

Мос равишда кредиторлик қарзларга қуйидагилар киради:

- маҳсулот етказиб берувчилар;
- бюджетга қарз ;
- бошқа кредиторлар;
- шу жумладан:

муддати ўтган кредиторлар;

- бир йилдаги соф сотилган маҳсулот;
- тайёр маҳсулотнинг чиқиб кетиши.

Корхоналарда дебиторлик ва кредиторлик қарзларни таҳлил қилиш ва уларнинг ҳолатига тўлиқ баҳо бериш учун улардан ташқари яна қуйидаги кўрсаткичлар ҳам зарур бўлади. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- баланснинг умумий суммаси;
- баланс актив қисми 1-бўлим суммаси, яъни асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активлар;
- баланс актив қисми 2-бўлим суммаси, яъни айланма маблағлар ёки жорий активлар суммаси;
- баланс пассив қисми 1-бўлим суммаси, яъни ўз маблағлари суммаси;
- баланс пассив қисми 2-бўлим суммаси, яъни мажбуриятлар суммаси;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган хизматларнинг умумий сотилган қиймати.

Корхоналарда дебиторлик ва кредиторлик қарзларни таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади

**Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини фойдаловчи  
кўрсаткичлар ва уларни аниқлашнинг жамланган жадвали**

<b>Т/р</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Аниқланиш йўллари</b>
1.	Сармойни имобилизациялаш коэффициенти? (Кис)	Дек / Б
2.	Айланма маблағларни имобилизациялаш коэффициенти қандай аниқланади? (Кимайм)	Дек / Айм
3.	Ўз маблағини имобилизациялаш коэффициенти қандай аниқланади? (Кўзим)	Дек / Ўз
4.	Жалб этилган маблағлар коэффициенти қандай аниқланади? (Кжэм)	Мажбуриятлар / Б
5.	Кредиторлик ва дебиторлик қарзлари нисбатининг коэффициенти қандай аниқланади? (Ккрдт)	Крк / Дек
6.	Муддати ўтган дебиторлик қарзининг коэффициенти қандай аниқланади? (Кмўдк)	Мўдк / Дек
7.	Муддати ўтган кредиторлик қарзининг коэффициенти қандай аниқланади? (Кмукк)	Мўкк / Крк

**Асосий тушунчалар таърифлари**

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлардан фойдаланиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари умумий сўммаси, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг тузилиши, сармойни имобилизациялаш коэффициенти, айланма маблағларни имобилизациялаш коэффициенти, ўз маблағини имобилизациялаш коэффициенти, жалб этилган маблағлар коэффициенти, кредиторлик ва дебиторлик қарзлари нисбатининг коэффициенти, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари нисбатининг коэффициенти, муддати ўтган дебиторлик қарзи коэффициенти, муддати ўтган кредиторлик қарзи коэффициенти, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш ва корхонанинг молиявий аҳволини яхшилашнинг асосий йўналишлари, корхоналарда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлил қилиш йўллари.



### Такрорлаш учун саволлар

1. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади.
2. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари умумий сўммаси қандай аниқланади.
3. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг тузилиши қандай.
4. Сармойни иммобилизациялаш коэффиценти қандай аниқланади.
5. Айланма маблағларни иммобилизациялаш коэффиценти қандай аниқланади.
6. Ўз маблағини иммобилизациялаш коэффиценти қандай аниқланади.
7. Муддати ўтган кредиторлик қарзи коэффиценти қандай аниқланади.

### Тест

1. Дебиторлик қарзлари деб нимага айтилади.  
А) олинадиган ресурс  
Б) тўланадиган ресурс  
С) корхона даромади  
Д) корхона харажати
2. Кредиторлик қарзлари деб нимага айтилади.  
А) олинадиган ресурс  
Б) тўланадиган ресурс  
С) корхона даромади  
Д) корхона харажати
3. Дебиторлик қарзлари муддатига кўра нечига бўлинади.  
А) 2  
Б) 3  
С) 4  
Д) 5
4. Кредиторлик қарзлари муддатига кўра нечига бўлинади.  
А) 2

Б) 3

С) 4

Д) 5

5. Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари бу.

А) бир йилгача бўлган

Б) бир йилдан уч йилгача бўлган

С) уч йилдан беш йилгача бўлган

Д) беш йилдан узоқ бўлган

6. Қисқа муддатли дебиторлик қарзлари бу.

А) бир йилгача бўлган

Б) бир йилдан уч йилгача бўлган

С) уч йилдан беш йилгача бўлган

Д) беш йилдан узоқ бўлган

7. Узоқ муддатли кредиторлик қарзлари бу.

А) бир йилгача бўлган

Б) бир йилдан уч йилгача бўлган

С) уч йилдан беш йилгача бўлган

Д) беш йилдан узоқ бўлган

8. Қисқа муддатли кредиторлик қарзлари бу.

А) бир йилгача бўлган

Б) бир йилдан уч йилгача бўлган

С) уч йилдан беш йилгача бўлган

Д) беш йилдан узоқ бўлган

9. Дебиторлик қарзларининг даво муддати қанча.

А) 2 йил

Б) 3 йил

С) 4 йил

Д) 5 йил

10. Солиқлар бўйича кредиторлик қарзларининг даво муддати қанча.

А) 2 йил

Б) 3 йил

С) 4 йил

Д) 5 йил

## **Х БОБ. КОРХОНА МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ УМУМЛАШГАН ТАРЗДА БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ.**

### **10.1. Молиявий ҳолатни таҳлил қилишнинг вазифалари.**

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий категорияларнинг иқтисодий моҳияти ва мазмунини билиш, уларни бошқара олиш ҳар бир раҳбар ва мутахассислар учун ўта муҳимдир. Ҳозирги шароитда амалдаги энг муҳим иқтисодий категориялардан бири молиядир. Молияга, одатда, пул айланиши жараёнида пул захираларининг шаклланиши ва улардан фойдаланишни ифодаловчи пул муносабатлари тизимидир, деб қаралади. Ҳар қандай давлатда молиявий тизим амалда бўлиб, у ўзаро таркибий боғланган икки кичик тизимни: умумдавлат маблағлари ва хўжалик юритувчи субъектлари маблағлари, яъни корхоналар, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта компаниялари ва бошқаларнинг маблағларини қамраб олади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари учта муҳим вазифани бажаради:

- \* пул захираларини (даромадларини) шакллантириш;
- \* бу захиралардан фойдаланиш;
- \* уларни шакллантириш ва ишлатишни назорат қилиш.

Корхона молиявий ресурсларини тўғри ва моҳирона бошқариш учун биринчи навбатда, корхонанинг молиявий аҳволи ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги аниқланиши ва таҳлил қилиниши лозим бўлади. Корхонанинг молиявий аҳволи деганда молиявий ресурсларнинг турлари бўйича мавжудлигини, рақобатбардошлик даражасини, давлат ва бошқа хўжалик субъектлари олдидаги мажбуриятларини бажариш қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар каби муҳим жиҳатлар мажмуаси тушунилади.

Корхона молиявий аҳволини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади. Буларга

иқтисодий ва молиявий салоҳият, иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлик мулкӣ ҳолат;

ликвидлилик; молиявий барқарорлик;

молиявий натижалар;

иш ва бозор фаоллиги самарадорлик каби кўрсаткичлар киради.

Корхона молиявий аҳволини таҳлил қилишнинг асосий вазифаси қуйидаги категория ва кўрсаткичларни баҳолаш ҳисобланади:

\* бухгалтерия баланси ва мулкӣ ҳолат кўрсаткичлари тузилмаси;

\* иқтисодий ва молиявий салоҳият аҳволи, таъминланганлик ва фойдаланиш самарадорлиги;

\* асосий ва айланма маблағлар аҳволи, таъминланганлик ва фойдаланиш самарадорлиги;

\* иқтисодий ва молиявий барқарорлик ва мустаҳкамлик;

\* ликвидлилик ва тўлов қобилияти;

\* хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари;

\* иш ва бозор фаоллиги;

\* банкротлик ҳолати.

Бозор шароитида ҳар бир раҳбар иқтисодиётнинг асосий жиҳатлари моҳияти ва мазмунини, уларни тавсифловчи кўрсаткичларни аниқлаш ҳамда бошқаришни яхши билиши даркор. Асосий иқтисодий жиҳатларнинг бири маблағлар обороти жараёнида пул фондлари шаклланиши ва сарфланишини кўрсатувчи пул муносабатлари тизими бўлмиш молия ҳисобланади. Корхонанинг молиявий ҳолати турлар бўйича молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражаси, рақобатбардошлик даражаси, молиявий барқарорлик, давлат ва бошқа хўжалик субъектлари олдидаги мажбуриятларини бажаришга қодирлигини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуини ўз ичига олади. Айнан ушбу кўрсаткичлар таҳлил объекти ҳисобланади. Молиявий ҳисоботни имзолашдан аввал раҳбар унинг туғри тузилганлигига амин бўлибгина қолмай, бу

ҳужжатлардан корхона молиявий ҳолатини аниқлаш мақсадида фойдаланиши керак. Корхонанинг молиявий ҳолати дастлаб молиявий ҳисобот билан ташқи танишиб чиқиш асосида сўнг бухгалтерия баланси моддаларини таҳлил қилиш асосида тўлиқ баҳоланиши мумкин.

## **10.2. Корхонанинг молиявий ҳолатини дастлабки баҳолаш.**

Дастлабки баҳолашдан келиб чиқиб корхона раҳбари:

- хўжалик мабларлари умумий сўммаси ва унинг йил давомида ўзгарганлиги;
- ўз ва қарз маблағлар манбалари сўммаси, уларнинг йил давомида ўзгарганлиги ва ўзаро нисбати;
- ўз маблағлари манбалари сўммасининг оборотдан ташқари (узоқ муддатли) активлар сўммасига нисбати;
- корхона мажбуриятлари (қарздорлиги) сўммасининг оборот активлари сўммасига нисбати;
- захиралар ва харажатларнинг йил давомида ўзгариши;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари мавжудлиги ҳамда уларнинг йил давомида ўзгаришини аниқлаши мумкин.

Хўжалик маблағлари умумий сўммаси бухгалтерия баланси маълумотлари асосида аниқланади. «Турон» ОТАЖ буйича мисолимизда у 29537 минг сўмни ташкил этади ва йил давомида 2390 минг сўмга кўпайди (29537 минг сўм - 27147 минг сўм). Ўз (баланс пассиви 1-бўлими якуни) ва қарз (баланс пассиви 2-бўлими якуни) маблағлари хўжалик маблағлари манбалари бўлиши мумкин. Таҳлил қилинаётган йил охирига келиб корхонанинг ўз маблағлари 21703 минг сўмни ташкил этди ҳамда у йил давомида 18 минг сўмга (21703 минг сўм - 19882 минг сўм) ошди. Бухгалтерия балансидан кўришиб турибдики, маблағларни ташкил этиш манбаларининг асосий қисмини айнан ўз маблағлари ташкил этди. Бу мазкур корхонанинг молиявий барқарор эканлигини билдиради. Ўз маблағлари таркибида 13211

минг сўми устав сармоясидир. Бунинг улуши энг юқори. Корхона раҳбари бухгалтерия балансини таҳлил қилганда, энг аввало, устав сармоясининг ўтган йилга нисбатан қанча ўзгарганлигига эътибор қаратиши лозим. Ўз маблағлари сўммаси, одатда, узок муддатли активлар (баланс активи 1-бўлими якуни) ва мажбуриятлар (баланс пассиви 2-бўлим якуни) сўммасидан ортиқ бўлиши даркор. Ўз маблағларнинг узок, муддатли активлардан ортиқ бўлган сўммаси мажбуриятларнинг бир қисмини қоплашга йўналтирилган бўлади. «Турон» ОТАЖда йил охирида ўз маблағлари манбалари узок муддатли активлардан 8732 минг сўмга (21703 минг сўм - 12971 минг сўм) ҳамда қарз мажбуриятларидан 13869 минг сўмга (21703 минг сўм 7834 минг сўм) ортиқдир. Агар ўз маблағлари манбалари узок муддатли активлардан кам бўлса, бу оборот мабларлари тўлиқ мажбуриятлар ҳисобига шаклланганлигидан далолат беради ҳамда корхонанинг тўловга қодир эмаслиги ва унинг молиявий ҳолатининг ёмонлигини кўрсатади. Қарз маблағларида кредиторлик қарздорлигига эътибор қаратиш лозим. Мисолимизда кредиторлик қарздорлик ҳисобот даврида 2511 минг сўмни ташкил этган ҳамда 482 минг сўмга кўпайган (2511 минг сўм - 2244 минг сўм). Қарз маблағлари («Турон» ОТАЖнинг таҳлил даври йил охиридаги мажбуриятлари) 7834 минг сўм (баланс пассиви 2-бўлими якуни) бўлган ва йил давомида 664 минг сўмга ошган (7834 минг сўм - 7170 минг сўм), бироқ улар сўммаси ўз маблағлари сўммасидан 13869 минг сўмга камлигича қолган (21703 минг сўм - 7834 минг сўм). Бу оддий ҳол бўлиб, манбаларда корхонанинг ўз маблағлари устунлик қилишидан далолат беради. Агар қарз маблағлари ўз маблағлардан кўп бўлганида қисқа муддатли қарздорлик узок муддатли активларни харид қилишга сарфланганлиги ҳамда оборот активларини тўлиқ қоплашини акс эттирарди. Бундай вазият мақбул бўлмай, корхонанинг тўловга қобил эмаслиги ва молиявий барқарор бўлмаганлигини кўрсатади. «Дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳақида маълумотнома» (2-шакл)

асосида муддати ўтган кредиторлик қарзлар мавжудлиги аниқланади.

Корхона раҳбари бунинг сабабларини аниқлаши зарур. Бундан ташқари, у бухгалтерия баланси активида:

- \* асосий маблағлар дастлабки қиймати ва эскириши;

- \* ишлаб чиқариш захиралари, тугатилмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот сўммаси;

- \* оборот активлари сўммаси;

- \* дебиторлик қарздорлиги ва айниқса унинг муддати узайтирилган қисми миқдоридаги ўзгаришларнинг рўй берганлиги каби ҳолатларга диққатини қаратиши керак.

Баланс активи 1-«Узоқ муддатли активлар» бўлимида асосий воситалар энг кўп сўммани ташкил этади. Балансда уларнинг дастлабки қиймати, эскириши ва қолдиқ қиймати кўрсатилади. Балансни кўриб чиқаётганда эскириш сўммаси ва унинг қолдиқ қийматига эътибор қаратиш даркор. Эскириш сўммасининг дастлабки қийматга нисбати асосий воситалар эскириши даражасини, қолдиқ қийматнинг дастлабки қийматга нисбати эса - улар яроқлилигини акс эттиради. Эскириш даражасининг ошиб кетиши корхона асосий воситалари жисмонан ҳам эскирганлигини кўрсатади. Корхона маҳсулот турлари ва сифати бўйича рақобатбардошли бўлиши учун ишлаб чиқариш жиҳозларини вақти-вақти билан янгилаб туриш, янги технологияларни жорий қилиш керак. Мисолимизда, асосий воситалар дастлабки қиймат бўйича ҳисобот йилида 1143 минг сўмга кўпайган ва 15247 минг сўмни ташкил этган. Бироқ, қолдиқ қиймати атиги 674 минг сўмга ошган. Бу асосий воситаларнинг эскириш даражаси кескин ошиб кетганлиги оқибатидир. Эскириш коэффициенти 0,36 ни ташкил этади, яъни асосий воситаларнинг 36 фоизи таъмирланиши ёки янгилааниши лозим. Бухгалтерия балансини кўриб чиқар экан, раҳбар ишлаб чиқариш захиралари, тугатилмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот мавжудлигига эътибор бериши керак. Бу маблағлар гуруҳини «Захиралар ва харажатлар» ёки «Товар-моддий харажатлар»

(ТМХ) деб номлаш қабул қилинган. Уларнинг кўпайиши бирор даражада оборот маблағлари иммобилизацияси, яъни маблағларни қийин амалга ошириладиган активларга жалб қилинишига олиб келади. Ишлаб чиқариш заҳираларининг кескин ошиб кетиши эҳтиёждан ортиқ хом ашё харид қилиниши ёки ишлаб чиқариш ҳажми камайганлиги оқибати бўлиши мумкин. Тугатилмаган ишлаб чиқаришнинг кўпайиши тайёрланаётган маҳсулотнинг камлигига, тайёр маҳсулот кўпайиб кетиши эса уларни сотишда қийинчиликларга олиб келиш эҳтимоли бор. «Турон» ОТАЖ бухгалтерия балансида ҳисобот даврида заҳиралар ва харажатлар сўммаси 1111 минг сўмга (12631 минг сўм - 11520 минг сўм) ошиб кетди ҳамда у 12631 минг сўмни ташкил этди. Оборот маблағлари ушбу гуруҳида йил давомида тайёр маҳсулот энг кўп - 2478 минг сўмга (4089 минг сўм - 1611 минг сўм) ошган. Бу ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг катта қисми сифатсизлиги ва рақобатга бардош бера олмаслиги оқибатида яхши сотилмаётганлиги билан изоҳланади. Бухгалтерия балансини кўриб чиқишда дебиторлик қарздорлиги ўзгаришига ҳам катта аҳамият бериш лозим. Чунки бу масала энг муҳим масалалардан биридир. Дебиторлик қарздорлигининг катта сўммада шаклланиши корхона маблағларининг иммобилизацияси, оборотдан чиқиб кетишига олиб келади. 2-а шакл асосида аниқланадиган муддати узайтирилган дебиторлик қарздорлиги айниқса салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. «Турон» ОТАЖда ҳисобот йили охиридаги дебиторлик қарздорлиги 3631 минг сўмни ташкил этди ҳамда йил давомида у 1382 минг сўмга (3631 минг сўм - 2249 минг сўм) кўпайди. Муддати ўзайтирилган қарздорлик эса - 2382 минг сўм бўлиб, у йил давомида 532 минг сўмга (2382 минг сўм - 1850 минг сўм) ошган. Корхона раҳбари бундай ҳолат сабабларини аниқлаши ва тегишли жойларда буни тушунтириб беришга тайёр бўлиши лозим. Шу тариқа, раҳбар бухгалтерия балансини кўриб чиқаётганида корхонанинг қуйидагиларни тавсифловчи манбалари ва маблағлари мавжудлигини назарда тутиш даркор:



\* хўжалик фаолиятини яхшилаш (умумий сармоя ўсиши; ўз маблағлари манбалари; оборот маблағлари сўммаси ва улуши ошганлиги; дебиторлик ва кредиторлик қарзлари камайганлиги);

\* корхона молиявий ҳолати ёмонлашганлиги (хўжалик маблағлари умумий сўммасида мажбуриятлар улуши ўсганлиги;

\* дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, айниқса, муддати утган қисмининг кўпайганлиги; захиралар ва харажатларда маблағлар сўммаси ва улуши, асосий воситалар эскириши даражаси ошганлиги).

Корхонанинг молиявий ҳолати ҳақида янада тўлиқ маълумотлар олиш учун уларнинг тўлиқ таҳлилини утказиш мақсадга мувофиқ. Бу иш иқтисодчи ёки бош бухгалтерга топширилиши мумкин. Таҳлил материаллари раҳбарнинг бошқарув қарорларини қабул қилиши учун осон қилиб тузилиши лозим. Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолаш мулкрий ҳолати, ликвидлилиги, молиявий барқарорлиги, молиявий натижаларини тавсифловчи кўрсаткичлар бўйича амалга оширилади. Корхонанинг иш фаоллиги молиявий ҳолатига катта таъсир кўрсатади. Молиявий ҳолат ўз навбатида корхонанинг бозор фаоллигига ҳам таъсир кўрсатади. Таҳлилнинг дастлабки баҳолаш ҳолатида шу масалаларга ҳам алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Корхона молиявий ҳолатини бухгалтерия баланси маълумотларига асосан дастлабки баҳолаш ҳисобот даври охиридаги баланс моддаларини йил бошидаги маълумотлар билан таққослаш ва фарқларни аниқлаш йўли билан амалга оширилади. Баланснинг муайян моддалари бўйича ўзгаришлар корхона хўжалик фаолияти натижасида содир бўлиши мумкин.

### **10.3. Корхона молиявий ҳолатини тўлиқ баҳолаш.**

Баланс умумий сўммаси корхонанинг муайян бўлим ва моддаларда тақсимланган барча маблағларни акс эттиради. Баланс алоҳида моддалари ва бўлимлари сўммаларининг умумий якунга нисбати уларнинг баланс сўммасидаги улушини ташкил

қилади. Моддаларнинг муайян санадаги улушлари баланснинг таркибий тузилмаси дейилади. У корхона хўжалик фаолияти тузилиши ҳамда амалга оширилган ишларга боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, савдони олсак, баланс активида товар захиралари, саноатда эса асосий воситалар, ишлаб чиқариш захиралари ва харажатлар муҳим ўрин тутиши мумкин. Бозор муносабатлари шартларида олинган кредитлар учун фоизлар юқори бўлганлиги сабабли, баланс пассивидаги манбаларда ўз маблағлар устунлик қилиши керак. Балансни таҳлил қилишда унинг тузилмаси аниқланади, хўжалик фаолияти натижасида маблағлар таркиби ва улар манбаларида рўй берган ўзгаришлар ўрганилади, маблағлар қанчалик туғри жойлаштирилганлиги изоҳланади ва корхона молиявий ҳолати олдиндан баҳоланади. Хусусан, баланс тузилмаси таҳлил қилинаётганда оборотдан ташқари (узоқ муддатли) ва обёрот активлари, ўз ва жалб қилинган маблағлар манбалари ўртасидаги нисбат аниқланади, дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ўзгарганлиги, узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредит ва қарзлардан фойдаланиш самарадорлиги кўриб чиқилади, бу ўзгаришларга баҳо берилади. Корхона молиявий ҳолатини баҳолашда маблағлар сўммаси ва улар турлари бўйича манбалари мулквий ҳолати таҳлил қилиниши шарт. Уларга қуйидагилар киради:

\* Сармоянинг умумий ҳажми (Сар.) - корхона ихтиёридаги хўжалик маблағлари сўммаси. У бухгалтерия баланси - нетто якунига тенгдир: Сар. = 1-ш., 310 ёки 550-сатр

\* Ўз маблағлари (сармояси) (УС) - корхонанинг муайян санадаги ўз маблағлари, улар баланс пассиви 1-бўлими якуни бўйича аниқланади: УС = 1П.

\* Оборотдаги ўз маблағлар (ОУМ) - оборотда бўлган ўз маблағлари ҳажми.

Улар ўз сармоясига (УС) узоқ муддатли мажбуриятларни (УМ) қўшиш ҳамда асосий воситалар ва оборотдан ташқари активлар (актив 1-бўлими) сўммасини (IA) айириш орқали аниқланади:

$$\text{ОУМ} = \text{УС} + \text{УМ} - \text{ІА}.$$

Бу кўрсаткични мобил (жорий) активлар (ЖА) ва жорий мажбуриятлар (ЖМ) орасидаги фарқ сифатида ҳам аниқлаш мумкин:

$$\text{ОУМ} = \text{ЖА} - \text{ЖМ} = \text{2А} - (\text{2П} - \text{УМ}).$$

\* Ҳаракатдаги маблағлар (сармоя) (ҲС) - оборотда мунтазам қатнашадиган ўз оборот маблағлари ҳажми. Ўз оборот маблағлари, шунингдек муддати ўзайтирилган дебиторлик қарздорликда ҳам бўлади, у оборотда узоқ вақт иштирок этмай, у иммобиллашган (яъни бошқа нарсага жалб этилган) бўлади. Шунинг учун ҲСни аниқлаш учун ОЎМдан 2а-«Дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик ҳақида ахборот» шаклида акс этган муддати ўтган дебиторлик қарздорлигини (МУДК) чегириб ташлаш керак:

$$\text{ҲС} = \text{ОЎМ} - \text{МУДК}$$

\* Жалб қилинган маблағлар (сармоя) (ЖС) - узоқ муддатли (УМ) ва жорий мажбуриятлар (ЖМ) йиғиндисидир, у корхонанинг ҳозирги пайтдаги қарзлари миқдорини кўрсатади ва у баланс пассиви 2-бўлими якунига тенгдир (2П):

$$\text{ЖС} = \text{УМ} + \text{ЖМ} = \text{2П}.$$

\* Жорий активлар (ЖА) («Мобил активлар», «Оборот маблағлари» деб ҳам аталади) - захира, харажат, пул маблағлари ҳамда дебиторлик қарздорлигида бўлган маблағларни акс эттиради, яъни у баланс активи 2-бўлими якунига тенгдир:

$$\text{ЖА} = \text{2А}.$$

Уларни асосий воситалар ва бошқа оборотдан ташқари активлардан фарқли равишда қарздорлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун тез қайтариб олиш мумкин бўлганлиги сабабли мобил актив дейилади.

\* Жорий ёки қисқа муддатли мажбуриятлар (ЖМ) - йил мобайнида тўланиши зарур бўлган қарздорлик. Унга қисқа муддатли қарзлар, кредитлар, олинган бунақлар киритилади. Бу сўммани аниқлаш учун баланс пассиви 2-бўлими якунидан (2П)

узоқ муддатли мажбуриятларни (УМ) чегириб ташлаш керак.  
Унинг формуласи:

$$\mathbf{ЖМ = 2П - УМ.}$$

\* Узоқ муддатли активлар (УМА) (уларни «Иммобиллашган активлар» деб номлаш қабул қилинган) - асосий воситалар ва бошқа оборотдан ташқари активлар йиғиндисибўлиб, улар оборот маблағлари (мобил активлар)дан фарқли равишда секинроқ айланади ва баланс активи 1-бўлими якуни бўйича аниқланади.  
Унинг формуласи қуйидагичадир:

$$\mathbf{УМА = 1А.}$$

\* Узоқ муддатли мажбуриятлар (УМ) - бу узоқ вақт фойдаланишга мўлжаллаб олинган кредит ва қарзлар. Улар баланс пассиви 2-бўлимида кўрсатилади (400 ва 410-сатрлар):  
 $УМ = 1\text{-ш.}, 400\text{-сатр} + 410\text{-сатр.}$

• Ишлаб чиқариш захиралари ва харажатлари (ИЗХ) - ишлаб чиқариш захиралари ва харажатларида бўлган оборот маблағлари. Тез ликвидли активлардан фарқли равишда улар кўпроқ муомалада бўлади ва жорий мажбуриятларни қоплаш учун дарҳол қайтариб олинмайди:

$$\mathbf{ИЗХ = Ишл.зах. + Тугат. Ишл. + Тай.мах. + Товар + +}$$

**Бўлажак давр хар.**

• Тез ликвидли активлар (ТЛА) - яқин вақт ичида қисқа муддатли мажбуриятларни қоплашга йўналтирилган маблағлардир. Уларга пул маблағлари ва дебиторлик қарздорлиги ва муддати утган қарздорлик айирмаси киритилади:

$$\mathbf{ТЛА = Пул маб. + (ДҚ - МУҚ).}$$

Корхона мулкый ҳолати кўрсаткичлари асосида унинг сифат ўзгаришлари, хўжалик маблағлари тузилмаси ҳамда улар манбалари ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Баланс активи асосида ОТАЖ мулкый ҳолатини таҳлил қилишда мазкур изоҳловчи кўрсаткичлар ҳисоб-китоб қилинган. Уларнинг йил мобайнидаги ва қатор йиллар ичидаги ўзгаришлари аниқланган. Буларнинг барчаси ҳамда муддати узайтирилган дебиторлик қарздорлиги бўйича катта сўмманинг мавжудлиги хўжалик

маблағлари тузилмасининг ёмонлашганлигидан ва уларнинг ОТАЖ молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатганлигидан далолат беради. Таҳлил қилинган томонлардан ташқари хўжалик маблағлари тузилмаси кўп жиҳатдан корxonанинг фаолият соҳаси, ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Бироқ мулкӣ ҳолатни кўриб чиқиш корхона молиявий ҳолати асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

### **Асосий тушунчалар таърифлари**

Молиявий ҳолатни таҳлил қилишнинг вазифалари, корxonанинг молиявий ҳолатини дастлабки баҳолаш, корхона молиявий ҳолатини тўлиқ баҳолаш, сармоянинг умумий ҳажми, ўз маблағлари (сармояси), оборотдаги ўз маблағлари, ҳаракатдаги маблағлар (сармоя), жалб қилинган маблағлар (сармоя), жорий активлар (ЖА), жорий ёки қисқа муддатли мажбуриятлар.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Молиявий ҳолатни таҳлил қилишнинг вазифалари нималардан иборат.
2. Корxonанинг молиявий ҳолатини дастлабки баҳолаш қандай амалга оширилади.
3. Корхона молиявий ҳолатини тўлиқ баҳолаш қандай амалга оширилади.
4. Сармоянинг умумий ҳажми қандай аниқланади.

### **Тест**

1. Сармоянинг умумий ҳажми (Сар.) бу ...  
А) корхона ихтиёридаги хўжалик маблағлари сўммаси  
Б) корxonанинг муайян санадаги ўз маблағлари  
С) оборотда бўлган ўз маблағлари ҳажми  
Д) оборотда мунтазам қатнашадиган ўз оборот маблағлари ҳажми
2. Ўз маблағлари (сармояси) (УС) ...

- А) корхона ихтиёридаги хўжалик маблағлари сўммаси
- Б) корхонанинг муайян санадаги ўз маблағлари
- С) оборотда бўлган ўз маблағлари ҳажми
- Д) оборотда мунтазам қатнашадиган ўз оборот маблағлари

ҳажми

**3. Оборотдаги ўз маблағлар (ОУМ) ...**

- А) корхона ихтиёридаги хўжалик маблағлари сўммаси
- Б) корхонанинг муайян санадаги ўз маблағлари
- С) оборотда бўлган ўз маблағлари ҳажми
- Д) оборотда мунтазам қатнашадиган ўз оборот маблағлари

ҳажми

**4. Ҳаракатдаги маблағлар (сармоя) (ҲС) ...**

- А) корхона ихтиёридаги хўжалик маблағлари сўммаси
- Б) корхонанинг муайян санадаги ўз маблағлари
- С) оборотда бўлган ўз маблағлари ҳажми
- Д) оборотда мунтазам қатнашадиган ўз оборот маблағлари

ҳажми

**5. Жалб қилинган маблағлар (сармоя) (ЖС) ...**

А) узоқ муддатли (УМ) ва жорий мажбуриятлар (ЖМ) йиғиндисидир, у корхонанинг ҳозирги пайтдаги қарзлари миқдорини кўрсатади ва у баланс пассиви 2-бўлими якунига тенгдир (2П)

Б) захира, харажат, пул маблағлари ҳамда дебиторлик қарздорлигида бўлган маблағларни акс эттиради, яъни у баланс активи 2-бўлими якунига тенгдир

С) йил мобайнида тўланиши зарур бўлган қарздорлик.

Д) асосий воситалар ва бошқа оборотдан ташқари активлар йиғиндисибўлиб, улар оборот маблағлари (мобил активлар)дан фарқли равишда секинроқ айланади ва баланс активи 1-бўлими якуни бўйича аниқланади

**6. Жорий активлар (ЖА) ...**

А) узоқ муддатли (УМ) ва жорий мажбуриятлар (ЖМ) йиғиндисидир, у корхонанинг ҳозирги пайтдаги қарзлари

миқдорини кўрсатади ва у баланс пассиви 2-бўлими якунига тенгдир (2П)

Б) захира, харажат, пул маблағлари ҳамда дебиторлик қарздорлигида бўлган маблағларни акс эттиради, яъни у баланс активи 2-бўлими якунига тенгдир

С) йил мобайнида тўланиши зарур бўлган қарздорлик.

Д) асосий воситалар ва бошқа оборотдан ташқари активлар йиғиндисибўлиб, улар оборот маблағлари (мобил активлар)дан фарқли равишда секинроқ айланади ва баланс активи 1-бўлими якуни бўйича аниқланади

**7. Жорий ёки қисқа муддатли мажбуриятлар (ЖМ) ...**

А) узок муддатли (УМ) ва жорий мажбуриятлар (ЖМ) йиғиндисидир, у корхонанинг ҳозирги пайтдаги қарзлари миқдорини кўрсатади ва у баланс пассиви 2-бўлими якунига тенгдир (2П)

Б) захира, харажат, пул маблағлари ҳамда дебиторлик қарздорлигида бўлган маблағларни акс эттиради, яъни у баланс активи 2-бўлими якунига тенгдир

С) йил мобайнида тўланиши зарур бўлган қарздорлик.

Д) асосий воситалар ва бошқа оборотдан ташқари активлар йиғиндисибўлиб, улар оборот маблағлари (мобил активлар)дан фарқли равишда секинроқ айланади ва баланс активи 1-бўлими якуни бўйича аниқланади

**8. Узок муддатли активлар (УМА) ...**

А) узок муддатли (УМ) ва жорий мажбуриятлар (ЖМ) йиғиндисидир, у корхонанинг ҳозирги пайтдаги қарзлари миқдорини кўрсатади ва у баланс пассиви 2-бўлими якунига тенгдир (2П)

Б) захира, харажат, пул маблағлари ҳамда дебиторлик қарздорлигида бўлган маблағларни акс эттиради, яъни у баланс активи 2-бўлими якунига тенгдир

С) йил мобайнида тўланиши зарур бўлган қарздорлик.

Д) асосий воситалар ва бошқа оборотдан ташқари активлар йиғиндисибўлиб, улар оборот маблағлари (мобил активлар)дан

фарқли равишда секинроқ айланади ва баланс активи 1-бўлими яқуни бўйича аниқланади

**9.** Ишлаб чиқариш захиралари ва харажатлари (ИЗХ) ...

А) ишлаб чиқариш захиралари ва харажатларида бўлган оборот маблағлари

Б) захира, харажат, пул маблағлари ҳамда дебиторлик қарздорлигида бўлган маблағларни акс эттиради, яъни у баланс активи 2-бўлими яқунига тенгдир

С) йил мобайнида тўланиши зарур бўлган қарздорлик.

Д) асосий воситалар ва бошқа оборотдан ташқари активлар йиғиндисибўлиб, улар оборот маблағлари (мобил активлар)дан фарқли равишда секинроқ айланади ва баланс активи 1-бўлими яқуни бўйича аниқланади

**10.** Тез ликвидли активлар (ТЛА) ...

А) ишлаб чиқариш захиралари ва харажатларида бўлган оборот маблағлари

Б) яқин вақт ичида қисқа муддатли мажбуриятларни қоплашга йўналтириладиган маблағлардир.

С) йил мобайнида тўланиши зарур бўлган қарздорлик.

Д) асосий воситалар ва бошқа оборотдан ташқари активлар йиғиндисибўлиб, улар оборот маблағлари (мобил активлар)дан фарқли равишда секинроқ айланади ва баланс активи 1-бўлими яқуни бўйича аниқланади



## **XI БОБ. КОРХОНА ЛИКВИДЛИЛИГИ: МАЗМУНИ, УЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ.**

### **11.1. Ликвидлик тушунчаси ва уларнинг таърифи.**

Ҳар қандай соҳа корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири, унинг ликвидлиги билан боғлиқ кўрсаткичлардир. Ликвидлик деганда, корхонанинг барча мажбуриятларини тўловга қодирлиги тушунилади. Демак, корхонанинг оборот активлари, унинг мажбуриятларини қоплайдиган даражада бўлиши керак. Активлар ликвидлиги деганда, корхона активларининг пулга айланиш жараёни тушунилади. Бунининг даражаси вақт билан ўлчанади. Активлар қанча тез пулга айланса шунча у ликвидли ҳисобланади ва аксинча. Корхонанинг ликвидлиги деганда, унинг барча мажбуриятларини ўз вақтида қоплай олиш қобилияти (имконияти) тушунилади. Корхона ўз мажбуриятларини қанча тез ва ўз вақтида қоплай олса, бундай корхоналар кенг имкониятли корхоналар бўлиб ҳисобланади. Бу бир қанча омилларга боғлиқ:

- активлар таркибига, яъни асосий воситаларга нисбатан айланма маблағларининг кўплигига;
- айланма маблағлар таркибида тез ликвид бўладиган маблағлар улушининг кўплигига;
- айланма маблағларнинг айланиш тезлилига;
- айланма маблағларнинг пулга айланиш муддатига;
- корхона мажбуриятларининг ҳажми ва муддатига.

Корхона баланси ликвидлиги деганда, узоқ муддатли активлар манбаларининг оборот активларини қоплаш даражаси тушунилади. Бунда ўз маблағларининг жойланиш таркибига аҳамият берилади, яъни унинг қанча қисми ўзоқ муддатли активларни ва қанча қисми жорий активларни қоплашга кетганлиги билан ўлчанади. Корхонанинг тўловга қобилиятлилиқ даражаси деганда, барча мажбуриятларини (кредит берган ташкилотлар, савдо билан боғлиқ қарзлар, бюджет, ходимлар олдидаги қарзлар кабиларни) ўз вақтида тўлиқ тўлай ва қоплай

олиш қобилияти тушунилади. Корхонанинг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таҳлил қилиш қуйидаги имкониятларни яратади:

- корхонанинг жорий мажбуриятларини ўз вақтида жорий активлар билан қоплай олиш;
- корхонанинг муддатли мажбуриятларини қоплаш учун шу муддат ичида тўлай оладиган ликвид маблағларнинг мавжудлигини баҳолаш;
- нақд пул маблағларининг етарлилик даражасини аниқлаш;
- корхоналарнинг тўловга қодирлик даражасига баҳо бериш кабилар.

Хулоса қилиб айтганда, ликвидлилик корхонанинг ўз жорий (айланма) активлари ҳисобидан қисқа муддатли (жорий) мажбуриятларини бажариш қобилиятини кўрсатади. Корхонанинг мол-мулкини нақд пулга айлантириш ҳамда узок муддатли ва қисқа муддатли мажбуриятларини қоплашга сарфлаш мумкин бўлганида баланс активи (пулланадиган) бўлади. Бунда актив моддаларининг хусусияти шундан иборатки, улар йўқ бўлиб кетмайди, балки бир шаклдан иккинчисига ўтади. Масалан, товармоддий бойликларнинг маълум қисми сотилади, дейлик. Бу ҳолда корхонадаги товар моддий бойликлар камаяди. Бироқ ҳисоб-китоб варағидаги, кассадаги ёки валюта ҳисоб счегидаги пул маблағлари шунча сўммага кўпаяди. Баланс якуни ўзгармайди. Чунки товармоддий бойликлари ҳам, пул ҳам корхонанинг маблағлари бўлиб, унинг баланс активида туради. Баланс пассиви моддалари «сўндириладиган» бўлади, чунки улар қарз тўланиши оқибатида «йўқ бўлиб кетиш» қобилиятига эга. «Ликвидлилик» пассивда акс эттириладиган мажбуриятларнинг актив маблағлари ҳисобидан қопланишидир. Масалан, солиқлар бўйича бюджетга қарз узилган. Бу ҳолда бюджетга қарз тўланган ва ҳисобкитоб счегидаги пул маблағлари камайган бўлади. Баланс пассивида ҳам, активида ҳам маблағлар солиққа тўланган сўмма миқдорида камаяди. Яна бир мисол: харидорларга олдинроқ тўланган бўнак эвазига тайёр маҳсулот берилди. Харидорларнинг бўнаклари ҳисобидан қарздорлик «тугатилади»

ва тайёр маҳсулот сўммаси ҳам камаяди. Корхона банкрот бўлганида, шунингдек, корхонанинг маблағлари кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун етарлилигини, яъни у қарзини мавжуд маблағлари ҳисобидан йўқотишга (тўлашга) қодирлигини, унда қисқа муддатли мажбуриятларни бажариш учун назарий жиҳатдан етарли миқдорда айланма маблағлар мавжудлигини аниқлаш зарур бўлган вазиятларда баланснинг ликвидлиги масалалари айниқса жиддий бўлиб қолади. Корхона раҳбари бухгалтерия баланси билан танишиб чиқиб, пасивнинг 2-бўлими сўммалари активнинг 2-бўлими сўммалари билан таққослаш орқали ликвидлилик даражасини аниқлаши мумкин. Агар айланма активлар сўммаси мажбуриятлар сўммасидан ортиқ бўлса, корхона, асосан, ўз кредиторлари билан ҳисоб-китоб қилиш имконига эга бўлади. Лекин корхона бухгалтерия баланси ҳақиқатдан ҳам ликвидлиги, яъни тўловга қобилиятли деб ҳисобланиши учун жорий активлар мажбуриятлардан анча (икки баравардан ортиқроқ) кўп бўлиши керак.

## **11.2. Активларнинг ликвидлик нуқтаи назаридан турлари.**

Жорий мажбуриятларни бажариш учун ликвидлиги айланиш тезлигига, яъни нақд пулга айланиш тезлигига боғлиқ бўлган турли активлардан фойдаланиш мумкин. Корхона активлари ликвидлилик даражасига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади: Ликвидлиги энг кучли активлар. Улар жумласига барча пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий маблағлар, яъни қимматли қоғозлар киради. (1-шакл. Бухгалтерия баланси. Активнинг 2-бўлими, 170-200-сатрлар). Тез сотиладиган активлар. Улар муддати ўтказиб юборилган қисмдан ташқари дебиторлик қарзларини ва бошқа активларни ўз ичига олади (1-шакл. Активнинг 2-бўлими, 220-дн 290-гача бўлган сатрлар минус 2а-шакл 7-графасининг якуни). Секин сотиладиган активлар. Бунга баланс активи 2- бўлимининг «Захиралар ва чиқимлар», «Бўлажак давр харажатлари», шунингдек, баланс

активи 1-бўлимидан «Узоқ муддатли инвестициялар» деган моддалар киради (1-шакл.Активнинг 2-бўлими, 120 дан 160 гача бўлган сатрлар, активнинг 1-бўлими, 40 дан 100 гача бўлган сатрлар). Қийин сотиладиган активлар. Булар асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган сармоя маблағлар, ускуна ва қурилмалар, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларидир (1- шакл, активнинг 1-бўлими, 12, 22, 30-сатрлар плус 2а-шакл 7- графасининг якуни). Молияни бошқариш санъати ҳисоб-китобларида минимал миқдорда маблағ сақлаб, уларнинг қолганини тез сотиладиган активларда сақлашдан иборатдир. Ҳисоб-китобларидаги сўмма қанча катта бўлса, тўловлар ва мажбуриятлар юзасидан мавжуд маблағлар билан ҳисоб-китоб қилиш имконияти шунча кўп бўлади. Бироқ, пул маблағлари захирада ва харажатда, яъни айланишда бўлса, уларни нақд пулга айлантириш анча мураккаб бўлади. Кредиторлар кредит беришдан олдин қай даражада хатарга йўл қўяётганларини аниқлайдилар. Бунинг учун корхонанинг кредитни қайтариш қобилиятини таҳлил қиладилар, яъни тегишли кўрсаткичлар ёрдамида унинг ликвидлигини ва тўлов қобилиятини билиб оладилар.

### **11.3. Корхоналар ликвидлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари.**

Баланснинг муайян моддалари ўртасидаги нисбатни акс эттирадиган корхона ликвидлигини ифода этадиган коэффициентлар ва молиявий ҳисоботнинг бошқа турларидан иборат бутун бошли кўрсаткичлар тизими мавжуд. Улар жумласига қуйидагилар киради: Қоплаш коэффициенти (Қк). Бу коэффициент корхонанинг ликвидлигига баҳо беради, жорий мажбуриятлар айланма маблағлар билан қай даражада таъминланишини (бошқача айтганда, айланма активларга солинган молиявий ресурсларнинг қанча сўми жорий мажбуриятларнинг бир сўмига тўғри келишини) кўрсатади ва жорий активлар сўммасини (ЖА) (баланс активи 2-бўлимнинг

якуни) жорий мажбуриятларга (ЖМ) қуйидаги формула бўйича тақсимлаш йўли билан ҳисоблаб чиқилади:

$$Қк = ЖА Ш.1. Сатр 300 \text{ ёки } ЖМ Ш.1. Сатр 540 - (400 + 410)$$

Одатда, бу кўрсаткичнинг ўсиши ижобий баҳоланади. Амалий тажриба нуқтаи назаридан, бу кўрсаткич 2,0 ва ундан кўпроқни ташкил этса меъёрида деб ҳисобланади. Лекин унинг кўп ўсиши ҳам маъқул эмасдир. Чунки бу ҳол ишлаб чиқариш захираларига солинган маблағлар айланиши секинлашганлигидан ва дебиторлик қарзлари асоссиз ўсиб кетганлигидан дарак беради. Тез ликвидлилик коэффиценти (Тл.коэф.) пул маблағлари (ПМ), ҳисоб-китоблар ва бошқа активларнинг жорий мажбуриятларидаги улушини кўрсатади ва у қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{Тл.коэф.} = \text{ПМ} + \text{ДҚ} + \text{МЎДҚ} / \text{ЖМ}$$

Бунда:

ДҚ - дебиторлик қарзлари;

МЎДҚ - муддати ўтган дебиторлик қарзлари.

Тез ликвидлилик коэффиценти корхонанинг жорий мажбуриятларни тез сотиладиган активлар ҳисобидан бажара олишини белгилайди ва қопланиш коэффицентини тўлдиради. Тез ликвидлиликнинг юқори коэффиценти молиявий хатар камлигидан ва четдан қўшимча молиявий маблағлар жалб этиш учун яхши истикболлар мавжудлигидан дарак беради. Агар бу кўрсаткич 1,0 дан ортиқ бўлса, яъни тез ликвидли активлар жорий мажбуриятлар сўммасига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, нормал ҳисобланади. Кредит бериш чоғида банклар ва бошқа кредит муассасаларини ана шу кўрсаткич қизиқтиради. Абсолют ликвидлилик коэффиценти (Абс. Лик.К.) жорий мажбуриятлардаги пул маблағларининг улушини кўрсатади ва у пул маблағларининг жорий мажбуриятларига нисбати сифатида аниқланади. Пул маблағлари - кассада, ҳисоб-китоб сметида, валюта ҳисоб сметида ва бошқаларда мавжуд бўлган пулдир. У қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{Абс. Лик. К.} = \text{ПМ Ш.1. Сатр 170} + \text{180} + \text{190} / \text{ЖМ}$$

Абсалют ликвидлилик коэффиценти асосида муайян пайтда мажбуриятларни қоплаш учун пул маблағлари мавжудлигини аниқлаш мумкин. Бу коэффицент, энг аввало, корхонага етказиб берувчиларни қизиқтиради. Ушбу коэффицент қанча юқори бўлса, корхонанинг энг зарур мажбуриятлар бўйича (солиқлар, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўлаш бўйича) ҳисоб-китоб қилиш имкониятлари шунча кўп бўлади. Мазкур коэффицент 0,2 ва ундан юқори бўлганида нормал ҳисобланади. 11.4. Корхонанинг ликвидлигини таъминлашда қўлланиладиган кўшимча кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари Юқорида кўрсатиб ўтилган коэффицентлар асосий ҳисобланади ва шуларга таянган ҳолда корхонанинг ликвидлиги, тўлов қобилияти ва кредитни қутилиш қобилияти ҳақида ишончли хулоса чиқариш мумкин бўлади. Бирок, корхонанинг бу борадаги ҳақиқий аҳволини янада пухта ўрганиш учун яна бир қатор кўрсаткичларни ҳисоблаш тавсия этилади. Ишлатиладиган сармоянинг ўзгарувчанлиги ёки ўзгарувчанлик коэффиценти (ЎК): захиралар ва сармоёга, яъни муддати кечиктирилган дебиторлик қарзларини чегириб ташлагандан кейин қолган ўз айланма маблағларига нисбати сифатида белгиланади ва у қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$\text{ЎК} = \frac{\text{Зах.Хар. Ш.1. Сатр 120} + \dots + \text{150}}{\text{ЎМАйм Ш.1. Сатр 390+400-110-Ш.2а,7гр}}$$

Бунда:

Зах.хар - захиралар ва харажатлар;

ЎМАйм - ўз маблағлари ва узоқ муддатли пассивларнинг айланма маблағлардаги сўммаси.

Ушбу кўрсаткич корхонанинг эркин ҳаракатлантириш имконини бермайдиган шаклдаги ўз сармоясининг улушини англатади. Чунки жорий қарзлардан узилиш учун захиралар ва харажатларни муомалага киритиш, муддати ўтган дебиторлик қарзларини қайтариш керак бўлади. Ишлатилаётган сармоя ҳаракатчанлигининг юқори коэффиценти банкротлик хавфи

борлигидан далолат беради. Бу коэффициент 0,5 дан ортиқ бўлмаслиги, яъни захира ва харажатлар сўммаси ўз айланма маблағлари жами сўммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги нормал ҳисобланади. Умумий сармоянинг ўзгарувчанлиги (СЎ) жорий активларнинг (ЖА), яъни айланма маблағларнинг хўжалик маблағлари сўммасига (сармоя) нисбати сифатида аниқланади. Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$СЎ = ЖА / Сармоя$$

У ҳаракатчанроқ имобилизацияланган (ҳаракатсиз) активлардан фарқли равишда тез пул маблағларига айлантириш мумкин бўлган хўжалик маблағлари умумий сўммасидаги улушини кўрсатади. Бу кўрсаткич қанча юқори бўлса, корхонанинг ликвидлилик даражаси шунча юқори бўлади. Ушбу кўрсаткич 0,6 дан юқори бўлганида, яъни айланма маблағлар хўжалик маблағлари умумий сўммасида 60 фоиздан кўпроқни ташкил этганида нормал ҳисобланади.

Корхонанинг ликвидлигини баҳолаш учун бухгалтерия баланси асосида таҳлил қилинаётган йил боши ва охиридаги бу коэффициентларни ҳисоблаб чиқариш, йил давомида уларнинг ўзгаришини белгилаш ҳамда таркиб топган меъёрлар билан таққослаш зарур.

**«Тўрон» ОТАЖнинг ҳисобот йилидаги баланси  
ликвидлилигини баҳолаш**

Кўрсаткичлар	Ҳисобот йили		Меъёр бўйича	Йил бо- шидаги- га нисба- тан фарқи	Меъёр- га нисба- тан фарқи
	Йил бошида	Йил охирид а			
Қопланиш коэффициенти	1,90	2,10	>2.00	+0.20	+0.10
Тез ликвидлик коэффициенти	0,10	0,20	>1,00	+0,10	-0,80
Абсолют ликвидлик коэффициенти	0,50	0,40	>0,20	-0,01	-0,16
Амал қилувчи сармоянинг ўзгариши	2,30	2,00	кўпи билан 0,50	-0,3	+1,5
Умумий сармоянинг	0,52	0,56	>0,60	+0,04	-0,04

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, қоплаш коэффициенти, яъни айланма маблағларнинг жорий мажбуриятлар сўммасига нисбатан ҳисобот даврида 1,90 дан 2,10 га қадар ўзганлигини кўрсатади, бу эса меъёр даражасидадир. Айланма активлар жорий активлардан 2 баравардан ортиқдир. Корхона оддий шароитларда ишлаганида айланма маблағлар билан жорий қарзларнинг бундай нисбати меъёр даражасида деб ҳисобланади. Бироқ, корхонанинг катта маблағлари иммобилизация қилинганлиги, яъни товар захиралари ва харажатларда, шунингдек, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларида турганлиги муносабати билан корхонанинг йил охиридаги баланси ноликвид деб ҳисобланади. Тез ва абсолют ликвидлик коэффициентлари шундан дарак беради. Бу коэффициентлар ҳисобот даврида яхшиланмаган ва у белгиланган меъёрлардан анча паст бўлиб қолаверган. Ишлатилаётган ва умумий сармоянинг ўзгарувчанлик коэффициентлари ҳам ҳисобот даврида ёмонлашади ва меъёрдан паст даражада бўлди. Шундай қилиб корхона ҳисобот даврида



қисқа муддатли қарзларни ўз маблағлари билан тўлашга қодир эмас эди. 11.5. Корхоналарнинг тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари Тўлов қобилияти хўжалик юритувчи субъектда белгиланган муддатларда тўлашни талаб қилувчи кредиторлик қарзлари юзасидан ҳисоб-китоб қилиш учун етарли миқдорда пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари борлигини англатади. Тўлов қобилиятининг асосий белгилари қуйидагилардир:

- \* кредиторлик қарзлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун етарли даражада пул ҳажмлари борлиги;

- \* муддати ўтган кредиторлик қарзларининг йўқлиги.

Бундан ликвидлилик билан тўлов қобилияти бир-биридан фарқ қилади. Ликвидлилик қарзларни тўлаш учун маблағлар мавжудлигини кўрсатса, тўлов қобилияти - қарзни узиш имконияти борлигини кўрсатади. Ҳисоб-китоблар ликвидлилик яхши даражада эканлигини, молиявий аҳвол ижобий эканлигини кўрсатиши мумкин. Аслида эса, корхона жорий активлардаги катта маблағларини қарзни тўлашга йўналтира олмаслиги мумкин. Бу товар захираларига талаб йўқлиги, тайёр маҳсулотни сотиш қийинлиги, дебиторлар тўловга қобилиятли эмаслиги, муддати ўтган дебиторлик қарзлари сўммаси катталиги туфайли мазкур корхона тўловга қобилиятсиз бўлиб чиқиши мумкин. Шу сабабли, корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилганда, унинг ликвидлилик даражасидан ташқари тўловга қобилиятлилигини, яъни муайян пайтда қисқа муддатли қарзларни узиш имкониятини аниқлаш ҳам зарур. Баланснинг тўловга қобилиятлилигини таҳлил қилган вақтда ликвидлилик даражасига қараб гуруҳларга бирлаштирилган актив маблағлар у тўлов муддатлари бўйича гуруҳларга ажратилган пассив мажбуриятлари билан таққосланади. Шундан кейин корхонанинг тўлов қобилияти даражасини кўрсатадиган коэффициентлар ҳисоблаб чиқилади. Қарзни узиш даражаси жиҳатидан мажбуриятлар: энг шошилиш мажбуриятлар, қисқа муддатли

пассивлар, узоқ муддатли пассивлар ва доимий пассивларга бўлинади.

Энг шошилинич мажбуриятлар (ЭШМ) кредиторлик қарзлари (Ш.1. 2-бўлим, сатрлар: 450 дан 530 гача) шунингдек, муддатида тўланмаган қарзлардир. Қисқа муддатли пассивлар (КМП) - қисқа муддатли кредитлар ва қарзга олинган маблағлар (Ш.1. 2П-бўлим, сатрлар 420, 430 ва 440). Узоқ муддатли пассивлар (УМП) - узоқ муддатли кредитлар ва қарзга олинган маблағлар (Ш.1. 2П-бўлим, сатрлар 400, 410). Доимий пассивлар - баланс пассиви «Ўз маблағлари манбалари» деган биринчи бўлимнинг жами. Халқаро амалиётда жорий мажбуриятларни бажаришнинг қуйидаги нисбати назарда тутилган:

тўловга тақдим этилган счетлар,

қисқа муддатли мажбуриятлар,

дивидендлар,

ҳисобланган мажбуриятлар (харажатлар билан боғлиқ),

олинган бўнақлар,

келажак даврларнинг даромадлари (хизмат кўрсатишдан олдин олинган пул маблағлари, масалан, бўнақ тўланган ижара ҳақи, тўловга қўйилган солиқлар, кафолат мажбуриятлари, ишчи ва хизматчиларга қайтарилиши керак бўлган қарзлар),

муддати ўтказилган қарз мажбуриятлари,

тўлаш муддати қайд этилмаган (талаб қилиб олингунча) мажбуриятлар.

Корхонанинг тўлов қобилияти энг шошилинич мажбуриятларни тўлаш қобилияти, қисқа муддатли пассивлар ва узоқ муддатли пассивлар коэффицентлари ёрдамида баҳоланади.

Энг шошилинич мажбуриятларнинг тўлов коэффиенти (КЭш.М.Т.) энг ликвид активларнинг (Эл.а) энг шошилинич мажбуриятлар (ШМ) сўммасига нисбати сифатида аниқланади ва қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқарилади:

$$\text{Эл.а КЭ.ш.м.т} = \text{Эл.а} / \text{ШМ}$$

Қисқа муддатли пассивларнинг тўлов коэффиценти (КҚМП) тез сотиладиган активларнинг (ТСА) қисқа муддатли пассивлар (ҚМП) сўммасига нисбати сифатида аниқланилади ва қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$\text{ТСА КҚМП} = \text{ТСА} / \text{ҚМП}$$

Узоқ муддатли пассивларнинг тўлов коэффиценти (КУМП) секин сотиладиган активлар (ССА)нинг узоқ муддатли пассивлар (УМП) сўммасига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{КУМП} = \text{ССА} / \text{УМП}$$

Баланснинг тўловга қобилиятлилигини таҳлил қилганда юқорида кўрсатилган гуруҳлар бўйича маблағлар ва қарзларни аниқлаш, узиладиган қарзлар даражасини ҳисоблаш ва улар юзасидан хулосалар чиқариш керак бўлади. Бу учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади.

**«Тўрон» ОТАЖнинг ҳисобот йилидаги баланс  
ликвидлигини баҳолаш**

(минг сўм миқдориди)

Ликвид маблағлари кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Қарзни ўзишнинг шошилиқ даражаси	Йил бошида	Йил охирида	Ортиқча тўлаш ёки камайиш даражаси			
						йил бошида		йил охирида	
						сўм-ма	дара-жа	сўм-ма	дара-жа
Энг ликвид активлар	351	304	Энг шошилиқ мажбуриятлар	5929	6140	-5578	5,9	-5710	5,1
Тез сотиладиган активлар	399	1249	Қисқа муддатли пассивлар	1241	1820	-842	32,2	-474	72,5
Секин сотиладиган активлар	11559	12688	Узоқ муддатли пассивлар	95	-	11464	-	12688	-
Қийин сотиладиган активлар	14838	15296	Доимий пассивлар	19882	21708	-5044	74,7	-6407	70,5

Ушбу жадвал маълумотлари корхонанинг тўловга қобилиятсизлигини, яъни унинг қисқа муддатли мажбуриятлари яқин орада қайтарилмаслигини кўрсатади. Энг ликвидли маблағлар ва тез сотиладиган активларни энг шошилиқ

мажбуриятлар ва қисқа муддатли пассивлар билан таққослаб, корхонанинг яқин вақт ичидаги жорий тўловга қобилиятини аниқлаймиз. ОТАЖда ҳаммадан тез сотиладиган активлар энг шошилиш мажбуриятлар ва қисқа муддатли пассивлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун етарли эмас. Секин сотиладиган активларни узоқ муддатли пассивлар билан таққослаш келажакда ликвидлилик мавжуд бўлишини, яъни келажакдаги тушумлар ва тўловлар асосида тўлов қобилияти тахмин қилинишини кўрсатади. Лекин бу тўловлар тўлиқ бўлмаслиги мумкин. Секин сотиладиган ва қийин сотиладиган активлардан, одатда, корхона банкрот бўлганида қарзларни қоплаш учун фойдаланилади. Шундай қилиб, «Турон» ОТАЖ йил охиридаги бухгалтерия баланси маълумотлари бўйича умуман олганда ликвид ташкилот, лекин тўловга қобилиятли эмас. Корхона раҳбарлари дархол унинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўришлари керак. Шу тариқа ҳисоблаб чиқарилган ликвидлилик ва тўлов қобилияти кўрсаткичлари корхонанинг турли даврлардаги балансларини, шунингдек, молиявий ҳолатини баҳолаш мақсадида турли корхоналарнинг балансларини таққослаш имконини беради. Ликвидлилик ва тўлов қобилияти кўрсаткичлари белгиланган меъёрлардан паст бўлган ва ёмонлашиб бораётган корхоналар банкрот деб топилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1998 йил 28 августда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кредиторларнинг пул маблағлари бўйича талабларини тўла ҳажмда қондиришга, шу жумладан солиқлар, йиғимлар, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий тўловларни тўлашга қодир бўлмаган корхоналар банкрот (иктисодий жиҳатдан ночор) деб ҳисобланади. Бунда банкротликни хўжалик суди эътироф этган ва қарздорнинг ўзи ихтиёрий равишда ўзини тугатиш чоғида эълон қилган бўлиши керак. Хўжалик суди қарздор, кредитор ва прокурор тақдим этган банкротлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади. Суд банкротликни эътироф этгандан кейин ишончли

(ваколатли) шахс тугатиш комиссиясининг кузатуви остида корхонани тугатиш, шу жумладан, қарзларни узиш бўйича зарур ҳаракатларни амалга оширади. Корхонанинг бундай аҳволга олиб бормаслик учун унинг ликвидлиги ва тўлов қобилияти мунтазам таҳлил қилиб борилиши ва баҳолаб турилиши керак. Ликвидлилик ва тўлов қобилиятининг яхшиланишига қуйидаги йўллар билан эришилади:

\* маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳажмини кўпайтириш;

\* тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот қолдиқларини қисқартириш;

\* дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш ҳамда улар юзасидан муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлаш;

\* ўз мажбуриятлари бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлаш;

\* жорий активлардаги ўз айланма маблағлари улушини кўпайтириш;

\* айланма маблағлар айланиш тезлигини ошириш; Ликвидлилик ва тўлов қобилияти даражаси яхшиланиши кўп жиҳатдан корхонанинг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий бақувватлигига ҳам боғлиқ бўлади.

### **Асосий тушунчалар таърифлари**

Ликвидлик тушунчаси ва уларнинг таърифи, активларнинг ликвидлик нуқтаи назаридан турлари, корхоналар ликвидлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ликвидлик тушунчаси ва уларнинг таърифи.
2. Активларнинг ликвидлик нуқтаи назаридан турлари нималардан иборат.
3. Корхоналар ликвидлигини ифодаловчи кўрсаткичлар қандай аниқланади.

## Тест

**1.** Энг шошилинч мажбуриятларнинг тўлов коэффициенти қандай аниқланади.

А) энг ликвид активларнинг (Эл.а) энг шошилинч мажбуриятлар (ШМ) сўммасига нисбати сифатида аниқланади

Б) тез сотиладиган активларнинг (ТСА) қисқа муддатли пассивлар (ҚМП) сўммасига нисбати сифатида аниқланилади

С) секин сотиладиган активлар (ССА)нинг узок муддатли пассивлар (УМП) сўммасига нисбати сифатида аниқланади

Д) сотилмайдиган активлар (ССА)нинг узок муддатли пассивлар (УМП) сўммасига нисбати сифатида

**2.** Қисқа муддатли пассивларнинг тўлов коэффициенти қандай аниқланади.

А) энг ликвид активларнинг (Эл.а) энг шошилинч мажбуриятлар (ШМ) сўммасига нисбати сифатида аниқланади

Б) тез сотиладиган активларнинг (ТСА) қисқа муддатли пассивлар (ҚМП) сўммасига нисбати сифатида аниқланилади

С) секин сотиладиган активлар (ССА)нинг узок муддатли пассивлар (УМП) сўммасига нисбати сифатида аниқланади

Д) сотилмайдиган активлар (ССА)нинг узок муддатли пассивлар (УМП) сўммасига нисбати сифатида

**3.** Узок муддатли пассивларнинг тўлов коэффициенти қандай аниқланади.

А) энг ликвид активларнинг (Эл.а) энг шошилинч мажбуриятлар (ШМ) сўммасига нисбати сифатида аниқланади

Б) тез сотиладиган активларнинг (ТСА) қисқа муддатли пассивлар (ҚМП) сўммасига нисбати сифатида аниқланилади

С) секин сотиладиган активлар (ССА)нинг узок муддатли пассивлар (УМП) сўммасига нисбати сифатида аниқланади

Д) сотилмайдиган активлар (ССА)нинг узок муддатли пассивлар (УМП) сўммасига нисбати сифатида

**4.** Ҳаракатдаги маблағлар (сармоя) (ҲС) ...

А) корхона ихтиёридаги хўжалик маблағлари сўммаси

Б) корхонанинг муайян санадаги ўз маблағлари

С) оборотда бўлган ўз маблағлари ҳажми

Д) оборотда мунтазам қатнашадиган ўз оборот маблағлари ҳажми

**5.** Жалб қилинган маблағлар (сармоя) (ЖС) ...

А) узоқ муддатли (УМ) ва жорий мажбуриятлар (ЖМ) йиғриндисидир, у корхонанинг ҳозирги пайтдаги қарзлари миқдорини кўрсатади ва у баланс пассиви 2-бўлими якунига тенгдир (2П)

Б) захира, харажат, пул маблағлари ҳамда дебиторлик қарздорлигида бўлган маблағларни акс эттиради, яъни у баланс активи 2-бўлими якунига тенгдир

С) йил мобайнида тўланиши зарур бўлган қарздорлик.

Д) асосий воситалар ва бошқа оборотдан ташқари активлар йиғиндисибўлиб, улар оборот маблағлари (мобил активлар)дан фарқли равишда секинроқ айланади ва баланс активи 1-бўлими якуни бўйича аниқланади

**6. Жорий активлар (ЖА) ...**

А) узоқ муддатли (УМ) ва жорий мажбуриятлар (ЖМ) йиғриндисидир, у корхонанинг ҳозирги пайтдаги қарзлари миқдорини кўрсатади ва у баланс пассиви 2-бўлими якунига тенгдир (2П)

Б) захира, харажат, пул маблағлари ҳамда дебиторлик қарздорлигида бўлган маблағларни акс эттиради, яъни у баланс активи 2-бўлими якунига тенгдир

С) йил мобайнида тўланиши зарур бўлган қарздорлик.

Д) асосий воситалар ва бошқа оборотдан ташқари активлар йиғиндисибўлиб, улар оборот маблағлари (мобил активлар)дан фарқли равишда секинроқ айланади ва баланс активи 1-бўлими якуни бўйича аниқланади

**7. Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари бу.**

А) бир йилгача бўлган

Б) бир йилдан уч йилгача бўлган

С) уч йилдан беш йилгача бўлган

Д) беш йилдан узоқ бўлган

**8. Қисқа муддатли дебиторлик қарзлари бу.**

А) бир йилгача бўлган

Б) бир йилдан уч йилгача бўлган

С) уч йилдан беш йилгача бўлган

Д) беш йилдан узоқ бўлган

**9. Узоқ муддатли кредиторлик қарзлари бу.**

А) бир йилгача бўлган

Б) бир йилдан уч йилгача бўлган

С) уч йилдан беш йилгача бўлган

Д) беш йилдан узоқ бўлган

10. Қисқа муддатли кредиторлик қарзлари бу.

А) бир йилгача бўлган

Б) бир йилдан уч йилгача бўлган

С) уч йилдан беш йилгача бўлган

Д) беш йилдан узоқ бўлган



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Бернстайн Л.А. Анализ финансовой отчетности: теория, практика и интерпритация: Пер с англ.- М.: Финансы и статистика, 1996.-7,480 стр.
2. Додобоев Ю., Худойбердиев А. Корхона иқтисодиёти. – Андижон, «АНДИЖОН НАШРИЁТИ» ОАЖ, 2002, 228-б.
3. Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик. – Т.: Молия, 2003, 175-б.
4. Б. Аннаев Савдо корхоналарида даромадлар ҳисоби ва аудитининг долзарб масалалари. Монография. “НАВРЎЗ” нашриёти, -Т.: 2011, 16-б.
5. К.Б.Урозов. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Т.: “Ўқитувчи”, 2004. 245-бет.
6. Юсупова М.Б, Солиев Б.К. Молиявий ҳисоб. Андижон-2006. 57-бет.
7. С.Н.Тошназаров. Халқаро ҳисоб асослари. Маъруза матнлари тўплами. Самарқанд-2008. 83-бет
8. Х.А.Шодиев. “Статистика” – дарслик. Тошкент – 2004. 161-бет.
9. Худойбердиев У.Х., Алиев Б.Р. Статистика. Самарқанд. СамИСИ 2006 -88-бет.
10. Статистика: учебник. / под ред. С.А.Орехова. – М.: Эксмо, 2010. – с. 172.
11. Абдуллаев Ё. Статистика назарияси. Т. Меҳнат. 2000. – Б. 212.
12. Денискин В.В. Основы экономического прогнозирования в пищевой промышленности. М. Легкая и пищевая промышленность. 1984. – С. 136.
13. Абдуллаев Ё. Статистика умумий назарияси. Дарслик. Т. Ўқитувчи. 1993. – Б-144
14. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектларининг молиявий ҳолатининг таҳлили. Т.: Молия-иқтисод, 2015.-316 б.

15.К. Р. Субраманям Financial statement analysis, eleventh edition Published by McGraw-Hill Yeducation, 2 Penn Plaza, New York, NY 10121. Copyright © 2014 бй, 646 бет.

16.Л.И.Донсова, Н.И. Никифорова., “Анализ финонсовой отчётност”, М: Дело и сервис, стр-б.

17.С.Отамуродов Глобаллашув ва миллий-манавий хавфсизлик. Т. “Ўзбекистон”. 2013,

18.В.А.Каримова ва бошқалар. Тизимли таҳлил асослари. Дарслик. Т. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2014.

*Пардаев М.Қ., Холикулов А.Н., Яхёев Т.И.*

## ***Молиявий ва иқтисодий маълумотлар таҳлили***

*Ўқув қўлланма*

**Мухаррир:** Бободустов З.Н.

**Мусахҳих:** Мелиев З.

**Саҳифаловчи:** М. Мардиева

Ўқув қўлланма СамИСИ Кенгашининг 2022 йил “31” Октабрдаги 3-сон мажлисида муҳокама қилинган, чоп этишга ва ўқув жараёнида фойдаланишга тавсия этган.

**«FAN BULOG’I» nashriyoti, Samarqand**

**ISBN: 978-9943-8979-1-5**

Nashriyot lisenziyasi:

№ 4341-5160-642с-944b-ab74-5062-3969

Bosishga ruxsat etildi: 26.12.2022

© «FAN BULOG’I» nashriyoti, Samarqand sh.

S.Buhoriy ko’chasi, 1-11 uy.

27.12.2022 yilda chop etildi.

**Qog’oz bichimi A5, 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>, Ofset qog’ozi.**

**“Times New Roman” garniturası.**

**Nashr bosma tabog’i 8,62**

**Buyurtma № 0161. Adadi 100 nusxa**

---

**Samarqand iqtisodiyot va servis institutining  
matbaa bo‘limida chop etildi.**

**LICENSE № 025316.**

**REESTR № X-119112.**

**Manzil:** Samarqand shahar, Shoxrux ko’chasi 60-uy.



**ISBN: 978-9943-8979-1-5**

